

Раъно Ходжаева

МУМТОЗ АРАБ АДАБИЁТИ ЖАНРЛАРИ ТИЗИМИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ



СН0000032183

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Раъно Ходжаева

МУМТОЗ АРАБ АДАБИЁТИ ЖАНРЛАРИ ТИЗИМИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ

МОНОГРАФИЯ

Тошкент–2015

Рисолада илк ўрта асрлардан бошлаб араб адабиётида тарихан шаклланган жанрлар тизими ўрганилган ва турли жанрларга мансуб бўлган бадий ижоднинг хусусиятларини таҳлил етилган.

Ушбу китоб бакалавр ва магистр боскичларидаги талабаларга, мутахассисларга ва умуман араб адабиёти билан қизикувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., проф. А. Маннонов

Тақризчилар:

ф.ф.д., проф. С. Ҳасанов

ф.ф.д. Ш. Шомусаров

Мазкур монография Тошкент давлат шарқшунослик институти
Кенгашининг 2015 йил 5 октябрь мажлисининг 2-сонли
баённомаси билан нашрга тавсия қилинган.

Кириш

Ҳар бир миллий адабиёт адабий турларни мазмунан ва шаклан ифодаловчи ва умумий бадиий хусусиятлари билан ажралиб турувчи гуруҳлар – жанрларга эга. Араб адабиётида жанрлар тизимининг тарихий шаклланиши кадимги асрларга бориб тақалади ва дастлаб оғзаки ижоднинг назм ва наср тармоқларида пайдо бўлди. VIII-X асрларда бу жанрларда яратилган асарлар, масалан, шеърятда қасидалар, насрда қиссалар ёзилиб олинди. Исломгача Жоҳилия давридан ривожланиб келган жанрлар сўнгги адабий босқичларда турли кўринишларда намоён бўлса ҳам, собит анъаналарини йўқотмади. Жанрдаги бу анъаналар барқарор хусусиятлар касб этди. Ҳатто, VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рўй берган янгиланиш даврида ҳам шеърятда пайдо бўлган ўзликни ифодалаш тамойиллари ўша анъанавий барқарор хусусиятлар асосида рўй берди.

Араб шеърятини пайдо бўлган полифоник – кўп қисмли қасида шакли насиб, васф, мадх, фахр, ҳикма каби ички жанрларга бўлиниб ривожланиб борди. Босқичма-босқич унинг тартибида у ёки бу жанр устун келди, ўрнини алмаштирди, нисбий ўзгаришлар рўй берди, ўзига ҳамриёт, тардиёт каби янги жанрларни қамраб олди, аммо, асл моҳиятини то XX аср бошигача ўзгартирмади. Бунинг боиси, шеърят азалдан араб халқлари маънавий бойлигининг салмоқли қисмини ташкил этиб, унинг ўзига хос миллий руҳини ифодаловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Араблар имкон қадар шеърятда ўз анъанавий қадриятларини ташқи таъсирдан ҳимоя қилишга интилдилар, аммо янги ерларнинг фатҳ этилиши, ислом динининг тарқатилиши, бошқа халқлар тамаддуни билан тўқнашиш албатта ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Араб адабиёти тарихида доимий юз берган янгиланиш ва анъанага қайтиш тарафдорлари ўртасидаги кураш бир неча бор шиддатли тус олди. VIII асрнинг иккинчи ярмида ва IX аср бошидаги рўй берган кураш оқибатида собит анъанавий жанрлар асосий моҳиятини йўқотмасе ҳам уларга ранг-баранглик кириб келди, тасвир кўлами ўзгарди, умумийликдан шахсий ифодаланиш кучайди, тақомиллашди, янги жанрлар яралди.

Шеърят борасидаги иккинчи кураш XX аср бошига тўғри келди ва у “янги мумтоз шеърятини” намояндалари буюк шоирлар Аҳмад Шавкий ва Ҳофиз Иброҳим ва “Девон” жамиятининг ёш

шоирлари ўртасида рўй берди. Маърифатпарварлик йўналишида ижод қилган Аҳмад Шавкий ва Ҳофиз Иброҳим долзарб масалаларни кўтарса ҳам, қасиданинг анъанавий шаклидан воз кечмадилар ва кўп таркиблигини сақлаб қолдилар. Шеърнинг асосий мақсади – миллий озодлик курашига ўтиш олдида ишқий лирик чекиниш (сунъий бўлса ҳам) – насибни, саҳро чиройини ва ҳайвонларини васф этиш анъаналарини сақлаб қолиш ҳолатлари европа шеърини руҳи билан суғорилган ёш шоирлар авлоди томондан танқидга учради. Натижада, қасида ўз кўптаркиблигини йўқотди, якка қофиядан воз кечилди, ўзида тугал фикрни мужассамлаштирган икки мисрали мустақил банд мақомини олган байт ўрнига рукн (тафойил) тизими қўллана бошлади. Жанрлар қасида таркибидан чиқиб, мустақил асарларда муайян жанрнинг маънавий ва услубий хислатлари билан намоён бўлди. Бу қалтис ўзгаришлар Миср, Сурия, Ливан, Ироқ ва бошқа араб давлатларида XX асрнинг иккинчи ярмига бориб юз берди. Судан, Саудия Арабистони ва бошқа баъзи араб давлатларида анъанавий қасида шакли ҳанузгача аҳамиятини йўқотгани йўқ. Лекин ҳақиқатда, XX аср бошида рўй берган ўзгаришлар буюк шоирлар Маҳмуд Сами ал-Барудий, Аҳмад Шавкий, Мааруф ар-Русафий ва бошқа янги мумтоз шеърини намоёндалари мумтоз шеърининг энг яхши анъаналарига, соф негизига ёндашганидан сўнг бошланди. XVI аср бошида Усманий турклар араб оламини забт этгандан сўнг шеърини руҳи сустлашиб, маънавий ва услубий инқирозга учраган эди. Мазкур шоирлар қадимги араб шеърининг услубини тикладилар, образларидан истеъфода қилдилар. Араб шеърини янгилашни жараёни дастлаб янги жанр ва услублар жорий этилиши орқали эмас, балки анъанавий қолига янги мазмун киритиши билан бошланди. Инқироз давридаги (XVI-XVIII асрлар) шеърини хос бўлган асосий камчиликлар – халқ ҳаётидан узилиши, шаклбозликка берилиб, воқелиқдан узоклашиб, услубий изланишларда тўла турғунлик каби иллатлардан қутулиш тамойиллари кучайди. Ал-Баруди, Шавкий, Ҳофиз Иброҳимлар ўз ижодлари билан араб шеърининг ҳақиқий латофатини тикладилар, гўзаллиги ва жозибасини янада оширдилар.

Араб насрнавислигида ҳам жанр тарихий категория сифатида ўз ривожланиш йўлидан ўтди. Исломгача қадимги арабларда

халқ оғзаки ижодда мақол-маталлар, масаллар, қиссалар, ҳикматли иборалар кенг тарқалган эди. Кейинчалик улар ёзиб олиниб, турли жанрлардаги асарларда кўнгилочар унсурлар сифатида ишлатилди. Нотиклик санъати “хитаба” ҳам ривожланган эди, чунки араблар азалдан сўз санъатига эътибор бериб келган, халқнинг ҳар бир қабиласида ўз нотиғи бўлар эди. Қабилалар тўқнашувида нотиклар ўз қабиласининг манфаатини химоя қилиб, далиллар билан нутқий маҳоратларини намоиш этар эдилар. Бир томон нотиғи ушбу нутқ мусобақасида устароқ чиқиб санъати билан ҳақлигини исботласа, қабилалар жангда қон тўкмасдан, ҳаттоки таркалиб кетишлари ҳам мумкин эди. Муҳим воқеалар, қабилалараро жанглар ва урушлар тарихий ривоятларда ўз ифодасини топди. Бу ривоятлар тарихий фактлар билан бир қаторда бадий унсурлар, шеърӣ парчаларни ўзига қамраб олган эди.

Илк ислом даврида нутқий санъат “хитаба” диний тус олиб “хутба” номи билан танилди. Халифалик ташкил қилиниши билан ҳужжатлар юритиш учун девонхона тизими кенг ривож топди ва турли хил ёзишмалар “расаил” ёки “тарассул” жанрини ташкил қилди. X асрга бориб хилма-хил ёзма асарларни ўзига қамраб олган илмий-оммабоп жанр – “адаб” ривожланди. Бу жанр кенг ўқувчилар доирасига мўлжалланган бўлиб, ўз даврига оид илми, адабиёти, тили тўғрисида маълумотлар берар эди. Унинг таркибига кирган рисоалар (номалар) бирор масалани кўтарувчи асар бўлиб, уларда муаллиф ўзининг илми, фалсафӣ, диний ёки ижтимоӣ қарашларини ифода этиши мумкин эди. Бундай рисоалар гоҳида тўқима, гоҳида ҳақиқий шахсга йўналтирилган бўлиб, у билан кўтарилган масала бўйича баҳс-мунозара олиб бориладди.

Рисоалар ёзишда буюк адиб Абу Ала ал-Маарӣ ва бизнинг ватандошимиз таниқли филолог ва шоир Абу Бакр Муҳаммад ал-Хоразмӣ катта шухрат қозондилар.

Мумтоз араб адабиётининг сўнгги энг раванк топган боскичида (X-XII асрлар) насрнависликка мутлақо янги бўлган мақома жанри кириб келди. Бу жанрда ёзган машҳур муаллифлар орасида Хоразмдан чиққан буюк филолог олим Маҳмуд аз-Замахшарӣ ҳам бор. Умуман олганда, бу иккала хоразмлик олимларнинг бадий ижоди, шеърӣяти, рисоалари ва мақомалари ҳали ҳам тадқиқга тортилмаган.

Ўрта аср араб адабиёти жаҳон шарқшунослигида яхши ўрганилган соҳа ҳисобланади. Ғарбий Европа олимларидан Сильвестер де Саси, Хаммер, А. Перес, И.Гольдциер, К. Брокельман, Ш. Пелла, Х.А.Р.Гибб, Р. Блашпер, Дж.Ф.Габриэли, Г.Э.Фон Грюнебаум, Дж.Т.Монрау, рус шарқшуносларидан В.Р.Розен, И.Ю.Крачковский, А.Е.Крымский, И.М.Фильштинский, А.Б.Куделин, Б.Я.Шидфар, ўзбек олимларидан Н.Иброҳимов, Т.А.Мухторов, Ш.Шомусаров, М.Зиёвуддиновалар томонидан ўрта асрлар араб адабиёти тарихи, адабий жараёнлари, алоҳида намояндаларининг ижоди ва асарлари тадқиқ этилиб, ўрганилди баҳо берилди.

Биз ушбу кичик рисоламизни ўрта аср араб адабиётидаги жанрлар тизими ва типологиясига бағишлаган эканмиз, даврий босқичларда жанрларни шаклланишига, алмашинувига, азалдан мавжуд бўлган собит шакллар ёнига янги шаклларнинг қўшилиши, уларнинг такомиллашуви ва янги сифатлар касб этишини кузатиб борамиз ва ривожланиш жараёнини шу жанрда ёзилган асарлардан олган парчалар орқали намоёиш қиламиз. Албатта, рисола бу масаланинг барча жиҳатларини тўла ёритишга даъво қила олмайди. Шунинг билан бирга, адабиёт ривожини жанрлар тизими орқали ўрганиш адабий жараёни чуқурроқ гушунлишга ва сўз санъати қонунларини англашга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

І БОБ. ҚАДИМГИ АРАБ АДАБИЁТИДА ЖАНРЛАР ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Жоҳилия давридаги шеърят ва унинг жанрлари

Қадимги арабларнинг ижоди оғзаки бўлиб, у бир авлоддан иккинчи авлодга ровийлар орқали ўтиб борадиган эди. Бу ижоднинг дастлабки ёзма нусхалари VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлди ва аксарияти IX-X асрларда ёзиб олинди. Шу ўринда савол туғилади: қайси йўл билан оғзаки шеърый ижод араб адабиёти-нинг ўрта асрларда юксалган даврига қадар етиб келди? Жавобни шоир қабиласида эгаллаган мавқеидан топса бўлади. Умуман олганда, шеър қадимги арабларда энг ривожланган ижод тури эди. Шоир қабила “виждони” бўлиб, унинг манфаатини, шарафини ҳимоя қилар эди. Қабиладошларнинг қароматлари ва фазилатларини мақтаб, уларни кўкларга кўтаришдан, душманларни эса қоралаб, уларни ер билан яксон қилишдан сира чарчамас эди. Шоирларнинг шеърлари сеҳрли куч-қувватга эга бўлиб, атрофдагиларга катта таъсир кўрсатиши натижасида “жамоатчилик” раъйини шакллантирар ва у ёки бу ҳодисага муайян муносабатни вужудга келишига сабаб бўлар эди. Бу вазифалар қабила шоири зиммасига катта масъулият юклар эди, қабила муаммоларига самимий ва ҳолисона ёндашишни талаб қилар эди.

Қадимги араб шеърятини оғзаки ижод намунаси бўлса-да, халқ оғзаки ижоди ҳисобланмайди. Ҳар бир қабила ўз шоири билан фахрланар ва уларнинг шеърларини ёлда сақлар эди. Шунинг учун ҳам уларнинг шеърлари деген шаклида ёки алоҳида асар шаклида замонамизгача етиб келди. Араб халифалиги даврида бу шеърый мерос катта эътибор билан ёзиб олинди. Девонлар ё мавзудан ёки қабилавий сифатдан келиб чиқиб тузилар эди. Аммо Куфалик филолог Ҳаммад (694-772) томонидан ёзиб олинган дастлабки девон анъана бўйича VI асрга тааллуқли бўлиб, энг яхши саналган қасидаларни қамраб олган. Уларнинг сони еттига, бу қасидаларнинг муаллифлари: Имрул Қайс, Тарафа, Зухайр, Лабид, Амр ибн Кулсум, Антара ва Хорис ибн Хиллизлардир. Сўнг бу рўйхатга яна учта шоир қўшилади, улар: ан-Набиға аз-Зубяний, ал-Ааша ва Абид ибн ал-Аброслардир. Бу қасидалар “ал-Муаллакот” лар номини олди. Маъноси турлича

таржима қилинган, лекин, назаримизда, уларнинг энг тўғри талкини – “Терилган дурдоналар” маъносини беради.

Қадимги араб шеърятини асосан икки шаклда намоён бўлди. 10-12 байтлардан иборат шеърини китъа – у махсус ёзилган асар ёки катта қасидадан ажралиб чиққан бўлақдир. Қасида эса 50-100 байтдан иборат, баъзида байтлар сони ундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Шеърини китъалар асосан араб шеърятининг энг қадимги жанрлардан бўлмиш хижо – қабила душманини қўлол ҳажвга олиш жанридир.

И.Гольцнер кўрсатишича, бу жанрнинг негизида ўткир сўзли ва сеҳрлаш санъатини эгаллаган шоирнинг ўз душманига ёки қабила душманларига йўналтирилган қарғиш ва лаънатлари турар экан¹. Бу лаънатларни қофия ва муайян оҳангга солиб айтаётган шоир ўзи ҳам уларни жоду кучига эга эканлигига самимий ишонар ва бошқаларни ҳам бунга ишонтирар эди. Бадавийлар учун қадриятлар жасурлик, сахийлик, ваъдага вафо қилиш, қабилага садоқатли бўлиш бўлса, табиийки, душман кўрқокликда, садоқатсизлик ҳамда пасткашликда айбланар эди. Қабила-лараро юзага келган шоирлик тўқнашувларида шоирлар бир-бирини сира аямасдан душманни қилган ёки қилмаган ёмонлик-ларида айблаб чиқишганида, сўзга чечан истеъдодли шоир ғалаба қилиб, қилган ҳақорати душманга катта зарба етказар эди.

Шеърятнинг китъа шаклида ривожланган яна бир жанри – бу рисо, яъни кишининг ўлган қариндоши ёки дўстининг тобути олдида ўз хис-ғуйғуларини йиғи сўзлари – марсияда ифодалаш. Марсияда марҳумнинг фазилатлари кўрсатилиб, агар у шахид кетган бўлса, қасос олишга бўлган даъватлар билан кўшилиб кетар эди. Табиийки, марсияда марҳумнинг сифатлари муболағалашиб, баландпарвоз ўхшатиш-ташбеҳлар билан безатилади. Шоира ал-Ханса (664 йилда вафот этган) рисо жанрида айниқса кўп шуҳрат қозонган эди. У ўзининг марсияларида жангларда ҳалок бўлган акалари – Сулайм қабиласининг шайхлари Саҳр ва Муавияни ўлимига йиғлаб, уларнинг каромати, жасорати, ақл-заковатини ҳар томонлама мақтайди.

Рисолаларнинг тили содда ва оддий бўлиб, уларда бир хил ифодавий иборалар такрорланади.

¹ Фильштинский И.М. “Арабская литература в средние века” китобидан иктибос. М. Наука 1977. 47 б.

Қасидага келсак, у мураккаб тузилишга эга кўп қисмли асар бўлиб, бу қисмлар ўзаро боғланиши анча заиф эди. Ҳар бир бўлак ўз сюжети ва услубига эга бўлиб, жанр шаклига яқинлашади, аммо фақат ўрта асрларда тўла мустақил жанрга айланади.

Қадимги араб қасидасининг композицияси ўзига хос барқарор қонун-қоидаларига эга. Биринчи қисми лирик кириш бўлиб, уни “насиб” деб аташади. Унда қабила кўчиб кетгандан сўнг тарк этилган харобаларда шоир махбубасининг изларини қидиради, у билан бўлган учрашувларини эслайди, бирга ўтказган дамларини қўмсайдди. Бу лирик кириш, ҳатто XX асргача сақланиб борди. Ўрта асрларда ҳар бир қасида ёзган шоир, уни ёзишдан асосий мақсади мутлақо бошқа бўлса ҳам, ўз асарини насибдан — лирик киришдан бошлар эди. Масалан, машҳур шоир Кааб ибн Зухайр (662 йили вафот этган) ислом динини қабул қилгандан сўнг, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в) ни мадҳ қилиб, ёзган қасидасининг лирик кириш қисми шундай бошланар эди:

بانت سعاد و قلبي اليوم مطبول متم اثرها لم يجز مكبول¹

Суад мени тарк этганда қалбим бонг уриб,

Ортидан интилдим ишқ ўтида ўртаниб.

Ўхшар эдим занжирбанд қулга

Озодликдан махрум бўлган асирга.

Пайғамбаримиз (с.а.в) қасидадаги ислом дини мадҳидан таъсирланиб, шоир елкасига ўзларининг чакмонлари — бурдаларини ташлайдилар ва бу қасида “Ал-Бурда” номи билан шухрат қозонади.

Аммо қасидалардаги ишқий оҳанглар оддий анъанадек қабул қилинган. Ҳатто, XX аср бошларида ижод қилган машҳур араб шоири Аҳмад Шавқий ҳам ўзининг Миср мустақиллиги учун курашга бағишланган сиёсий шеърини махбубасини жайронга ўхшатиш билан бошлайди. Асрлар оша етиб келган бундай анъанага таклид қилиш ёш шоирларнинг танқидига учради.

Бу мисолларни келтиришимиздан мақсад, қасидада анъанавийликнинг кучли эканлиги ҳамда вақт ўтиб, қасида ўзгариб борса ҳам, ўз моҳиятини йўқотмаслигини кўрсатишдир.

Шоир лирик киришдан сўнг тавсифга ўтади ва бу жанр шакли “васф” номини олади. Тавсифга шоирнинг йўлида учраган барча манзаралар, ҳайвонот, наботот, табиат ҳодисалари, ов,

¹ خليفة، الادب و النصوص في العصور الجاهلي و صدر الاسلام، القاهرة 1999

жанглр баёни ва унинг ҳаётидаги бошқа воқеалар кирар эди. Васф насиб қисми каби фақат лирик кўринишда бўлмай, балки лирик баёний ёки эпик шаклда ҳам ифодаланар эди.

Исломга қадар бўлган даврда қасиданинг марказий қисми “фаҳр” руҳида бўлиб, унда шоир ўз қабиласи, унинг шайхи, қаҳрамонинг фазилатларини ёки ўзининг яхши сифатларини, жасурлигини, олий насл-насабдан эканлигини кўрсатиб, шулар билан фаҳрланар эди. Шоир ўзини қабиласининг бир қисми дея тасаввур этаркан, унинг шахсий фазилатлари қабил а фазилатлари билан уйғунлашиб, яхлитлик касб этади. Кўп бўлмаса-да, фаҳрда кичик сюжетли ҳодисалар ҳам ўрин эгаллаган. Шунинг учун биз қасиданинг васф, фаҳр қисмларида лирик ва эпик турлар мужас-самлашганлигини, бироқ унинг лирик жиҳати кўпроқ намоён бўлишини кузатамиз.

Фаҳр қасиданинг бошқа бир қисми – мадҳ билан ҳам типологик, ҳам генезис – келиб чиқиш жиҳатидан алоқадор. Мадҳ, рисо ва хижодан фарқланади, бироқ фаҳр сингари мадҳ ҳам қасидадан ажралмасдан ривожланди. Фаҳр ўз мавқеини йўқотиши билан эса мадҳ қасидада марказий ўринни эгаллай бошлади, ва ниҳоят, Умавийлар давридан бошлаб Аббосийлар халифалиги замонасида асосий жанрга айланди. Бу даврда у кўпроқ халифалар, амирлар, вазирлар ва бошқа ҳукмдорларга бағишланар эди. Аббосийлар халифалиги даврига келиб мадҳ ўзининг самимийлигини йўқотиб, сарой шоирларининг касби ва тирикчилик воситаси бўлиб қолди. Жоҳилия даврида ёзилган мадҳларда бундай ҳол кузатилмай, унинг объекти бўлган шахслар ҳолис шарафланар эди. Аммо қабилавий уруғчилик тузумининг емирилиши, ғассонийлар, лаҳмийлар ва бошқа кичик амирликлар пайдо бўлиши натижасида ҳукмдорларни мадҳ этувчи сарой шоирлари кўпая борди.

Ислом даврига қадар бўлган шеърятга назар солсак, ўша даврлардаги қасидаларнинг муайян байтлари майга бағишланиб, уларда зиёфатларнинг васфи акс этар эди. Ҳамриёт номини олган қасиданинг бу тури сўнгги даврларда кенгайиб, ривожланиш жараёнини бошидан кечирди.

Қасида таркибида пайдо бўлган яна бир мавзу – ҳикма яъни ибратли афоризмлардир. Улар қасидада унчалик катта бўлмаган чекиниш саналиб, дидактик характерга эга эди ва ўзида замонасининг ахлокий масалаларини ифодалар эди.

Қадимги араб қасидасида образлар тизими. Шундай қилиб, қадимги бадавийлар шеърятининг белгилари: сюжетнинг нисбатан камлиги, байтлар орасидаги мантикий алоканинг заифлиги, табиат ва ҳайвонларнинг узундан-узоқ тавсифи, дунёқараш доирасининг чегараланганлиги. Буларнинг бари уруғчилик жамиятидан чиққан инсоннинг дунёқарашига хос хусусиятлардир. Кўчманчи араблар яшаган муҳит анча оғир шарт-шароитларга эга бўлиб, унда табиат инсонга нисбатан кўпроқ мурувватини эмас, балки шафқатсиз оламни кўрсатади. Қадимгиларнинг тасаввурида инсон ҳаёти устидан тақдир ҳукм суриб, у ёки баракали ёмғир, ёки ҳалокатли қурғоқчилик олиб келади. Инсон бу оламда ўзини шахс сифатида кўрмайди, у олам билан ўз уруғи, қабиласи орқали боғланган. Унинг нигоҳи ўз руҳий дунёсига эмас, балки кўпроқ ташқи оламга, табиат дунёсига қаратилган.

Қадимги араб шеъряти ёдгорликлари яратилган ижтимоий муҳит хусусиятлари:

Қабила шайхлари (етакчилари) нинг тўла ҳукмронлиги, қабилалар ўртасидаги адоват ва иттифок, қариялар мажлиси ва қабила аъзоларининг йиғилиши, қонли қасос олиш одати қабиланинг барча аъзоларига тааллуқли бўлиб, қатл этилган киши учун ажр тўлаш, қоҳинларнинг бошқаруви, табиат қучларига сўғиниш, қабиланинг ўз илоҳига эга бўлиши, ўғил асраб олиш одати ва бошқалар.

Қасида одатда қуйидаги анъанавий сюжетлардан ташкил топган:

1. Шоир йўлида қабила ҳаробаларини учратади;
2. Бу жойларда унинг маъшуқаси яшаган бўлиб, у қабиласи билан бу ерлардан кўчиб кетган. Шоир бу ерлардан маъшуқаси изларини қидиради;
3. Шоирнинг маъшуқаси билан учрашув хотиралари;
4. Сахро бўйлаб йўл тавсифи;
5. Пейзаж (туя, от васфи, шунингдек шоирнинг йўлда учратган ҳайвонларининг васфи). Баъзида васф қасиданинг марказий қисмини эгаллайди;
6. Ажрлаш қуши – қарғага мурожаат, шоир бу ёвуз қушни лаънатлайди, чунки у фироқни башорат қилади;
7. Фаҳр – қабилани тараннум этиб, душман қабиласини эса ерга уриш;

8. Хамриёт – зиёфат васфи;
9. Рисо – ўлган қахрамонга марсия;
10. Душман қабиласига юриш васфи ҳамда жанг тавсифи;
11. Қасос мавзуи.

Булар бир хил тус олиб такрорланади, аммо 5-6 сюжет албатта мавжуд бўлиши лозим. Энг собит ва доимий унсур – бу насиб (кириш қисми) ташлаб кетилган, ҳаробалар билан учрашиб, маъшукани эслаш ва васф қисми. Мисол учун, машхур шоир Имрул Қайс ўзининг Муаллақотсида отини шундай васф қилади:

و قد اعتدى و الطير في وكانتها بمنجرد قيد الأوابد هيكل
مكر مفر مقبل منير معاً كجلمود صخر حطه السيل من عل
له ايطلا ظبي و ساقا نعاماً و إرخاء سرحان و تقريب تنقل
كان نماء الهاديّات ينحره عصارة حناء بهذيب مرجل¹

*Қушлар ҳали инларини тарк этмаганда, йўлга чиқдим
Миниб ўлжа томон чопган калта юнгли, салобатли отни.
Бир пайтнинг ўзида эҳтиёткор, чопқир, чаққондир у.
Ўхшайди тепадан сел олиб тушаётган харсанг тошга.*

*Икки биқини кийикникидек силлиқ, туяқушникидек узун,
ихчам оёқлари*

*Гоҳида бўридек югуриб кетар у, гоҳида тулкидек юриш
қилар у.*

*Кўкси ўлжасининг қонига бўялгандек қизғиш,
Хина кўйилгандек таралган оқ сочга.*

Чопиб кетаётган отни сел келганда қоядан узилиб, думалаб тушаётган тошга ўхшатиш – бу ажиб ва ғаройиб, кам учрайдиган ташбеҳ.

Жоҳилия шеърятидан яна бир намуна сифатида Амр ибн Кулсумнинг (VI асрнинг 2 ярми) нинг фахр жанрида ёзилган қасидасидан парча келтирамыз:

أبا هند فلا تعجل علينا و أنظرنا نخبرك اليقيناً
بأننا نورد الرايات بيضاً و نصدرهن حمراً قد روينا
و أيام لنا غر طوال عصينا الملك فيها أن ندينا
تركنا الخيل عاكفة عليه مقلدة أعنتها صفونا
ورثنا المجد قد علمت معد نطاعن دونه حتى بينا

¹ خليفة محمد، الادب و النصوص في العصرين الجاهلي و صدر الاسلام، ص. 64

نظاعن ما تراخى الناس عنا و تضرب بالسيف إذا غشنا
 بسم من قنا الخطى لدن ذوابل أو ببض يعتلينا
 بأي مشينة عمرو بن ه تطيع بنا الوشاة و تزدرينا
 تهدينا و توعدنا رويدا متى كنا لأمك مقويناً¹

*Эй Абу Ҳинд, шошилма олдимиздан кетишга,
 Бизга қара, сенга тўғри сўзни баён айлаймиз.
 Олиб кириб жангга оқ байроқларни,
 Олиб чиқармиз уларни сугориб қизил рангга.
 Бизнинг кунларимиз ўтар узоқ жангларда,
 Шоҳга қарши кўтардик исён, тобе бўлмасдан унга.
 Ташладик отларимизни улар томон,
 Бўшашиб жиловларин, топтайди кўтариб тўғини.
 Шону шарафга ворислик қилдик,
 Билад ибуни Маъад қабиласи.
 Курашга кирдик биз, бошқаларга ҳам бўлган деб аён,
 Биздан узоқ турганларга отдик найзаларни,
 Бизга яқинлашганларни урдик қилич билан.
 (Найза) бугдой рангли, Хатдан олиб келинган у, силлиқ ва
 бақувват,*

*Душманга кўтарган қиличлар эса оқ рангда,
 Кайси ирода билан, эй Амр ибн Ҳинд, қулоқ соласан
 Орамизда фитна қилиб, ҳақорат қилганларга?
 Таҳдид қиласан қўрқитиб, тинчлан бўлди,
 Қачон бўлган эдик онангга хизматкор биз?*

Кўриб турибмизки, шоир қабиласига ҳужум қилиб, ҳаммани қажнатган душмани Хира амири Амр Абу Ҳиндга мурожаат этиб, унга таҳдид қилади, қабиласининг жанговорлигидан, жасур ва шижоатли эканлигидан фахрланади.

Шоир ўз ижодида қай даражада ихтиёрий озодликка эга эди? Энг асосийси – шоирнинг ижодий ҳаёлотини аниқ бир доира ичида парвоз қилиши лозим эди. Бунинг сабаби эса тингловчининг ўзи ўрганган маълумотларни яна бир бор эшитишни хошлашида эди. Бу қасиданинг энг асосий хусусиятларидан биридир. Шунинг учун биз “одат бўлиб қолган эстетика” тўғрисида сўз юритамиз.

¹ Ўша китоб. – Б. 66.

Тўғри, баъзида биз бу анъанага нисбатан билдирилган айрим эътирозларни ҳам учратамиз, масалан, Антара ўзининг Муаллакотсида сўрайди:

"هل غادر الشعراء من مترنم؟" – "Шоирлар ўзларидан кейин бирор янги нарса қолдирдиларми?"¹, аммо бу эътироз англаган эътироз эмас эди.

Қадимги араб шеъриятининг асоси сюжетнинг хилма хиллигида эмас, балки унинг такрорланишида акс этган, бироқ шундай бир жихат ҳам бор эдики, ҳар бир шоир ўз шеъри ёки қасидаси сюжетига, албатта бирор бир янгилик киритиши лозим эди.

Сюжетнинг такрорланиши, ундаги образларнинг доимийлигига карамай, уларни ишлаб чиқишда ўзига хос аслик ҳам мавжуд. Одатдаги тарзда тузилган сюжет тингловчида ижобий ҳиссий кўникма ҳосил қилади. Қасидада таниш номларни келтириш билан тингловчига ҳиссий туртки берилади. Шунингдек, қасидада таниш номларни келтириш унга нисбатан бўлган ижодий ёндашув ҳамдир. Сюжетнинг такрорланишига карамай, ҳар бир шоирнинг ўзига хос услублари мавжуд, бу ҳолат айниқса, шоирларнинг ўз маъшуқаси билан учрашувида яққол сезилади. Мисол учун Антарада поклик ва қаҳрамонлик мотивлари, Имрул Қайсада очик ва нафис муносабатлар, Аъшада эса ҳикмат мавзуларига берилиш кўзга ташланади.

Насиб – қасиданинг лирик қисми, у ишқий шеъриятнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилган. Унда диалог шакли муҳим аҳамият касб этиб (бу шакл ғазалда ҳам учрайди), баъзан насибда мисралар "деди" ва "дедим" сўзлари билан бошланади.

Демак, қадимги араб поэзияси сюжетлар жихатидан заиф эмас, чунки у кўчманчи араб – бадавийнинг умри давомида йўлида учрайдиган барча ҳаётий вазиятларни қамраб олади.

Уруғчилик қабилавий муносабатлари ривожланган жамиятда инсон бутун борлиқни яхлит бир шаклда ғасаввур қилади, у оламни фалсафий англамаса-да, унинг бадий тафаккури ўзига хос, ёрқин, жозибали ва образлидир. Унинг учун барча табиий нарсалар гўзаллик тимсолидир. Бадавий араб ўзини ўраб турувчи муҳитни васф этганда, бу оламга абстракт фалсафий категориялар орқали ёндашмасдан, уни гўзал бадий образлар орқали шарҳлайди.

¹ معلقة عنتره، شرح المعلقة السبع، مكتبة المعارف، بيروت 1994، ص 107

Ёмғир – сахийлик, қора булут, момакалдирок, булутли осмон ва довул эса унинг унсурларидир. Курғокчилик бахиллик образини англатган. Васфда пейзаж катта рол ўйнайди ва унда табиат манзараси тасвирига кўпроқ ўрин ажратилган. Табиат манзаралари ташхисланган – жонлантирилган, уларга инсон сифатлари берилган, масалан: Тун – уйқудан турган ҳайвон, тақдир-инсон конини ичувчи йиртқич, гул – ёвузлик рамзи, у инсонга доимо ёвузлик қилиб, унга тўсқинлик қилади.

Жоҳилия даври шоирлари табиатни севадилар ва уни тараннум этадилар. Улар ўзларини табиатнинг бир қисми, табиатни эса ўзларининг бир қисми, деб биладилар. Шунинг учун ҳам табиат васфи касиданинг ўзига хос индивидуаллаштирилган қисми саналади. Мисол учун, шоир учун оқ рангдаги эшак ёки тош устида ётган илон ҳам гўзаллик тимсоли бўлиши мумкин.

Шоир анъана бўйича фақатгина ўзига ёккан воқеа-ҳодисаларни ҳамда ҳайвонларни васф этишни афзал кўриб, кўрққан нарсаларини тилга олмасликка ҳаракат қилади, масалан, шер ёки қоплон каби йиртқич, инсондан кучли ҳайвонларни шеърларида тасвирламайди, аммо уларнинг номларини ташбеҳ воситаси сифатида қўллаши мумкин (масалан, “шердек кучли”, “қоплондек чаккон” ва ҳ.к.). Шоир ўзининг яхши кўрган нарсалари номининг такрорланиши омад келтиришига ишонар эди.

Манзара билан боғлиқ сюжет ёки васф объекти муайян таниш хис-туйғуларни уйғотади. Ёмғир - гуллаётган дала, хурсандчилик, коинот гўзаллиги, табиат кучи.

Тезлик – ёввойи эшак ёки каклик тимсолларида, жасурлик – туя қуш тимсолида, ғурур эса бўри тимсолида гавдаланади. Самимийлик ва оналик муҳаббати кийик тимсолида акс этади. Бу ҳайвонларга ўнлаб шеърлар бағишланган. Шоир уларнинг сифатларини ўз шахсиятига ўтказди, масалан, бўри тавсифи Таъаббата Шарран ва Шанфараларда кўп учрайди. Улар ўз қабиласидан ҳайдалган мағрур, кўркув билмас шоирлардир.

Демак, манзара тавсифи ўзидан кейин муайян бир сюжет келишини талаб қилган ва табиийки, бу қаҳрамон образи билан боғлиқдир.

Қаҳрамон образи. Мисолий бадавий қаҳрамон барча шоирларда деярли бир хил тасвирланган: у доим йўлда, саховатли, жасур жангчи, зиёфатларни яхши кўради. Аёллар унинг

ҳаётида муҳим рол ўйнайди, муҳаббат ва нафратда чегара билмайди. Ташқи кўриниши: қорақош, қорақўз, сочи ҳам қора, бўйи баланд, келишган қадди-қоматли.

Бу тавсифларда индивидуал хусусиятлар жуда кам. Қахрамон одатда анъанавий фазилатларга эга. Аммо Жоҳилия даври шоирлари ичида Имрул Қайсда шундай образлар учрайдики, уларда шоирнинг ўзига хослиги, аслиги яққол сезилади. Айниқса, бу ҳолат “муқаттаъат” ларда учрайди, яъни анъанавий жанрлардан фарқли ўларок, ёзилган кичкина қитъаларда Имрул Қайс лирикаси замонавий лирикага яқин.

Умуман олганда, бадий онг ривожин билан шоирлар эски мисоллардан каноатланмайди. Қадимги араб шеърлятида ҳаётнинг ўткинчи эканлиги тўғрисидаги маънос оҳанглар, ўлим ҳақлиги тўғрисидаги фикрлар, тақдирга тан бериш ва унинг инсонга нисбатан ўйини тўғрисидаги мулоҳазалар ва бошқа мавзулар пайдо бўлади. Юлдузли осмоннинг ўзгача кайфият бағишлаши, инсонларнинг ўлимдан кейин тенгликка эришиши, инсоннинг табиат олдидagi заифлиги каби мулоҳазалар, одатда, ҳикма жанрида намоён бўлди.

Намунавий қахрамон образига қайтсак, унинг тимсолида бир-бирига зид хусусиятлар бор: душманларига нисбатан шафқатсиз, жасур, дўстларига эса саҳий, меҳмондўст ва холис, қабила ва маъшуқасига фидойи. Жангда душманларини ер тишлатишда чарчоқ билмас, аммо қабила кўчган хароба устида кўз ёши тўқади. Йўлда тинмасдан бир неча кун катта масофани босиб ўтади, бўш вақтини зиёфатда дўстлари ва чўри аёллар орасида беғамбеташвиш ўтказади. Мана шу нарсалар ҳақида ёзар экан, шоир бир сюжетдан иккинчи сюжетга изчишликни сақламаган ҳолда ўтади, шунинг учун қадимги араб шеърлятини тарқоқликда айблашган. Аммо айнан ана шу ҳиссий тўлақонлик тингловчилар эътиборини жалб қилган ва асарга зийраклик билан ёндашишга ундаган. Бу фрагментарлик бадавий шеърлятта хос бўлиб, унинг бадий тафаккурига тааллуқли хусусиятдир. Шунинг учун тушқунлик билан суғорилган қисмдан тўғридан-тўғри зиёфат ва маишатни қуйловчи қисмга ўтишни биз ўша замон онги учун табиий, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг барчаси тингловчига ҳиссий таъсир кўрсатишга қаратилган.

Кадимги араб шеърятининг бадийй воситалари сўнги даврлардаги араб шеърятининг ривожига, шакл ва бадийй воситаларни ишлатишга жуда катта таъсир кўрсатди. Айни шу даврда асосий кўчимлар ҳамда образлар пайдо бўлди.


Бадийй образларнинг шаклланишида турли бадийй воситалар иштирок этган, масалан энг кўп учрайдиган ташбеҳ – ўхшатиш. Шоир табиат манзараларидан келиб чиққан ҳолда ташбеҳларни қўллайди. Шунинг учун ҳам шоирнинг киз бола бармоқларини пушти рангли чувалчангга, ўз ёлғизлигини эса кўтир туяга, жиянини мақтаб илонга ўхшатиши табиий ҳол саналган. Шоирнинг ўзини кўтир туяга ўхшатиши камситиш эмас, балки ўзининг ёлғизлигига ишора қилишидир. Чунки пода ичидаги касал бўлган туя ундан ажратиб қўйилар экан. Шундай қилиб, шеърда доимий эпитетлар пайдо бўлган ва анъанавий тус олган. Харобалар қолдиқларининг қадимий ёзишмалар билан таккосланиши, маъшуқанинг жайронга, қиз боланинг юзини эса қуёш, чирокка ўхшатилиши шулар жумласидандир.

Бу образлар Жоҳилия шеърятида турли хил сюжетларда қўлланилиб, кейин адабий штампга айланган. Аста-секин атрофдаги халқларнинг таъсири (эронликлар, румликлар) бадийй образ яратишда сезила бошлади. Баъзида ўхшатиш муболағага ўтиб кетади. Жоҳилия даври адабиётида ташхис- жонлантириш ва истиора ҳам кенг қўлланилган.

Жоҳилия даврининг шоирлари асарларидан ташқари, шу давр адабиётини ўрганиш учун яна бир манба бор бўлиб, у ҳам бўлса шоирларнинг таржимаи ҳолларидир. Улар бизгача Абул Фараж ал-Исфохонийнинг (896-966) “Кўшиқлар китоби” (“Китаб ал-ағани”) асарида етиб келган, шунингдек, ўрта аср тазкираларидан (“Масари ал-ушшак” - “Севишганлар фожеаси”), Ибн Қутайба ва Ибн Абд Раббихлар тузган тўпламлардан маълумотлар оламиз.

Бу таржимаи ҳолларда бир хусусият кўзга ташланади: шоирлар шахсияти устура (асотир) тусини олиб, ҳатто эртаксимон сюжет шаклига ҳам киради. Шоирлар образи аниқ бир инсон сифатини ўзида мужассамлаштиради: Имрул Қайс – сахий, аёлларни севувчи, айш-ишратга берилган; Зухайр Набиға – қабила ҳокимлари, донишмандларидан; Антара – жасур, пахлавон, ботир;

925565



Жамил ва Мажнун – бахти юришмаган ошиқлар; Тарафа – саргузаштларни яхши кўради; Ҳотам ат-Той – чексиз сахийлик рамзи.

Ровий у ёки бу шоир ҳақида ҳикоя қилганда, унинг асарларини ўқиш билан бирга унинг ҳаётини ҳам сўзлаб беради ва шоирни қаҳрамон сифатида тасвирлайди, ҳатто баъзида уларнинг атрофида ажабтовур, эртаксимон унсурлар ҳам пайдо бўлади.

Шундай қилиб, лиро-эпик асар бўлган қадимги араб қасидасининг турли жанрларида бадавий ҳаёт, атрофдаги муҳит, табиат ва ҳайвонот олами, жангу жадаллар, ишк-муҳаббат, май ҳамда зиёфатлар тавсиф этилади. Жоҳилия даври шоирларининг шеърлари асрлар оша анъанавий намуна сифатида қабул қилинди. Тўғри, сўнгги босқичларда қасидада ғоявий-эстетик ўзгаришлар рўй берди, жанрлар такомиллашди, устунликда бирининг ўрнини бошқаси эгаллади, аммо Жоҳилия даври шоирларининг қасидалари, улардаги образлар, ўткир сўз ифодалари араб шеърини учун туганмас хазина бўлиб хизмат қилди.

1.2. Жоҳилия даврида оғзаки насрий ижоднинг турлари

Ислом динига қадар бўлган давр, яъни VII асргача бўлган давр “Жоҳилия даври” номи билан аталиб, адабиёт, асосан, оғзаки ижод тарзида намоён бўлди. Унинг анъаналари ҳаттоки VIII асрларда, яъни ёзма адабиёт шаклланиб, асарлар ёзиб ола бошланганидан сўнг ҳам сақланиб борди.

Жоҳилия даврида бадавийлар яшаган қабилавий муҳитда кучли ривожланган шеърят билан бир қаторда кичик эпос жанрлари ҳам ривож топди. Булар турли ривоятлар, ҳикоятлар, нотиқлик санъати турлари, масаллар ва мақоллардир. Илк ислом давридан сўнг филологлар томонидан ёзиб ола бошланган бу асарларнинг муаллифлари номаълумлигича қолган ва халқ оғзаки ижодига тааллуқли бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, турли хил масаллар, мақоллар, афоризм (ихчам фикр)ларнинг аксариятини афсонавий Лукмони Ҳаким яратган, деган тахмин мавжуд. Таниқли араб адабиётшуноси Шавкий Дайф Ибн Ҳишамнинг Муҳаммад Пайғамбарнинг (с.а.в.) таржимаи ҳолларига бағишланган “Ас-сират ан-набавийя” асарига асосланиб, Лукмон масаллари ҳаттоки исломгача ёзиб олинганлигини кўрсатиб ўтади:

“Сувайд ибн ас-Сомит Маккага ё хаж, ё умра вақтида келган. У ҳақида эшитган Расулуллоҳ унга дуч келиб, Аллоҳга ва исломга даъват қилдилар. Сувайд у кишига деди: “Балки сендаги (наrsa) мендаги нарсадандир”. Расулуллоҳ (с.а.в.) сўрадилар: “Сендаги у наrsa нима?”. У деди: “Лукмоннинг ахлокий қондалари ёзилган қоғоз”. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Кўрсат менга”. У кўрсатди. У киши дедилар: “Бу сўзлар яхши, аммо мендаги бундан афзалроқ: у менга Аллоҳдан нозил бўлган Куръон, у хидоят йўли ва нурдир”. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга Куръон тиловат қилиб, исломга даъват қилдилар. У (Сувайд) Расулуллоҳ (с.а.в.) олдидан кетмади ва “ҳақиқатда бу сўзлар яхши” – деди¹.

Шавкий Дайф фикрича, VII асрларга бориб, арабларда ёзма хат бўлган, аммо у факат сиёсий ва тижорий савдо ишларда қўлланган. Балки баъзи масаллар ва хикматли сўзлар ёзилган қоғозлар ҳам бўлган ва улар Лукмонга мансуб, деб тахмин қилинади, аммо бу ҳодиса жуда кам учрайди².

Янги даврларгача етиб келган нуткий санъат намуналари кўҳна даврлар қабилавий нуткий мусобакаларга бориб тақалади. Улар кўпинча сиёсий, диний, ахлокий тус олиб, уларни ифодалаш учун қабила манфаатини кўзлаб, унинг ишлари ва нуфузини кўкларга кўтарувчи муайян сўзга уста нотик тайинланарди. Бу сўзлашув баҳси ўзининг тузилиш қондаларига ва усулларига эга бўлиб, нотиклар томонидан янги образлар ёки ифодавий ихтиролар орқали янада баднийлашиб, бойиб борарди. Нотиклик санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшган машҳур нотикларнинг номлари тилдан тилга ўтиб борган. Уларнинг ичида бу соҳага ўз ҳиссасини қўшганлар орасида ҳаттоки башоратчи бутпараст коҳинлар ҳам бор эди. Мажусий арконларни сақлашга қаратилган турли маросимларда ёки қабиалар ўртасидаги адоват ва низоларни тугатишга қаратилган даъватларида атайин нутқ сўзлаб, улар ўз маҳоратини намоён қилар эдилар. Бу нутқлар орқали қабила шайхларининг тўла ҳукмдорлиги, қабиалар ўртасидаги адоват ва иттифоклик, қариялар мажлиси, қабила аъзоларининг йиғилиши, қонли қасос олиш одати. бу одатга қабиланинг барча

¹ السيرة النبوية لابن هشام (طبعة لحلي) 48/2، من كتاب شوقي ضيف تاريخ الأدب العربي، دار المعارف بمصر، 1940

² Ўша асар. 397-399 б.

аъзоларига тааллуқли эканлиги, ўлдирилган қабила аъзоси учун ажр тўлаш, коҳинлар башоратининг таъсири, табиат кучига сиғиниш, қабиланинг ўз илоҳига эга бўлиши, ўғил асраб олиш одати каби жиҳатлар билан танишамиз. Арабларнинг қадимги оғзаки ижодиётидан бизгача ўзаро урушлари тўрисидаги катта эпик мерос – “Айям ал-араб” – “Араблар куни” тарихий афсоналари етиб келди. Урушларда кўрсатилган қаҳрамонликларни баён қилувчи бу афсоналар бадийятдан ҳам холи эмас эди. Авлоддан авлодга ўтиб, ровий (оғзаки баён этувчи, хикоячи)лар орқали сақланиб қолган афсоналар VIII аср охири IX бошида илк бор араб филологлари томонидан ёзиб олинди.

Қадимги афсоналарнинг оғзаки анъаналари арабларда бутун ўрта аср давомида сақланиб борди ва айниқса, сўнгги ўрта асрларда халқ романлари жанри – сираларда давом этди.

Афсоналар ҳақиқий реал ҳодисалар асосида туғилган бўлиб, уларда ижтимоий ҳаёт, қабилавий муҳит, ахлокий меъёрлар, қадриятлар инъикосини кўrsa бўлади. Турли ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлиши (шайхлар, қаҳрамонлар, шоирлар, коҳинлар, оддий қабила аъзолари, чўнонлар), қабила шайхлари сиёсий ва моддий мавқеининг кучайиши, уруғчилик – қабилавий муносабатларга хос тенгликнинг йўқолиши арабларнинг ушбу тузумдан чиқиб бошлаганидан далолат берар эди. Бадийят жиҳатидан афсоналар услуби унча ривожланмаган, тили лўнда, безаксиз. У ёки бу ҳодисалар муносабати билан баёнда келтирилган шеърый парчалар афсоналар ёзиб олинганида филологлар томонидан қўшилган, деб ҳисобланади.

Ушбу ўринда Жоҳилия даврида ижодиётда мавжуд бўлган оғзаки эпос жанрларига алоҳида тўхталамиз.

Хикоя. Тарихий афсоналардан фарқли ўларок ўша даврларда яратилган хикоялар бадийятга бой бўлиб, фантастик элементлар ва бадий тўқималар билан бирга машҳур тарихий ёки афсонавий шахслар ҳаёти тўғрисида баён қилар эди, ҳамда улар ровий томонидан тингловчи учун кўнгилочар вазифага йўналтирилган эди. Бундай хикояларнинг кенг тарқалишига бадавийлар ҳаётининг ўзи мос келар эди. Кечалари бепоён юлдузли осмон тагида, чексиз саҳро бағрида, ўтовлар ёнида йиғилган жамоа сўзамол ровийнинг “Кана ва кана” (“Бўлган ва бор эди”) жумласи билан бошланган хикоясига диққат билан кулоқ тутиб

Ўтурса ва алоҳида таъсирчан жойларида овоз чиқариб муносабатини билдирса, ровий эса ўз навбатида ҳаёлот парвозини тўла қўйиб юбориб, маҳоратини янада кенгрок намоёни қилишга жаҳд билан ҳаракат қилар эди.

Табииyki, аббосийлар давридаги филологлар уларга ровийлар орқали етиб келган ҳикояларни ёзиб олгунларига қадар, ушбу ҳикояларда анча ўзгаришлар рўй берди, аммо, бинобарин қадимги ҳикояларнинг қўп жиҳатлари сақланиб қолди. Ўз даврининг руҳи етарли даражада намоён бўлди. Ҳикояларда бир нечта қабилаларани бирлаштирган Химйорийлар, Мунзирийлар, Гассонийлар каби кичкина мамлакатларнинг подшоҳлари, қаҳрамонлари, шайхлари ҳақида баён қилинар эди ва баъзида бу ҳикоялар тарихий ҳақиқатан узоқлашиб, бошқача талқин оларди. Масалан, Рим империяси зулмига қарши исён қўтарган, Сурияда барпо бўлган Палмира давлатининг маликаси Зенобия (266-273-йилларда ҳукм сурган) тарихий ҳақиқатда мағлубиятга учраб, римликлар томонидан асирга олинган ва Римда вафот этган. Ҳикояларда эса маликанинг Зенобия исми аз-Забага айланган ва у ашаддий курашда римликлар устидан ғалаба қозонган.

Яна бир илк ислом даврида тўқилган ҳикояни Ибн Ҳишам “Ас-сират ан-набавийя” асарида келтиради. Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) қарши чиққан бой қурайшликларнинг “шайтонларидан бири” Ан-Надр ибн ал-Хорис доимо Пайғамбарга нисбатан иғволар ташкил қилиб, унга қарши адоват қўзғатар экан. Мунзирийлар пойтахти Хира шаҳрига бориб, форс подшоҳлари тарихини ўрганиб келган бу киши Пайғамбар (с.а.в.) маънисларида Аллоҳнинг номини зикр қилиб, баъзи халқлар айблари учун Аллоҳ томонидан жазоланганлигини кўрсатиб, қавминини улар каби хато қилишдан огоҳлантирганларида, ўрнидан туриб деди: – “Эй Қурайш қавми, мен ундан яхшироқ ҳикоя қиламан. Келинглари олдимга”. Сўнг уларга форс шоҳлари тўғрисида ҳикоя қилар эди¹.

Шубҳасиз, бу ҳикоялар, араблар уларни “қисса” деб аташади, сўнгги даврларда тарихий, адабий кингоблар учун манба бўлиб хизмат қилди, чунки улар ўзида ҳукмдорлар, шоирлар, қоҳинлар тўғрисидаги беҳисоб хабарларни мужассам этган хазина эди. Маълумки, Абу-л-Фараж ал-Исфакхоний (897-967)

¹“Ас-сират ан-набавийя” Ҳалаб нашри, 1-қисм, 321 бет.

ўзининг машҳур “Китаб ал-ағани” асарида қадимги арабларнинг тарихи, ҳокимлари, шоирлари ҳақида баён қилар экан, кўп маълумотларни шу ҳикоялардан териб олган, уларни солиштириб, ҳақиқий ҳолисаларни тиклашга ҳаракат қилган.

Севги-муҳаббат тўғрисидаги қиссалар ҳам бу жанр мавзулари орасида етарли ўрин эгаллаган. Масалан, ал-Исфажоний шоир ал-Муракқиш ал-Ақбарнинг (тахминан 552-йили туғилган) Асма бинт Авфга ўспирин ёшидан бўлган севгиси ҳақидаги қиссани келтиради. Уйланмоқчи бўлиб ал-Муракқиш қизга совчи қўяди, аммо отаси кизининг ёшлиги учун рад жавобини беради. Ал-Муракқиш қайтиб келишга ваъда бериб, диёридан кетади ва баъзи ҳукмдорларга хизмат қилиб юриб, шоир сифатида танилади, мадҳлар тўқийди. Ватанида эса кизнинг отаси Авфнинг бошига оғир қулар тушиб, қизи Асмани четдан келган кишига узатишга мажбур бўлади ва калин сифатида 100 та туя олади. Асма эри билан кўчиб кетади, кизнинг отаси эса ал-Муракқиш укаларидан бу хабарни акасига етказмаслигига ва Асмани ўлганга чиқаришни илтимос қилади. Укалари бир қўй сўйиб, гўштини еб, суягини бир жойга кўмишади ва акалари ал-Муракқиш қайтиб келганида ўша ерни Асманинг қабри, деб кўрсатишади. Маҳбубаси қабрига тинмай қатнаган ал-Муракқиш охири ҳақиқат тағига етади ва Асма томон бошини олиб кетади, эринини чўпонни топиб, унга узугини бериб, Асмага етказишини сўрайди. Чўпон хўжайиннинг аёли олдига яқинлаша олмаслигини, аммо ҳар кун унинг ёнига Асманинг чўриси келиб, сут олиб кетишини айтади. Чўпон чўри кизга идишда сут соғиб берганда ал-Муракқиш ичига узугини ташлайди, ўзи эса бир ғорда каттиқ бетоб бўлиб ётиб қолади. Асма одатда ҳам сут ичар экан идиш тагидан узукни топиб олади ва эридан чўпонни чақиртиради. Чўпон уларга ал-Муракқиш ғор ичида ўлим тўшагида ётганлигини баён қилади, эру хотин от миниб, унинг ёнига боришади, шоир маҳбубаси Асмани кўриб, шеър айта туриб, ҳаётдан кўз юмади¹. Бу шеър китъа асарга кейин қўшилгани аниқ.

Табиийки, оғиздан-оғизга ўтган бу ҳикоялар ёзма ҳолга келгунча бир қанча ўзгаришларни бошидан кечирди. Бу ўзгаришлар ҳар бир ровий тахайюли парвозининг кенглигидан келиб

¹ أبو الفراج الأسفجاني، كتاب الأغاني، طبعة دار الكتب، القاهرة¹

чиккан холда, хикояни жозибалирок тақдим қилиш учун турли тўқималар қўшганида юз беради. Ёки ҳикоялардаги вазиятларга муносабатини билдирган холда ўз шеърӣ завқи ва дидига биноан шеърӣ китъалар ҳам келтиради. Юқоридаги ҳикояда ҳаёт шаъми сўнаётган шоир ал-Мураккиби шеър айғиши ҳаётда амри маҳол бўлиши мумкин, аммо ишқӣӣ шеър хикоянинг бадий таъсирини кучайтиради.

Сўнгги тўқималар ва шеърӣ қўшилмаларга карамай, ушбу Жоҳилия даври хикоясида ўша давр руҳи, муҳити, одатлари сақланиб қолганлиги бизда муайян тасаввур тўғғиради.

Маълумки, бошқа халқлар эпик меросида бирокдаги севишганлар узукларини таниб, бир-бирларини танишади. Демак, араблар бу анъанадан хабардор эдилар.

Ад-Даббий ўзининг “Арабларнинг масаллари” китобида Жоҳилия давридан етиб келган энг машҳур хикоялардан ака-ука ва катта илон ҳақидаги қиссани келтиради: “Айтадиларки, ака-ука бир туя орқали кун кечирар эканлар, аммо диёрларида қурғоқчилик бошланибди. Улар яшайдиган жойнинг яқинида водий жойлашган экан. Унда яшаётган катта илон ҳеч кимни водийга қўймас экан. Бир куни биродарлардан бири иккинчисига дебди: “Эй фалончи, мен шу водийга бориб туяни у ерда бокиб семиртирсам, нима дейсан?”. Биродари жавоб берибди: “Мен илон сенга зарар етказишидан кўркаман. Кўрмаясанми, бу водийга борган кимса бедарак йўқолади”. Лекин акаси сўзида туриб, дебди:” Қасам ичаман, мен албатта водийга бораман!”.

Ака шу водийга тушибди ва бир канча муддат туясини у ерда бокибди. Кунлардан бир кун илон уни чақиб ўлдирибди. Шунда укаси дебди: “Акамдан кейин менга ҳеч қандай яхшилик йўқ. Илонни топиб, албатта, уни ўлдираман ёки акамнинг изидан кетаман”. Ука водийга тушиб, илонни ўлдирмоқчи бўлади ва уни кидириб топади. Илон ундан сўрайди: “Аҳагғи ўлдирганлигимни кўрмадингми? Ёки сулҳ тузишни хоҳлайсанми? Мен сени шу водийда қолишга чақираман. Бу ерда қол, ҳар бир кунингга бир динордан бераман”. Ука сўрабди: “Сен ҳақиқатан шундай қиласанми?”. “Ҳа”, – дебди илон. “Мен ҳам шундай қиламан” – дебди ука ва илонга зарар етказмаслиги тўғғисида қасам ичибди.

Илон унга ҳар куни бир динордан бера бошлабди, уканинг моли қўпайибди, туяси семирибди, хатто ҳамма одамлардан яхши

яшай бошлабди. Аммо акасини эслабди ва ўзига дебди: “Бундай яшашдан менга не фойда, агар акамнинг қотилини кўриб юрсам?”. У болта олиб, уни чархлаб, илоннинг йўлида беркиниб, пойлабди. Илон олдидан ўтиб кетаётганида, уни болта билан урибди, аммо теккиза олмабди. Илон инига кириб кетибди, ука эса болтани арқонга боғлаб, илон инининг устига осиб, уни буза бошлабди. Бу қилмишини кўрган илон унга динор бермай қўйибди. Укани эса илон ёвузлигидан бирдан кўркув босади ва қилмишидан афсусланди ва илонга деди: “Кел, яна аҳд тузайлик ва олдинги ҳолимизга қайтайлик”. Илон жавоб берибди: “Қандай қилиб сен билан аҳд тузаман? Мана бу болтангнинг изи, сен эса гуноҳкор фосиксан”¹.

“Илон ва болта ҳикояси” араблар орасида энг танилган масалларнинг бирига айланди. Унинг ибратли маъноси адиблар томонидан асарларида қўлланилди. Масалан, VI аср машҳур шоири ан-Набийға аз-Зубьяний ўзининг “Ра” кофияли (райя) қасидасида ўзи келиб чиққан Зубьян қабиласининг душманлари билан сулҳ тузган Мурра қабиласини надомат ўқларига тутиб, ана шу ҳикояни ибрат сифатида келтиради. Шоир Мурра қабиласи душман томони билан сулҳ тузиб, олдинги Зубьян қабиласи билан аҳдини бузганлиги учун ораларидаги дўстлик ришталарини тиклаш канчалик қийин эканлигини кўрсатиб ўтади. Бу ҳикоя услуби Жоҳилия даври ҳикоялари услубига яқин: тили содда, лўнда, унда сўнгги асрлар насрига хос сўз санъати умуман ривожланмаган, ифодавий-тасвирий воситалар ишлатилмаган. Аммо олдинги мисоллардан фаркли ўларок бу ҳикояда илк бор ҳайвон образи намоён бўлди, чунки бундан олдин факат инсон образлари гавдаланарди. Маълумки, ҳинд эпосида ҳайвонлар тўғрисида масаллар қадимдан мавжуд бўлган ва сўнгги ўрта асрларда араб адабиётига кириб келган.

Қадимги юнон адабиётида “Дон экувчи ва илон” ҳикояси бор эди, балки бу ҳикоя мазмуни халқлар орасида таркалиб, маҳаллий талқин олган, деган тахмин бор.

Қадимги арабларнинг ҳикояларида жинлар, ифритлар, шайтонлар тўғрисида кўпроқ ҳикоя қилинарди ва бу мавжудотлар турли кўринишларга кира олади, деб ҳисобланар эди. Фақат “ал-

¹ شوقي ضيف، العصر الجاهلي، ص. 403.

гул” номли ёвуз махлуқ кичкина аёл тимсолида намоён бўлиб, **унинг** оёқлари эшак оёқларига ўхшар экан. Жинлар эса баъзида **буха**, ит, туя, куш ва йирткич қушлар образига кирар эканлар. **Улар** турли жойларда яшаб, айникса, саҳроларни афзал кўришар эди. Бу махлуқотлар тўғрисидаги ҳикоялар аббосийлар даврида **афсоналар** ва ажойиботлар тўғрисидаги китоблардан жой олган.

Табиийки, қадимги ҳикоялар тўғрисидаги ушбу кузатишлар **аниқ** манзарага эга бўлмасдан, умумий кўринишга эга эди, чунки **ёзма** муҳрланган ҳолатда етиб келмаган, аммо шунга қарамасдан, **араблар** оғзаки ижодиётда яратган кичик эпик асарлар бўлган қадимги ҳикоя жанри орқали давр руҳи, табиати. унинг хусусияти тўғрисида тасаввур яратади.

Мақоллар, маталлар, афоризмлар. Маълумки, бу жанрлар адабиётнинг энг кўҳна ва қадимдан кенг оммалашган жанрларидан саналади. Ҳикоялардан фарқли ўлароқ Жохилия даврида **тратилган** мақоллар деярли ўзгармаган ҳолда ёзиб олинди, чунки **бу** жанр ўз моҳияти билан собитликка ва барқарорликка мойилдир. Шунинг учун унинг образлари кўпроқ аниқ манзарани ташкил қилади. Масалнинг ўзгармаслиги, яна уни қўллашга мослиги, қисқалиги (ижозлиги) ва ҳаётий вазиятдан келиб чиқиши билларда кўп истеъмол қилинишига сабаб бўлди.

Х асрда яшаган филолог олим Абу-л-Фараж Муҳаммад ан-Надимнинг олдинги араб адабиётидан ўзида бой маълумотларни қамраб олган “Ал-Фихрист” асарида кўрсатилишича, Жохилия давридан етиб келган масаллар ва мақоллар илк бор VIII аср бошидаёқ Суххар ал-Абдий ва Убайд ибн Шириялар томонидан ёзиб олинган¹. “Ал-Фихрист” муаллифининг қайд этишича. унинг қўлига етиб келган Убайд ибн Ширия китоби 50 га яқин варақдан иборат эди. VIII-XI асрларда Аббосийлар халифалигининг адабий марказлари бўлган Куфа ва Басра олимлари томонидан Жохилия даври масал ва мақолларига эътибор қучайиб, уларни жамлаш ва таснифлаш ишларини олиб боришди. Шу даврдан бошлаб филолог ал-Муфаддил ад-Даббий (786 й. ваф.эт.) “Араб масаллари китоби” асарини тузди. Абу Убайд ал-Қосим ибн Саломинг бу жанр тўғрисидаги “Масаллар китоби”, Абу Ҳилол ал-Аскарининг (1004 й. ваф.эт.) “Мақоллар йиғиндиси” (“Жамҳарат ал-

¹ أبو الفراج محمد النديم، الفهرست، طبعة المطبعة الرحمانية، ص. 132.

амсал”), ал-Майдонийнинг (1124 й. ваф.эт.) “Мақоллар тўплами” (“Мажма ал-амсал”) каби сони эллиқдан ошган асарлар яратилди. Одатда филологлар мақолларга тафсир бериб, қайси белгилари билан айна Жоҳилия даврида пайдо бўлишини кўрсатиб ўтади. Масалан, юқорида зикр этилган Заба (Зенобия) ҳақида учрайдиган мақоллардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтишди:

بطاع لقصير أمر لا таржимаси: “Қобилиятсизликка иш итоат қилмайди” ёки “Лаёқатсизга иш итоат қилмайди”. Шу мақолнинг бошқа варианты:

لأمر ما جدد قصير أنه “Иш учун лаёқатсиз жонини жабборга бермайди”, сўзма-сўз: “Лаёқатсиз одам иш учун бурнини кесишга бермайди”, бу мақол бошқа мақолнинг зиддияти: “Бир иш қилиш учун у бурнини кесишга тайёр” ёки ўзбек тилидаги муқобил вариантини олсак: “Иш учун жонини жабборга беради”.

Яна бир мақол: بيدي لا بيد عمرى- “Менинг қўлим билан, Амр қўли билан эмас” яъни инсон ўзининг қилган ишини кўрсатиб, қандайдир абстракт Амрнинг иши эмаслигини кўрсатмоқчи бўлса, шу мақолни ишлатади.

Бу ҳикоядаги мақоллар сони ал-Майданнинг китобида ўн саккизга етди.

Жоҳилия давридан "جزاء ستمار" -- “Синнемар жазоси” матали етиб келган. Бу матал одатда ишини ёмон бажарган ва ёмонлигини билган одамга нисбатан ишлатилган. Агар Жоҳилия давридан етиб келган бир ҳикоя бу маталнинг ибратли бир воқеа заминиде келиб чиққанини билдиради. Бу ҳикоя бўйича амир ан-Нўмон ибн Имрул Қайс ал-Лахмий ўзига қаср қурдирди, унинг номи ал-Хаварнак эди. Қасрни унга Синнемар исмли румлик уста қурган. Ишини тамом қилгандан сўнг Синнемар унга дебди: “Агар қаср бирдан қуласа, қайси ерда гишт борлигини биламан”. Ан-Нўмон ундан сўрабди: “Сендан бошқаси ҳам биладими?”. “Йўқ” – дебди у. Ан-Нўмон: “Энди у тўғрисида умуман ҳеч ким билмаслигини ваъда қилсам, гуноҳ бўлмайди” – деб қасрдан Синнемарни пастга отиб юборишга буюрибди. У парчаланиб кетибди. Ўшандан бери Жоҳилия давридан қолган “Синнемар жазоси” маталини одамлар ўхшаш вазиятларда ҳулоса сифатида қўллашади.

Вакт ўтиб воқеликнинг ҳусусий томонлари эсдан чиқиши мумкин, лекин унинг умумий типик томонларига эътибор қаратилади.

Аксарият макол ва маталларнинг муаллифи номаълум бўлса ҳам, баъзилар ўша Жоҳилия даврида яратилган ихчам шаклли, таъсирли ифода этилган ўхшаш умумлашма фикрларнинг муаллифларини топишга ҳаракат қиладилар. У ҳолда бундай муаллифга эга бўлган ихчам ифодалар “афоризм” деб аталади. Шундай энг қадимий муаллифлардан бири Лукмон Од (لقمان عاد) саналади. У Яманда, Хадрамаут шимолида жойлашган Руб ал-Хали сахросининг қумтепаликларида яшаган қабиладан келиб чиққан бўлиб, унинг хикматли сўзлари қабила шоирларининг шеърларида доим намоён бўлиб келган. Бу ҳақида Жоҳиз ҳам ёзиб ўтган бўлиб, у Лукмон Одни Қуръони Каримда зикр этилган Лукмон ал-Ҳакимдан бошқа шахс эканлигини кўрсатиб ўтади¹. Бу қабила йўқолиб кетади. Лукмон Од образи эса афсонага айланиб, ўзгача тус олади: унинг боши жуда катта, кучли, хикматларга тўла донишманд шахс сифатида гавдаланади. У гўё етти бургут яшаган умрни яшаган, ҳар бир бургут эса саксон йил умр кўрар экан. Бургутлардан охиргисининг номи Лубад экан. Бу ҳақида эса бир нечта афоризм пайдо бўлиб, бургутларнинг ушбу яшаган умри уларнинг хўжайининг канча яшашини ифодалайди. Масалан:

أخنى عليه الذي أخنى على ليد – Лубад нимага йўлиқкан бўлса, у ҳам лунга йўлиқади (яъни ўлимга)². Шунга ўхшаш ибораларни арабтар "عبرة مجازية", яъни “маъжозий ибора”, деб атайдилар. Яна бир мисол: طال الأبد على ليد – Лубадга нисбатан абадийлик чўзилди.

Баъзи Европа олимлари, жумладан, Хеллер (Heller) Лукмон исида бир шахс бўлиб, унинг ҳаётини уч боскичга ажратса бўлади, деб ҳисоблайди. Бу боскичлар қуйидагилардир: 1. Жоҳиия; 2. Қуръон позил бўлган давр; 3. Сўнгги давр. Сўнгги даврда Лукмон кўнлаб матал, масал ва афоризмларни яратган бўлиб, лар “Лукмон масаллари” китобига кирган.

Аммо Жоҳиздан бошлаб бошқа араб филологлари Лукмон Одни ва Лукмон ал-Ҳакимни бутунлай бошқа-бошқа шахслар, деб ажратадилар. Лукмон ал-Ҳаким Қуръони Каримнинг махсус Лукмон” сурасида зикр этилган бўлиб, Қуръоннинг бир нечта

الجاحظ، البيان و التبيين 1 / 184 من شوقي ضيف، تاريخ الأدب العربي، 1، ص 405

Арабско-русский словарь, сост. Проф. Баранов. – Т.: Камалак, 1994. – Б. 39.

оятларида Лукмоннинг ўғлига қилган насиҳатлари келтирилади¹. Лукмон ал-Ҳаким ҳикматлари ислом динининг руҳи билан суғорилгандир, аммо Лукмон Од масалларида эса уларнинг кадимги бадавий руҳи билан суғорилганлиги яққол сезилиб туради.

Жохиз Лукмон Оддан ташқари, Жоҳилия муаллифларидан Рабия ибн Ҳуззор, Амир ибн аз-Заиб каби масал ва ҳикматлар тўқувчиларининг номларини келтириб ўтади. Бу масал ва ҳикматларнинг тўқувчилари ичида энг машҳури Аксам ибн Сайфийдир (630 йили вафот этган). Айтишларича, у исломни қабул қилган ва бу ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.) га хабар қилгани кетаётганида йўлда вафот этган. У араблар орасида ўзининг донишмандлиги ва нотиклиги билан шуҳрат қозониб, адолатли, солиҳ инсон бўлган ҳамда низоларга аралашиб шундай тўғри қарорлар чиқарар эканки, ҳеч ким уларга қарши чиқмаган экан. Унинг нутқи ажойиб ҳикматли сўзларнинг намуналари ва чиройли афоризмлар билан тўлиб, гўёки денгиз мавжлари қуёш нурлари остида бўлганидек жилваланар эди.

Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютий, XV асрда Мисрда яшаган таниқли филолог олим, ўзининг “Ал-Музҳир” асарида Аксамнинг бир қанча ҳикматлари, матал ва мақолларини кўрсатиб ўтган:²

رَبِّ عَجَلَةَ تَهَبَ رِيًّا – Қанчалик кўп шошилиш сусткашликка олиб келади.

ادرعوا الليل أخفى للويل – Тунни темирга ўранглар, у ўзида балони яширади.

المرء يعجز لا محالة – Эркак ожиз бўлса, нажот йўқ.

لا جماعة لمن اختلف – Ким ажралса, жамоасиз қолади.

أسرع العقوبات عقوبة البغي – Адолатсизлик укубати энг тез етиб келадиган укубат.

شر الذصرة التعذى – Ғалабанинг ёмонлиги унинг тажаввуз эканлигида.

ألم الأخلاق اضيقها – Хулқнинг энг кўп оғрик етказувчиси – унинг торлигида, яъни агар хулқ-атвор тор бўлса, у кўп ёмонлик етказади.

¹ Қуръони Карим. Лукмон сураси. 12-19 оятлар/Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т. 2001, - Б. 412.

² Дайер Шавкий Араб адабиёти тарихи: Жоҳилия даври китобидан иктибослар келтирилган. Қоҳира: Дар ал-маориф. 1960. – Б. 406.

أسوأ الآداب سرعة العقاب – Энг ёмон тарбия жазонинг тезлигида,
яъни жазо беришга шошилган одам аслида ёмон тарбия олгандир.

رب قول أنقذ من صول – Қанчалик кўп маротаба айтилади –
урушнинг чўзилишидан куткараман.

الحر حر وإن مسه الضر – Озодлик, гарчи унга зарар етказилса
ҳам, озодлигича қолаверади.

العبد عبد وإن ساعده الجذ – Қул, гарчи тақдир унга ёрдам берса
ҳам, қуллигича қолаверади.

إذا فزع الفؤاد ذهب الرفاد – Юрак қўрққанида роҳат кетади.

رب كلام ليس فيه اكتتام – Кўп сўз айтилганда сир турмайди.

حافظ على الصديق ولو في الحريق – Ёнғинда бўлсанг ҳам, дўстни
сақла.

ليس من العدل سرعة العذل – Гина қилишга шошилиш адолатдан
эмас.

لا تطمع في كل ما تسمع – Барча эшитган нарсангга ҳирс қўяверма.

الحر عزوف – Озодлик – бу мусикадир.

لو انصف المظلوم لم يبق فينا ملوم – Агар мазлумга инсоф қилинса,
ўртамызда гинага ўрин қолмайди.

Кўриб турибмизки, ушбу мақол ва маталларда нафақат
маҳаллий кадриятлар, балки бизгача етиб келган умуминсоний
кадриятлар ҳам мавжуд.

Жоҳилия давридан етиб келган масаллар, афоризмлар ва
хикматли сўзларнинг муаллифлари орасида аёллар ҳам бор
бўлиб, булар Суҳар бинт Лукман, Ҳинд бинт ал-Хусс, Жума бинт
Ҳабис ва бошқалар.

Аммо, умуман олганда аксарият ҳолда бу жанрлар халқ
оғзаки ижоди самараси бўлиб, уларни илк бора ишлатган но-
маълум шахслар ижодни олдиндан ўзларига мақсад қилиб олиш-
маган, улар қандайдир ҳаёт ҳақиқатидан таъсирланган ва уни
бадий ифода этишган. Бу ижод намуналари оғиздан-оғизга ўтиб
сайқал топган ҳолда бўлса ҳам, асл моҳияти ўзгармасдан асрдан-
асрга ўтиб келди. Араблар уларни фасоҳат ва балоғат санъати-
нинг юксак намунаси деб ҳисоблаганлари учун нутқларида бу
жанр намуналарига кўп мурожаат қилар эдилар. Ногикларнинг
нутқлари ҳамда шоирларнинг шеърларида қўлланилиши оқибати-
да мақол ва маталлар оҳангга эга бўла бошлади. Улар сатр
(мисра) ёки байт сифатида матнга кирди. Умуман сўзларни тузиш

жараёнида мувозанатни сақлашга бўлган талаб кучайди. Шунингдек, сажъга эътибор берилди ва сўз санъатлари кўп қўлланилди.

Куйида Жоҳилия даври мақолларидан бир нечта намуналар келтирамиз:

تَجَرَّعَ الْحَرَّةَ وَ لَا تَأْكُلْ بِشَدِيدِهَا – Хурра (солиха, озод аёл) оч колсада, дуч келган нарсани емайди.

إِنَّمَا الْمَرْءُ بِأَصْغَرِهِ: قَلْبُهُ وَ لِسَانُهُ – Эркак кишига унинг қалби ва тили учун баҳо берилади.

مَقَاتِلَ الرَّجُلِ بَيْنَ فَكِهِ – Эркак кишини ўлдирадиган – икки лаби орасида (яъни тили).

مَنْ اسْتَرْعَى الذَّنْبَ ظَلَمَ – Ким бўрини бокса, зулмга йўл очади.

Бу мақолларнинг араб тилидаги асл вариантларида қандайдир ўзига хос мусика оҳанги сезилиб туради. Қадимги арабларнинг бу каби қисқа ва лўнда, аммо тугал маънога эга халқ ижодиёти намуналарида ўзига хос бадий маҳорат ҳамда куч бор. Бу жанр намуналарининг номаълум бўлган муаллифлари маънони сақлаб қолиб, уни намоён қилишга алоҳида аҳамият берганлар. Умуман олганда эса, ҳикматли сўзлар, мақоллар Жоҳилия даврининг энг ривожланган жанрларидир.

Ал-Хитаба (الخطابة) жанри. Ал-хитаба жанри дейилганда, нутқ, шунингдек, омма олдида қилинган ваъзхонлик назарда тутилади. Бу жанрнинг намуналари “Ал-Акд ал-фарид”, “Ал-Аном” муаллифларидан етиб келган асарларда ёзиб қолдирилган. Жоҳилия даврида бу жанр ҳам анча ривожланган бўлиб, қабилавий шароитнинг ўзи ҳам унинг тараққий топишига сабаб бўлар эди. Қабилаларнинг ўзаро тўқнашувлари ва низолари, бир қабиланинг бошқа бир қабилга билан бирлашиб сулҳ тузиши, у ёки бу ўтлоқзорни чорва учун талашиш – буларнинг бари иш бошқарувчисининг ёнида махсус тарғиботчи – нотик бўлишини талаб қилар эди. Қабилга нотиғи ўзининг оташин нутқи билан қабилга шарафи ва нуфузини сақлашга ёки унинг ошишига хизмат қилар, қабилаларни ўзаро сулҳ тузишга ундар ёки мунозара – мунокашларда иштирок этиб, ўз қабилга аъзоларининг афзалликларини исбот қилар, ё бўлмаса бошқа қабилаларга уларнинг куч-қувватини кўрсатиб, уларни кўрқитиш учун таҳдид қилар эди. Бундай чиқиш учун ўтовлар қурилган масканларда, бозордаги майдонларда, ҳукмдорларнинг қасрлари олдида махсус жойлар ажра-

тилар эди. Жоҳилия даври нотикларининг хитоби (нутки) одатда лўнда характерда бўлиб, унда хикматли сўз ва мақоллар қанчалик кўп ишлатилса ҳамда қофиялашга интилиш ва жумлаларга оҳанг бериш ҳолати кўп учраса, нутк шунчалик маҳоратли саналар эди.

Нотик қанчалик сўзамол, ҳозиржавоб бўлиб, ўз нутқини бадийий восита ва сўз санъатлари билан бойитса, атрофида муҳлислари кўпаяди ҳамда у эслаб қолувчи ровийларнинг эътиборини ҳам қозонади. Жоҳиз сўзга чечан қабилавий нотиклар ҳақида шундай ёзган: “Сўз араб учун ҳамма нарса бўлиб, у ҳозиржавоблик ва бадиҳа (импровизация)да намоён бўлади. Биринчи кўринишда у дафъатан келган илҳом самараси бўлиб, гўёки теран маъно ва фикрлашга аҳамият ҳам бермай, бор эътиборини фақат сўзга қаратади. Аммо унинг таҳайюли тўғри окимдан кетади ва қалтис вазиятлар, жангу жадаллар даврида бир жойдан иккинчисига кўчиш асосий мақсадга йўналтирилади. Ушанда маънолар ёпирилиб келиб, афоризмлар ҳам селдай тўлиб-тошади. Шундай қилиб, яхши, чиройли сўз арабларда кўпайди ва улар уни кадрлаб, унга бўйсундилар. Уларнинг ҳар бири ичида бу сўзни такрорлаб, унга калбидан жой ажратди, уни юксақларга кўтариб баён қилди. Нотиклар тақаллуфсиз, босимсиз, маҳсус талабсиз сўзни севдилар, сўз уларга осон бўлди ва улар орқали гуллаб-яшнади”¹.

Ўрта асрлар машҳур филологи Жоҳиз (775-868) ўзининг адабиётга бағишланган рисоласи “Китаб ал-баян ва-т-табйин”да Жоҳилия даври нотикларининг нутқ сўзлаш маҳорати одатда, бирор бир нарсани исботлашга қаратилган бўлиб, нотик турли мусобақа (мунофаратун) ларда ўз маҳоратини кўрсатганлигини айтиб ўтган (масалан, жонажон қабиласининг насл-насаби ва улуғлиги, унинг аъзолари, жумладан, ўз қабиласининг таъсир кучи ва салоҳияти, нуфузи ва шарафини нутқи орқали намоиш қилар эди). Уруш пайтларида нотиклар қабиладошларини жангга киришга ундаб, уларнинг юрагида душманга нисбатан адоват оловини ёкишар эди. Жоҳиз айтганидек, бу оташин нутқлар таъсирида қабиладошлар гўё парвонадек уруш алангасида ёнишга тайёр турар эдилар. Шу билан бирга, бу нотиклар қанчалик эҳтирос билан уруш ва қон тўкишга даъват қилган бўлсалар, бошқа вазиятда сулҳ тузиш, адоватни йўқотиш ва урушни тўхтатишга чақирар эдилар.

¹ الجاحظ، كتاب البيان و التبیین، مصر، 1924، ج 3، ص 280

Нотиклар одатда ҳимоя излаб биронта амир ёки ҳоким олдига борадиган вафдга қўшилиб, амир ёки ҳоким олдига туриб, қабиладошларининг мақсадини ўзининг маҳоратли нутқи орқали изхор этар эди. Яна бир одат бўйича нотиклар муайян мавсумларда, катта йўл чорраҳаларида ташкил топган бозорларда нутк сўзлаб, ўзларининг қабилаларига насихатлар бериб, уни тўғри йўлга йўналтирар эдилар. Нуфузли зодагон оилалар, қабила шайхлари ўғлини уйлантирмоқчи бўлганида, совчиларга нотикларни ҳам қўшиб, кизнинг уйига юборар эдилар, нотик куёвнинг фазилатларини кўкларга кўтариб мактар эди. Бу омилларнинг барчаси Жоҳилия даврида хитаба санъатининг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Жоҳизнинг “Китаб ал-баян ва-т-табйин” асарида жуда ҳам кўп нотикларнинг исмлари келтирилган бўлиб, уларнинг орасида энг машҳури Қайс ибн Шаммас эди. У ислом дини нозил бўлиши арафасида яшаган. Унинг ўғли Собит Муҳаммад Пайғамбарнинг (с.а.в.) хатиби бўлган. Пайғамбарнинг ансорлари орасида нотик Саод ибн ар-Рабаи ҳам бўлган. Макка шаҳрида курайш қабилаларидан чиққан машҳур нотиклар сифатида Хошим ва Умайяни мисол келтирса бўлади. Маккада нотикларнинг йиғилишига махсус ажратилган жой ҳам бор эди.

Коҳинлар нутқи. Жоҳилия даврида бадавийлар орасида келажак ҳақида башорат килувчи одамларнинг гуруҳи коҳинлар деб аталган. Улар қадимги арабларнинг санам ва илоҳларига хизмат қилган бўлиб, ўзлари учун ажратилган турар жойларда истиқомат қилганлар. Жоҳилия даврида коҳинларга сиғиниш диний эътиқод тусини олганлиги сабабли коҳинларнинг шахсияти ҳам мукаддаслаштирилган эди. Араблар уларнинг башорат қилиш қобилиятларига ишонганликлари сабабли, барча ишларида, хусусан, қурбонлик қилиш, рақиблари билан тортишувлари, бирор бир нарсани таллашишда ҳақларини талаб қилишда ҳам коҳинларга мурожаат қилиб, уларнинг ҳукмини кутишар эди, сўнгра уларнинг қандай башорат қилганликларидан келиб чикиб, баҳс-мунозараларга киришар эдилар. Коҳинлар кўп ҳолларда тушларни шарҳлаб, башорат қилар эдилар. Қадимги араб жамиятида коҳинларнинг мавқеи шу даражада катта бўлганки, уларнинг башорати туфайли у ёки бу шахснинг тақдири ўзгариб кетиши, ҳаттоки уруш ҳам бошланиши мумкин эди. Мисол учун, Исфохонийнинг

“Китаб ал-ағани” асарида келтирилган воқеа айнан шундай ҳолатга мисол бўла олади. Ҳира амирлиги ҳокими ал-Ҳариснинг ўғли, машҳур шоир Имрул Қайснинг отаси Хужр ва у бошқарган Бану Асад қабиласи ўртасида низо келиб чиқади ва у қабила устига юриш қилиб, уларни тор-мор қилади ҳамда қабила ахлининг бир қисмини ўлдириб, бир қисмини Тихамага сургун қилади. Шоир Абид ибн Ал-Аббос Хужр олдида уларга шафкат сўраб, чиройли шеър ўқиганидан кейин Хужрнинг кўнгли юмшаб, уларни кечирди ва ўтлоқларига қайтишларига ижозат берди. Шу билан низо тўхташи мумкин эди. Аммо кохин Авф ибн Робиа Бану Асадликларга мурожаат қилиб, шундай деди: “Эй, менга ибодат қилувчилар”. Улар дедилар: “Лаббай, эй раббимиз!”.

" قال: من الملك الأصحب، الغلاب غير المغلب، في الإبل كأنها الربرب، لا يعلق رأسه الصحب، هذا دمه ينتعب، و هذا غدا أول من يشنق".

У деди: “Ким экан бу малла подшоҳ? Ғалаба қилмасдан бўлган голиб. Туялар ичида у гўё бир кийик. Боши бўшидир унинг мутлақо, чунки ундан зирқираб оқмоқда қон. Эртага у биринчи бўлиб осилар дорга”.

Улар сўрадилар: “Ким у раббимиз”. У жавоб берди: “Агар юрагимда жўш урмаганда туғён, айтармидиму – Хужр бўлганда қурбон”. Кохиннинг айтган сўзлари таъсирида улар, ҳали тонг отмасидан, от ва туяларига миниб йўлга чиқдиларда, Хужрнинг аскарларига етиб бориб, Хужрни ўлдирдилар. Кохин сўзларига назар ташласак, улар лўнда ифодаланган бўлиб, башоратининг замирида қандайдир ёвузлик бор, унинг сажъда битилганлиги шу ҳиссиётни янада кучайтирмоқда¹.

Ал-Қазвиний ўзининг “Ажойиб ал-махлуқат” номли асарида “кохинларнинг сони ҳатто ҳикоя айтувчилар сонидан ҳам ўтиб кетган”, деб ёзади². Кохинларнинг кўриниши ҳақида афсоналар ҳам тўқилган. Уларда айтилишича, кохин Шикка ибн ас-Сааб ярим жинсли инсон бўлиб, унинг кўз, оёқ ва қўллари биттадан бўлган; Сатих ибн Рабиа аз-Зийбийнинг эса бош суягидан ташқари мутлақо суяги бўлмаган ва ҳоказо. Эътиборга молик жиҳат шуки, кохинлар орасида аёллар ҳам бўлган. Аёл кохинлар ўзларини қадимги арабларнинг аёл илоҳларига бағишлаб,

¹ الاسفغاني، كتاب الأغاني، القاهرة، طبعة دار الكتب، ج. 11، ص. 118.

² القزويني، عجائب المخلوقات، ج. 10، ص. 171.

уларнинг санамларига хизмат қилар эдилар. Ал-Майдоний ўзининг “Мажмаъ ал-амсал” асарида ана шундай аёл коҳинларнинг номларини келтириб ўтади, уларнинг энг машҳурлари эса аш-Шааса, аз-Зарка Ямама бинт Зухайр, Забра ва бошқалар. Зарка ал- Ямама номи билан кўпгина афсоналар тўкилган бўлиб, унинг образидан хаттоки, янги араб адабиётида ҳам фойдаланадилар. Кўзлари кўр бўлган бу аёл қабиласига душман келаётганлигини башорат қилади, бироқ унга ҳеч ким ишонмай, мазах қиладилар. Душман эса кесилган дарахт шохлари орқасига беркиниб, секин-аста қабила томон яқинлашиб келадида, кутилмаганда унга ҳужум қилади. Адиблар ўз асарларида тўғри гапириб балога қолган қаҳрамонларга нисбатан бу образни қўллайдилар.

Коҳинлар ўзларининг башоратларида жуда кўп мақолларни қўллаб келганлар, бу мақолларнинг барчаси Жохилия давридан етиб келганлиги аниқ эмас. Бироқ ровийларнинг хотирасида муҳрланиб қолгани – коҳинларнинг ўз башоратларини сажъ воситасида ифода этганликлари аниқдир. Масалан, Бану Риъам қабиласи коҳини Забра ўз башоратини қуйидаги сажъдан бошлайди:

و اللوح الحاقق و الليل الفاسق و الصباح الشارق و النجم الطارق و المزن الواقع...

*Шамол ёмғир олиб келмоқда, тун қоронғулигини қилмоқда, аммо тонг отмоқда, тонг юлдузи ботмоқда, ёмғир ерни ҳўлламоқда...*¹.

Коҳинларнинг одамларга таъсири кучли бўлганлиги сабабли Қуръонда улар бир неча бор зикр қилинади:

فَذَكِّرْ فَمَا أَنْتَ بِنِعْمَتِ رَبِّكَ بِكَاهِنٍ وَلَا مَجْنُونٍ ﴿٦٤﴾

Бас, (эй, Мухаммад,) (инсонларга) эслатма бераверинг, чунки Сиз Раббингизнинг неъмати сабабли коҳин (фолбин) ҳам, мажнун ҳам эмасдирсиз. (Тур сураси, 29-оят)

إنه لقول رسول كريم، و ما هو بقول شاعر قليلًا ما تؤمنون و لا يقول كاهن قليلًا ما

تذكرون

У (Қуръон), албатта, мукаррам Пайгамбарнинг (Аллоҳ номидан айтган) сўзидир! У бирор шоирнинг сўзи эмасдир. Сизлар (ушбу Қуръонга) камдан-кам имон келтирурсизлар. (У)

¹ السيرة النبوية، اح، ص 42، ص 221

бирор коҳин (фолбин)нинг сўзи ҳам эмасдир. Сизлар камдан-кам эслатма олурсизлар. (Ал-Ҳаққа сураси, 40-, 41-, 42- оятлар).

Коҳинлар ўзларининг нутқларида нафакат сажъдан фойдаланар, балки уни мумкин қадар ноаник мавҳум жумлалардан тузиб, уларни тингловчига ўзининг фаҳми ва шароитидан келиб чикиб, талқин қилиш учун қолдирар эдилар. Бундан ташқари улар ўз нутқларида рамзлар, маъновий ишоралардан ҳам кенг фойдаланар эдилар. Коҳинларнинг ўз фикрларини очик-ойдин изхор этиши башоратчилик қоидаларига зид келар эди, чунки уларнинг башоратлари ноаникликка, тахайюлга ва ёлғонга асосланар эди. Коҳинлар юлдузларга, шамолларга, булутларга, зулматли тунга, ёрқин тонгга, дарахтларга, денгизларга ва қушларга эътиқод қилган ҳолда, уларнинг номи билан касам ичар эдилар. Уларнинг нутқи кўп ҳолларда баландпарвоз, таъсирчан, бутпараст Жоҳилия даври одамларининг кўнглида из қолдирувчи кучга эга эди.

Шундай қилиб, арабларда оғзаки наср турли жанрларда намоён бўлди, булар: хикматли сўзлар – афоризмлар, мақол ва матал (масал)лар, нуткий санъат – хитаба ва баёний жанр – ҳикоя (қисса)лардир. Бу жанрлар турли вазиятларда турли мақсадларда қўлланган бўлиб, улар кўнгилоҷар, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ибрат вазифасини бажарар эди. Жоҳилия даври насри ўз даврининг тирик ёдгорлиги саналиб, у бадавийларнинг ҳаёти ва ахлоқи ҳақида тасаввур уйғотади. Коҳинларнинг нуткидан фарқли ўларок, бу наср ўзининг ифодавийлиги, қатъий шаклга эгаллиги, лўндаллиги, фикрнинг аниқ ифодаланиши, оҳангдорлиги билан ажралиб туради. Бу жанрларнинг баъзилари кейинги даврларда янада ривожланиб борган бўлса, баъзилари ўзгача кўриниш олди.

II БОБ. ИЛК ИСЛОМ ВА УМАВИЙЛАР ДАВРЛАРИДА ЖАНРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

2.1. Қуръони каримнинг араб адабиёти ривожига таъсири

Қуръони Каримнинг нозил бўлиши, Муҳаммад пайғамбарнинг фаолиятлари, арабларнинг фатҳ қилган ерларида Ислом динининг тарқалиши ҳамда VII аср ўрталарида рўй берган араблар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган бошқа воқеа-ҳодисалар араб адабиётига, жумладан, шеърятга мавзу томондан катта таъсир қилди. Араб қасидаси ўзининг анъанавий қисмий бириктирилганлиги ва жанрлар моҳиятини сақлаб қолиши билан бирга, унга дин билан боғлиқ янги мазмундаги мавзулар ҳам кирди. Бу ўзгариш айниқса, мадх жанрида яққол сезилди. Бутпарастликдан исломга ўтган шоирлар энди исломни ва Муҳаммад Пайғамбарни тараннум этдилар, кофир бутпарастлар бошига ўтқир хажв ўқини ёғдилар. Муҳаммад пайғамбар тарафларида сиёсий ва диний қурашларга кириб борган ва шуҳрат қозонган шоирлардан биз Каъаб ибн Зухайр (662 йили вафот этган) ва Ҳассан ибн Собит (670 йили вафот этган) ларга эътиборимизни қаратамиз.

Каъаб ибн Зухайр “Ал-Бурда” деб номланган қасидасида бадавий шеърятни анъаналарига тўла риоя қилади. Қасидасининг “насиб” қисмида маъшуқаси Суадни эслаб, унинг чиройини қуйлайди, шавқини изҳор этади, сўнгра асарининг асосий қисмига ўтиб, мағфират сўраб Муҳаммад пайғамбарга мурожаат қилади, у кишининг фазилатларини кўрсатиб, сифатларини улуғлайди. Шоир қасидасининг уч қисмида ҳам қадимий шеърнинг анъанавий образларидан, айниқса, шоирлар Лабид ва ан-Набиға услубидан кенг фойдаланади.

Каъаб ибн Зухайрдан фарқли ўларок Ҳассан ибн Собит қасида жанрига муайян ўзгаришлар киритди. Бошида унинг ижоди бошқа бадавий шоирлар ижодидан фарқланмас эди, у ҳам қабилалар ўртасидаги низоларда фаол катнашиб, илк қасидаларида қабиласи, ўзининг наслу насаби ва фазилатларидан фахрланди. Сўнг майда амирликларнинг султонлари саройида маддоҳлик қилди. Ниҳоят, Ҳассан ибн Собитнинг Ислом динини қабул қилиб, уни мадх этиши унинг қабилавий шоирдан сарой шоирига,

ундан Ислом динининг тарғиботчиси ва маддохига айланганлиги шоирнинг ижоди тадрижий ривожланиш боскичларидан ўтганлигидан далолат беради. Уруғчилик-қабилавий тузумидан марказлашган давлат тузумига ўтаётган Арабистонда бадавий кадриятлар ўзининг жонли мазмунини йўқота бошлади. Сарой шоири сифатида ҳам Ҳассан ибн Собит ҳаётидан унчалик коникмади, чунки у озод эмас, қандай кун кечириши эса амирларнинг хоҳишига бориб такалар эди. Шоир ғалаба қозониб, кенг тарқалаётган Ислом динининг энг мохир маддохига айланди ва унинг тарғиботини қолган умрининг асосий мазмуни деб билди. У ўз мадҳлари учун ҳеч қандай маблағ сўрамас эди, чунки самимий хис-гуйгуларни изҳор қилишда ўз манфаатини кўзламас эди. Ўз қасидасида Ҳассан ибн Собит имкон қадар қасидасининг насиб қисмини қисқартирар, лекин ҳижога кўпроқ ўрин ажратар эди. Унда бутпараст қурайшликларни ёмонлаб, уларни жаҳолат, қўрқоқлик, нодонлик ва бошқа иллатларда айблар эди.

Ҳассан ибн Собит биринчи бўлиб ўз қабиладошлари ҳақида ҳолисона баён қилиб, уларнинг ҳаётидан жонли манзаралар яратди. Шундай қилиб, Ҳассан ибн Собит ижодида васф жанрининг чегаралари кенгайиб, янги мавзу-оддий кундалик, маиший ҳаёт тасвири пайдо бўлди.

Исломнинг таъсири Ҳассан ибн Собит ва шу даврдаги бошқа шоирларнинг ижодида янги фалсафий ва ахлокий масалалар қўйишда ҳам намоён бўлди. Бу масалалар, асосан, покланиш, қилган гуноҳлари учун жазога мубтало бўлиш, ҳаёт маъносини янгича тушуниш ва шу каби фикрлар билан боғлиқ.

Илк Ислом шеърятидан – Ҳассан ибн Собит шеърларидан намуна келтирамиз. Унда шоир мусулмонларнинг бутпарастлар устидан қилган биринчи ғалабалари билан фахрланиб, сўнг душманлар устидан ҳажв қилишга ўтади. Шоир шеърини вайроналар устида туриб, ўтмишини кўмсаш билан бошлаб, бу лирик кириш билан у ҳали анъаналардан узилмаганлигини намоён қилади:

عفت ذات الأصابع فالجواء إلى عذراء منزلها خلاء
ديار من بنى الحساس قفر تعفيتها الروامس و السماء
و كانت لا يزال بها أنيس خلال مروجها ناعم و شاء

*Ғойиб бўлди ер устидан Зот ал-Асабиъу ва-л-Живалар,
Азра қабл ғойиб бўлди улар, манзиллар бўм-бўш.*

*Бану ал-Ҳасҳас диёри ҳам айланди саҳрога,
Қумли шамоллар, само ёмғирлари йўқотди уни.
Аримас эди у ердан ёру дўстлар,
Туя, қўйлар подаси ўтларди яйловларида.*

Вайроналар қўзғатган хотиралардан кейин шоир сочлари елкасига ёйилган маҳбубасини тасвирлайди, бироқ бу мавзуда узок тўхталмасдан қасиданинг асосий қисмига ўтади ва илк мусулмонларнинг бутпараст курайшликлар билан олиб борган курашларини таърифлайди ҳамда мусулмонларни, албатта, ғалаба қозонишларига ишонттиради. Акс ҳолда бадавий учун энг азиз бўлган отларидан ажралишга сўз беради.

عنمنا خيلنا إن لم تروها تثير النقع موعدها كداء
يبارين الأعنة مصعدات على أكتافها الأسل الظماء
تظل جيادنا متمطرات تلطمهن بالخمر النساء
فإما تعرضوا عنا اعتمرنا و كان الفتح و انكشف الغطاء
و إلا فاصبروا الجلاء يوم يعز الله فيه من يشاء

*Отларимиздан ажраламиз, агар улар (курайшликлар)
кўрмаса,*

*Отларнинг чангитиб киришин (Маккага) Кида
томондан.*

Улар чотиб келмоқда, жиловлари қўтарилган

Елкаларда (қонга) ташна найзалар.

Отларимиз учиб борар, тўхтамайди чопишдан,

Аёллар урар уларни бошидаги рўмоли билан.

Агар қаринлик кўрсатмаса, биз умрани адо этамиз.

Ғалаба бўлади, ваъда қилган жойларни тарк этамиз.

Бўлмаса, сабр қилинлар кун жаллодига,

Ўша кун Аллоҳ хоҳлаганига куч-мадад беради.

Курайшликларга таҳдидни ёғдирганидан кейин шоир хажвга ўтади, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) амакиларининг ўғли ва у кишининг ашаддий душмани Абу Суфённи хажвияси учун нишон қилиб олади:

ألا أبلغ أبا سفيان عني فأنت مجوف نخب هواء
بأن سيوفنا تركتك عبداً و عبد الدار سادتها الإماء
هجوت محمداً فأجبت عنه و عند الله في ذلك الجزاء
أ تهجوه و لست له بكفاء فشر كما لخير كما القداء
فإن أبي و والده و عرضي لعرض محمد منكم و قاء

Айтмаган эдимми, эй Абу Суфён, ўзим номимдан
 Сен қўрқоқ, ҳиссиз бўм- бўш одамсан.
 Қиличларимиз сени айлантирган эди қулга,
 Чўри аёллар бошқарди ўшанда уруғингни¹
 Муҳаммадни ҳажвга олдинг, жавобини сенга мен бераман,
 Аллоҳнинг ҳузурда бу ишим учун ажри бордир.
 Уни ҳажв қилмоқдасан, аммо унга асло тенг эмассан,
 Ёмонлик кетар, яхшиликка қурбон бўлиб.
 Менинг отам, бутун авлодим, шон- шарафим, обрўйимни
 Бағишлаймиз Муҳаммадни ҳимоя қилишга.

Ушбу касида илк Ислом даврида ёзилган касидалардан намунадир. Ислом дини пайдо бўлиши билан араб адабиётида катта ўзгаришлар рўй берди. Қуръони карим араб адабиёти, айниқса, насри учун катта аҳамиятга эгадир. Унинг пайдо бўлиши билан яхлит араб адабий тилининг шаклланиши ниҳоясига етди, араб адабий тилининг нахвий ва услубий қоидаларининг тараққиётига асос бўлди. Қуръондан кейин араб ва бошқа мусулмон мамлакатларида пайдо бўлган ёзма адабиёт Қуръоний рух билан суғорилган, Ислом дини аҳкомларига бўйсунди. Адиблар ўзларининг асарларида Қуръоний иктибос ва образлардан кенг микёсда истеъфода қила бошлайдилар. Қуръон матни мусулмон адиблар учун энг юксак намуналар сифатида гавдаланди, унинг бой бадияти ёзма санъатга битмас-туганмас озука берди. Қуръоний ривоятларнинг эмоционал гўзаллиги, сюжетларининг жозибаси, ундаги оятларнинг лўнда, мажозий маънолари асл манбанинг катта таъсирга эга кучи билан турли кўринишдаги асарлар пайдо бўлди. Пайгамбарнинг сўзлари ва фаолияти ҳақидаги ҳикоялар - ҳадислар ҳам араб адабиётига, араб тилига, ва ўрта асрларнинг охирида пайдо бўлган ёзма адабиётнинг турли шаклларига, шу жумладан, илмий ва расмий насрга, ҳикоянависликка таъсир кўрсатди. Ҳикоянависликда улардан нафакат сюжетлар кенг истеъфода қилинди, балки услубий хусусиятларига ҳам таклид қилинди.

¹ Бу байтда Абу Суфён даставвал бутпараст маккаликлар тарафида бўлганлиги, уларнинг Бадр жангида мағлубиятга учраганлиги ва Абу Суфён уруғи Абд ад-Дар (бутпарастлар) туғи тагида бирин-кетин йиқилганида туғни чўри аёллар кўтарганига ишора.

Шундай қилиб, Жоҳилия давридаги оғзаки ижодда шеърят устун бўлган бўлса, илк Ислом пайтида наср ривожланди. Қуръони Карим ва ҳадислар маънолари, иборалари, сўзлари, услублари билан насрнависликка туганмас захира сифатида хизмат қилди. Бундай насрга янги ислом жамиятида талаб пайдо бўлган эди, чунки Ислом дини тамойиллари, асосларни, бошқариш қоидалари ва бошқа жиҳатларининг шарҳ ҳамда тафсирларга мухтож эканлиги сезилди. Булар билан бир қаторда эса забт этилган минтакалардаги ҳукмдорлар билан ёзишмалар бошланди, булар, ўз навбатида, янги насрий жанрлар бўлмиш – "расаил" ларнинг ривожланишига олиб келди. Бундай жанрлар расмий, дўстона ва бошқа шаклларда намоён бўлди.

Насрга юклатилган вазифани шеърят бажара олмас эди. Чунки шахснинг жамият билан эътиқод орқали боғланиши, унинг ўз ҳуқуқ ва вазифаларини англаши, ҳукмдорнинг халқ билан муносабати ҳукмдор нутқининг аниқ- равшан, тушуниш учун осон бўлиши, келтирилган мисоллар ва ҳикматли сўзларни англаш қийинчилик туғдирмаслигини талаб қилди.

Ислом дини пайдо бўлганида наср икки хил кўринишда намоён бўлди:

- ал-Хитаба – оғзаки нутқ шаклида;
- ал-Китаба – ёзма шаклда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, араблар азалдан моҳир нотиклар бўлган бўлиб, улар қабилавий низоларни мунозара ва мунокашалар орқали ҳал қилишга интиланлар. Улар, ҳаттоки ўз душманларининг ўткирсўзлиги, улар қўллаган чиройли, таъсирчан ибораларга ҳам тан берар эдилар. Ислом дини тарғиб қилинаётган даврда Муҳаммад пайғамбар ва у кишига қарши чиққан Қурайш қабиласининг ўртасида дин хусусида катта нуткий баҳслар бўлган бўлиб, аксарият ҳолларда улар катта мунозараларга айланиб кетарди.

Муҳаммад Пайғамбар Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг у ерда мусулмон жамияти шаклланди ҳамда у кишининг нутқлари жамоа учун дин йўлида иршод бўлувчи, Аллоҳга итоат қилишга, тақводорликка, жиҳодга даъват этувчи ваъзхонликка айланди ва хутба номини олди. Хутба бутун мусулмон оламига тарқалиб, муҳим диний маросимга айланди.

Арабларнинг ғазотлари натижасида Ислом динининг кенг тарқалиши, забт этилган минтакаларнинг аҳолиси билан сиёсий,

ижтимоӣ муносабатлар ўрнатиш зарурлиги хитаба жанрининг моҳияти ва унинг имкониятларини янада кенгайтирди. Ғазотларда иштирок этувчи аскарларни илҳомлантиришда, жамоанинг кундалик ҳаётида, мусулмон ҳуқуқларини маҳкама фаолиятида ишга қўйишда, диний насихатлар ва шарҳлар етказишда хитабанинг аҳамияти катта бўлди.

Халифа Усмон даврида рўй берган фитналар натижасида хитаба жанрининг табиати анча кескинлашди. Унда асабий оҳанглар пайдо бўлди. Усмоннинг қотил қўлидан ўлим топганидан кейин халифа Али даврларида мусулмонлар бир нечта гуруҳларга бўлинишди. Ҳар бир гуруҳнинг махсус ёлланган нотиклари бўлиб, улар хитабаларни ўз манфаатига ишлатишга, бошқарувчисининг сиёсатини ёклашга, ўз ақидасини ҳимоя қилиб, уни душманга қарши йўналтиришга ҳаракат қилди.

Ислом динининг тарқалиши давридаги хитаба Жоҳилия даври хитабаларидан тубдан фарқ қилар эди, чунки саҳрода яшовчи бадавийнинг бадий тафаккури саҳро билан осмон туташган масофадан ташқари чиқмас эди.

Бадавий нотик қабилавий ишлар билан чегараланиб, уфқдан нарида нима борлиги билан қизиқмас, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур излашга берилмасди. Албатта, Жоҳилия даврида ҳамма нарса юзаки бўлган, дейиш хато эканлигини мақоллар ва ҳикматли сўзларнинг ўзи исботлайди. Шунинг билан Жоҳилия давридаги нотиклар абстракт маъноларни ўзлаштириб, уларнинг асл моҳиятига кириб боришдан чекиндилар.

Ислом нотиклари ўз хитабаларида мусулмон уммати, жамоаларининг сиёсий ва ҳарбий тизими, намоз ўқиш, закот тўлаш, рўза тутиш, ҳажга бориш, ворислик, мусулмонларнинг ўзаро ва бошқа эътиқоддаги одамлар билан муносабатлари каби масалаларни кўтаришар экан. ҳар бир масалада тўхтаб, уни тушунтиришга, исломнинг аҳком ва асосларини кўрсатиш ва асл моҳиятини очиб беришга интилар эдилар. Услуб жиҳатидан мантиқдан келиб чиқишга, изчиллик сақлашга, баён қисмларини пухта боғлашга, тимсолларни турланишига алоҳида эътибор бердилар. Қуръони Карим матни улар учун бу борада юксак калима бўлди.

Ёзма адабиётга келсак, у арабларда Ислом пайдо бўлиши билан ривожланди. Унгача жуда оз миқдорда фақат маккаликлар

ёзиш-ўқишни билар эдилар. Бадр воқеасидан кейин ҳар бир асир тушган билимли маккалик зиммасига ўнта мусулмонни ўқитиш қўйилди. Кўп ўтмасдан ёзишни биладиган котиблар сони ошиб борди. Расулulloҳ қошларида котиблик қилганлардан Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Абдуллоҳ ибн ал-Арқам, Муовия ва бошқаларни зикр қилса бўлади. Улар пайғамбарнинг ёнларида аҳдлар тузиш, мактублар жўнатиш ёки жавоб қайтариш каби ёзилиши талаб қилинадиган ишларни бажардилар.

Шу даврдан бошлаб ёзма адабиётнинг ўша даврдаги энг аҳамиятли жанри – расоил (ёзишмалар) тараққий топди. Бу расоилларда энг аввал инсонга даъватни кўрамиз, шу жумладан пайғамбарнинг давлатлар бошида турган – шоҳ ва султонларга юборган мактубларида бундай даъватлар бор. Шунингдек, мактубларда минтақаларга юборилган ноибларга диннинг асослари шарҳи ёки ислом аҳкомлари баёни учрайди, ёки уларга янги топшириқлар, фармонлар жўнатилади. Лашкарбошилариининг халифаларга йўллаган рисоаларида эса ёки ғалабалар хақида эълон қилинади ёки ёрдам юбориш тўғрисида илтимос қилинади, бундай илтимослар айниқса халифа Умарга кўп бўлган. Бу расмий ёзишмалар тажрибаси сўнгги даврларда мислсиз кенгайгандан кейин алоҳида девонхоналар ташкил топиб, мактублар тузиш ёки жавоблар ёзиш билан махсус тайинланган котиблар шуғуллана бошлади. Расоил жанрларининг турлари кўпайиб, “дўстона” ёки “биродарлик” расоиллари пайдо бўлди ва нихоят адабиётнинг махсус “расоил” жанри шаклланди. Аммо илк ислом даврида бу жанр ҳали пайдо бўлмаган эди.

Расмий расоиллар ҳам ўзига хос услубга эга эди. Расулulloҳ ёки биринчи халифалар, ёки саҳобалар имлосида ёзилган ушбу мактублар баён қучлилиги билан ажралиб турарди, чунки улар ҳаммаси Куръон мадрасасини ўтаган эдилар. Фикрларини лўнда, аниқ ифодалашга интилар эдилар, мавхум сўзлар деярли учрамас эди. Сунъий сўз безакларидан, муболағалардан четланар эди. Қабилаларга юборилган мактубларда маҳаллий лаҳжа сўзлари учраши мумкин эди.

Рисоаларда куръоний оятлардан ёки ҳадислардан иқтибослар кўп келтириларди, умуман куръоний маънолардан кенг истефода қилинар эди. Рисоалар ёзиш “бисмиллоҳ” билан бош-

ланиб муайян тартибга бўйсунарди. Мисол тарикасида Расулulloҳнинг форс шоҳи Хисравга юборган хатлари билан танишамиз:

بسم الله الرحمن الرحيم من محمد رسول الله الى كسرى عظيم فارس سلام على من
اتبع الهدى وامن بالله ورسوله وادعوك بدعاية الله عز وجل فاني انا رسول الله الى الناس
لأنذر من كان حيا ويحف القول على الكافرين اسلم تسلم فان توليت فاثم المجوس عليك¹

“Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Расулulloҳ Муҳаммаддан форсларнинг буюғи Хисравга². Кимки тўғри йўлдан борган бўлса, Аллоҳ ва унинг Расулига ишонса, ўшанга саломлар бўлсин. Мен сени ҳаммадан буюк ва қудратли Аллоҳга эътиқод қилишга даъват этаман. Мен кимки исломга кирган бўлиб, кофирларга қарши сўз отса, у дунёда ҳам яшайди, деб хабар бериш учун барча одамларга юборилган Аллоҳнинг расулиман. Сен ҳам исломга кир, акс ҳолда мажуслик (оташпарастлик) гуноҳига ботасан.

2.2. Умавийлар даврида жанрлар трансформацияси (ўзгариши)

Умавийлар сулоласи халифалигининг ҳукм суриши 661-йилдан бошланиб, то 750-йилгача давом этди. Унинг асосчиси Муовия халифаликнинг пойтахтини Дамашкка кўчирди ва фаолиятини юритишда араб қабилалардан чиққан зодагонларнинг кучли гуруҳларига таянди. Уларнинг ҳукмдорлиги даврида асл араб маданий аъёнлари маҳаллий забот этилган халқларнинг маданиятига зид қўйилди. Шунинг учун ҳам Жоҳилия даври араб шеърияти энди бутпарастлар шеърияти сифатида эмас, балки асл араблар қадриятини ифода этувчи шеърий намуна сифатида қабул қилинди. Умавийлар халифалиги саройларига Арабистондан бадавий шоирлар ва нотиклар таклиф қилиниб, улар ёрдамида қадимги шеърхонлик муҳитини тиклашга интилдилар. Халифа Абд ал-Малик (685-705) саройида биратўла замонанинг энг машҳур шоирлари ал-Ахтал, ал-Фараздак ва ал-Жарир хизмат қилди. Бу шоирлар бир ҳукмдорга хизмат қилинса ҳам, ўзаро адоватда эдилар. Уларнинг ҳар бири араб қабиласидан чиққан

¹ Муҳаммад халифанинг “Жоҳилия ва ilk ислом давларида адабиёт ва матилар” китобидан иқтибос. Қоҳира. Ал-Азҳар университети, 1999. – Б. 144.

² Хисрав – Кисро, Кисрав, Хисрав – қадимги Эрон шоҳларининг унвони.

бўлиб, халифа ва унинг яқинларини мадҳ қилиш билан бирга ўз кабилалари фазилатларини тараннум этишар эди. Яъни Ислом динининг таркалиши ва арабларнинг ҳарбий юришлари - ғазоват даврида сўнган кабилалараро тўқнашув ва зиддиятлар Умавийлар даврида яна янгидан аланга олди. Бу вазиятда қадимги анъанавий шеърӣ жанрлар – фаҳр, мадҳ ва ҳижо қўл келиб, аввалгидай шеърӣ қурол вазифасини бажара бошлади.

Шоирлар Жоҳилия давридек, Дамашқ, Басра, Куфа ва бошқа араблар йиғиладиган бошқа жойларда шеърхонликлар ўтказилиб, ўз маҳоратларини намоӣиш қилар эдилар.

Аммо саройда шоир мавкеи анча мураккаблашди: бир томондан у ўз ҳомийси, тирикчилигини таъминловчи ҳукмдорга тўла тобе ва шеърларини унинг дидига мослаштириши лозим эди, иккинчи томондан у ўз кабиласи намояндаси сифатида халифанинг қабиласи билан бўлган муносабатларга қаршилиқ қилиши зарурияти туғилди. Шоирнинг ҳукмдор билан бўлган алоқаси энди диний асосга эмас, балки сиёсий манфаатдан келиб чиқди. Шунинг учун шеърларда олдинги самимият, садоқат ва ихлос тўғрисида гап бориши бу вазиятда кийин туюлади. Жоҳилия даври бадиӣ онгининг тикланиши шоирларни исломӣ-ахлоқӣ мисралардан бирмунча узоқлаштирди. Умавийларнинг ўзлари уларни Муҳаммад пайгамбарнинг ахлоқӣ камсуқумликка йўналтирилган васиятларига лоқайд бўлганликларида айблайдилар. Уларнинг даврида исломӣ аҳкомларни фақат масжидлар атрофида ташкил бўлган тор доиралардаги жамоалар сақлаб борар эди. Саройдаги зиёфатларда Исломдан олдин яшаган Имрулқайс, Тарафа, ал-Ааша каби шоирларнинг ҳаётдаги ҳиссий қувончлар, ишратларни тараннум этувчи шеърлари ўқиларди. Ҳукмдорни макташга қаратилган мадҳлар билан бир қаторда ишқӣ ёки майни куйловчи шеърлар янграрди. Айни шу даврдан бошлаб ишқӣ лирика- ғазал алоҳида мустақил жанр сифатида ажралиб чиқди.

Мадҳ жанрига келсак, Умавийлар давридаги мадҳлар Жоҳилия давридаги кичик амирликлар саройларида ёзилган мадҳ анъаналаридан унча фарқ қилмас эди. Аммо янгилик бор эди, у ҳам бўлса, мавзу жиҳатидан Умавийлар ҳукми қонунӣ эканлиги тўғрисидаги фикрни такрор исбот қилиш тарзида намоён бўлди.

Умавийлар ўзларини “Аллоҳнинг халифалари” деб номлашар эди. Шоирлар учун халифа ва бошқа ҳукмдорларнинг

жонажон қабилаларга бўлган муносабати нихоятда аҳамиятли бўлган. Доимо бир-бири билан рақобатда бўлган ал-Жарир ва ал-Фараздак халифага мадхлар бағишлаб, унинг эътиборини жалб этиш учун ўзаро талашар эдилар.

Агар халифалик пойтахтида, сарой ҳаёти муҳитида мадх жанри бошқа жанрлардан устувор бўлган бўлса, Арабистонда ғазал – ишқий лирика жанри анча ривож топди ва мустақил шеърӣ қитъа шаклида қасида таркибидаги насибдан ажралиб чиқиб, аксарият ҳолда созлар жўрлигида ижро этилди.

VIII аср бўсағасида ғазал жанрининг икки кўринишда ривож топганини кузатса бўлади: бадавӣ лирикаси олдинги анъаналарига содиқ қолиб, аёлга нисбатан юксак мисолнӣ покиза муҳаббат туйғуларини тараннум этса, Хижозда “шаҳар лирикаси” номини олган ишқий лирика ҳиссӣ инсоний туйғуларни изҳор қилар эди.

Яна бир қадимги жанр хижо (ҳажв) қадимги бадавӣ қаҳрамонлик руҳини йўқотиб, аксарият ҳолда душманнинг устидан қўпол равишда қулиш ва сўқишларга айланди.

Анъанавӣ васф жанри мавзуси арабларнинг турли мамлакатларга қилган ҳарбий юришлар натижасида кенгайди. Унинг мавзулари каторига урушлар тафсилоти, қурол, қалъаларни олиш, забт қилинган минтақаларни васф этиш каби янги мавзулар кирди. Бадавӣ васфига ҳос самимият маданият ва шеърӣят марказлари Хижоздан Сурияга кўчгандан кейин секин-аста йўқолиб борди, уларнинг ўрнига васфда маълум қоида ва қолипларга киритилган сунъий тамойиллар вужудга келди.

Шаҳар ва сарой шароитидаги янги муҳитда араб шеърӣяти ифодавий-тасвирий воситалар жиҳатидан бойиди, таҳайюл парвози кенгайди, тимсоллар нозиклашиб, уларнинг жозибадорлиги ошди. Қадимий иборалар каторига Қуръоний иборалар қўшилди. Шоирлар бадавӣ қасиданинг тарқок қисмларини мантикий боғлаб, ундан яхлит асар яратишга интилдилар, ушбу даврдан улар ўз шеърларининг ёзиб олинishiга алоҳида аҳамият бера бошладилар.

Умавийлар даври шеърӣятининг марказидан уч шоирнинг ижоди ўрин эгаллади, улар: ал-Ахтал, ал-Фараздак, ал-Жарирдирлар. Ушбу шоирлар мадх, фаҳр ва хижо каби жанрларда ҳукмдорликка интилган муайян сиёсий, диний ёки қабилавӣ гуруҳларни ёклаб, уларнинг манфаатини ифодаловчи шеърӣятни ривожланишига сабаб бўлдилар. Умавийлар сулоласи

ва муқаддас шаҳарлар бўлмиш Макка ва Мадина зодагонлари ўртасида ҳукмдорлик учун кетаётган курашда бу шоирлар, асосан, Умавийлар томонига ўтиб, уларнинг халифаликка бўлган қонуний ҳуқуқини исботлаш учун турли далиллар келтирдилар. Бу шоирларнинг шеърларида Умавий халифалар саҳий, такводор, мўмин, камтарин, лафзли, қатъиятли инсонлар сифатида гавдаланди. Масалан, ал-Ахталнинг Умавийларга бағишланган қуйидаги байти мадҳ жанридан намуна саналади:

Қарши чиққанларга адоватда Умавийлар асло мурасага келимас,

Ғалаба қилганда эса шафқат кўрсатишида уларга тенги йўқ¹.

Душман эса қўрок, бахил, сўзида турмайдиган махлуқларга ўхшатилар эди. Шеърый жанрларнинг мазмунини сиёсий тус олган бўлиб, бу шоирлар ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётининг кўп жиҳатларини ўз ижодларида акс эттирганлар.

Умавийлар даврида энг ривож топган жанрлардан бири бўлмиш нақоид алоҳида эътиборга лойик. Нақоид бир шоирнинг бошқа бир шоир шеърига нисбатан қўйган раддияси, деган маънони ангалатади. Келиб чиқиши арабларнинг энг қадимий сўз санъати жанрларидан бўлган хижога бориб тақалувчи бу жанр Умавийлар саройида кенг тарқалди ва ўзига хос хислатларга эга бўлди. Одатда нақоид душман саналган сиёсий гуруҳ шоири ёки сарой шоири юқори мавқеини эгалламокчи бўлган рақибга қарши қаратилган шеър бўлиб, сарой мажлисларида, очик майдонларда жамоа ўртасида ўқиладиган шеър эди. Рақиб ўша жойнинг ўзидаёқ дарҳол ёки тез муддатда унга жавобан ҳудди ўша вазн, қофия, хаттоки ўша образларни қўллаб, рад қилувчи шеърини тўкиши лозим эди. Натижада бир-бирига қарши қўйилган икки шоир жуфтлиги вужудга келар эди. Юқорида зикр этилган Ҳассан ибн Собитнинг шеъри ҳам илк Ислом даврида Мухаммад Пайғамбарга қарши чикувчиларга жавоб сифатида ёзилган нақоид қаторига киради.

Умавийлар саройида эса, рақиб шоирлар, бир-бирларини мутлақо аямай, ҳақоратларга тўла шеърлар йўналтирардилар. Қуйида биз шахсий нақидадан (“нақоид”нинг бирлиги) намуна

¹ الأخطل، ديوان، بيروت، 1949، ص. 30

келтирамиз. Унда шоир ракибининг кавмини бахиллик ва бузукликда айблайди:

قوم إذا أكلوا أخفوا كلامهم و استوثقوا من رتاح الباب و الدار
و يقيس الجار منهم فضل نارهم و لا تكف يد عن حرمة الجار

*Бу қавм, агар овқат еса, мукка кетиб, сўздан тўхтайди,
Текинради олдин уй ва эшиклар қулфланганлигин.*

*Қўрмади қўшини ёнган ўчоғидан бирор наф,
Аммо қўлни тортмас қўшини аёлидан¹.*

Қуйндаги шеърлар эса сиёсий шеъриятга тааллуқли бўлиб, Умавийлар сулоласи асосчиси халифа Муовия ва унинг ўғли амир Язидга қаратилган:

(معاوي) إنا بشر فأصبح قلنسنا بالجمال و لا الحديد
أكلتم أرضنا و جذذتمونا فهل من قائم أو من حصيد
فهيأ أمة هلكت ضياعا (يزيد) أميرها و (أبو يزيد)
أ تظمع بالخلود إذا هلكتنا و ليس لنا و لا لك من خلود؟

Эй Муовия, биз оддий юмшоқ одамлармиз,

Асло эмасмиз тоғдек, темирдек.

Ерларимизни ютдинглар, бизни экиндек яксон қилдингиз,

Қолдими ундан тикка тургани, ёки ерга сочилгани?

Биз бош қўтардик, уммат ҳалокатга дуч келди,

Язид унинг амиридур ва Язиднинг отаси

Агар биз ҳалок бўлсак, сен абадий қолишни истайсанми?

(Билмадингми) абадийлик йўқдир на биз учун, на сен учун.

Умавийлар саройида хизмат қилган уч машҳур шоирлар – ал-Ахтал, ал-Фараздак, ал-Жарирларнинг бир-бирига адоватда бўлиши, шубҳасиз, сиёсий курашнинг бир кўриниши эди. Эҳтимол, уларнинг бир-бирларига бундай муносабатда бўлишлари шартли ўйин характериға эга бўлиб, уларнинг ижодий маҳоратини намоиш қилиш учун ҳам керак бўлгандир. Доимо ўзаро душманлик муносабатида бўлган бу шоирлар, ҳақиқатан ҳам, бир- бирларига мухтож эдилар, чунки ўткир сўз учун нишон бўлган ракибига жавоб бера оладиган истеъдодға ва ракибига тенглаша оладиган даражада салоҳиятға эга бўлиши лозим эди. Масалан, Жарирнинг душманлари ундан олган “зарбалар” билан фахрланар эдилар, негаки бу шоирнинг хажвига нишон бўлган

¹ على محمد حسن، الألب و تاريخه في العصرين الأموي و العباسي، القاهرة، 1992، ص. 32

шоирлар халқ орасида тезда танилиб, шуҳрат қозонар эди. Шоирлар шеърий айтишувларда Жарирга мағлуб бўлишни иккинчи даражали шоир устидан ғалаба қозонишдан афзал билар эдилар. Хаттоки, Аббосийлар даврида яшаган машҳур шоир Башшар ибн Бурд зикр қилишича, у Жарирга қарши шеър ёзган, лекин Жарир уни жуда ёш ҳисоблаб, жавоб беришни ўзига лойиқ деб билмаган. “Агар у менга жавоб берганида” – дейди Башшар ибн Бурд – мен энг буюк шоир бўлар эдим”¹.

Шундай қилиб, Умавийлар даври машҳур шоирларининг анъанавий қасида яратишларида умумийлик кузатилади, у ҳам бўлса, сиёсий муаммога ёндашув, халифа ва унинг яқинларига бағишлаб мадҳлар ёзиш, нақид жанрини ривожлантириш, ҳижода ташқи адоватни кўрсатиб, қандайдир адабий ўйинда иштирок этиш ва ҳ.к. Аммо ал-Ахтал, ал-Фараздак, ал-Жарирлар ҳам жанр танлашда, жанр шаклида ижод қилишда ўз услубларига эга эканликлари, муайян устувор мавзуларни танлашлари ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқ қилар эдилар.

Ал-Ахтал (685-705) Шимолий Сурия (Шом) га кўчиб келган насроний Тағлиб қабиласидан бўлиб, халифа Абд ал-Маликка бағишлаб мадҳлар ёзар, Жарир билан нақид мусобақасида иштирок этиб, уни ёмонлар, аммо сўқиш ва ҳақоратлаш даражасига бормас эди.

Унинг девонида “хамрият” (майга бағишланган) жанри салмоқли ўрин эгаллайди. Одатда, қасидада бу мавзуга мадҳдан олдин, насиб - лирик қириш қисмида ёндашилинади, бироқ ал-Ахтал ишқий мавзудан кўра май мавзусини афзал кўрар эди.

Шоир жуда қисқа ифодаланган маъшука мавзусидан май мавзусига ўтиб, зиёфатларни, май тавсифини, уни тайёрлаш машаққатини, май ичган одамнинг ҳис-туйғуларини тасвирлар эди. Ал-Ахтал май мавзусига ёндашиш ва хамрият жанрини ривожлантиришда, бир томондан, Жохилия даври шоири ал-Аъша анъаналарини давом эттирди, иккинчи томондан эса унинг бу хизмати Аббосийлар даврининг машҳур шоири Абу Нувос томонидан яратилган “зиёфат шеърляти”га йўналиш бўлди. Ал-Ахталнинг хамриятлари жонли ёзилган бўлиб, уларга киноя ва юмор хос эди ҳамда маст одамнинг ҳолатини ифодалашда

¹ أبو الفرج الأصفهاني، كتاب الأغاني، 3، بيروت، 1954، ص. 44

шоирнинг улкан махорати намоён бўлар эди. Ҳаёт лаззатларини тараннум этувчи ҳаётбахш мотивлар билан бир қаторда шоирнинг сўнги лирикасида ҳаётнинг боқий эмаслиги, инсон умрининг ўткинчилиги тўғрисидаги маҳзун мотивлар пайдо бўлади. Ал-Ахтал бу соҳада ҳам араб мумтоз шеърятининг Абул Атаҳия, ал-Мутанаббӣ ва ал-Маарий каби машҳур шоирларидан аввал фалсафий мулоҳазага эга лирикага асос солди.

Умавийлар даврининг яна бир машҳур шоири ал-Фараздақ (Хаммам ибн Ғолиб, 641-732) турли ҳукмдорларга хизмат қилиб, уларга мадҳлар ёзган бўлса ҳам, умрининг салмоқли қисмини Умавий халифалар саройида хизмат қилиб ўтказди. Унинг шеърлари анъанавий услубда ёзилган бўлиб, ушбу шеърларнинг янгилиги ал-Ахталдан фарқли ўлароқ, уларда қуръоний иборалар ва образлар кўп қўлланилган. Ал-Фараздақ қасиданинг насиб қисмини умуман тан олмаган ва имкон қадар уни қисқартирган. Шоир ўзининг мадҳларида мактаган шахсни биринчилардан бўлиб, унинг ўзига ҳослигини кўрсатишга ҳаракат қилган, бироқ унинг мадҳлари бир мунча сунъий, кўпол тақаллуф билан сўғорилган, бадавий мадҳга ҳос самимийлигини йўқотган эди.

Ал-Фараздақ жуда кўплаб шоирларга ҳужум қилиб, уларни ҳажвга олиб, устидан қулган, уларни камситиб, обрўйини тўқишдан асло қайтмаган. Жарирдан бошқа ҳеч ким унга бас кела олмас эди. Жарир унинг асосий адабий рақиби бўлиб, уларнинг ўртасидаги адоват узоқ йиллар давом этади, уларнинг иккиси томонидан ҳажвлар ёзилган, нақойдлар тўқилган. Ал-Фараздақ ҳажвлари кўпинча қалтис ва кўпол характерда бўлиб, ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш унинг учун ҳеч гап эмас эди.

Ал-Фараздақнинг қасидага киритган янгилиги бу – панд-насихат руҳида ҳажв яратиш эди. Ал-Фараздақ, нафақат биринчилардан бўлиб қуръоний образлардан фойдаланди, унинг маъноларидан иктибослар келтирди, балки уларнинг асосида янги ҳаёлий олам яратди. Масалан, қасидасида шайтонни ҳажв қилиб, у шоирни неча бор йўлдан уришга ҳаракат қилгани ва шоир ўз исломий эътиқодида қолгани тўғрисида ажойиб, ўзига ҳос асар яратди. Бу асар жанр жиҳатидан ҳам ҳажв, ҳам дидактик асардир. Асардаги бундай уйғунлашув шоир даврига қадар кам учровчи ҳолат эди.

Ал-Фараздақнинг қадимги шеърят анъаналарига берилиши унинг бадавий муҳитни, ҳайвонот ва наботот олами тавсиф

этишида яккол кўзга ташланади. Ўрта аср араб филологлари Ал-Фараздак шеърини аҳамиятини қадимги лексикага мурожаат қилиб, уни сақлаб келганида, деб биладилар.

Ал-Фараздакнинг ашаддий ракиби ал-Жарир эса Умавийлар даврининг энг истеъдодли шоири саналади. Жарир ўзининг мадҳларида макталаётган ҳукмдорнинг саҳийлиги, қаромат-ғўйлиги, жасурлиги каби анъанавий фазилатлари қаторига ижодкорлик, сув иншоотларини қуриш, боғлар барпо этиш каби янги жиҳатларни ҳам қўшади.

Ҳажв жанрида ёзилган шеърлар Жарир девонининг ярмини ташкил қилади. Жарир ҳам ал-Фараздак сингари ўз ракибларини аямас эди. У нақоид мусобақасида ракиби шеърининг вазни ва қофиясини тўла сақлаган ҳолда, шеър мавзусини шундайин ўзгартириб жавоб қайтарар эдики, ракибининг қочнишдан бошқа иложи қолмас эди.

Ал-Фараздак ва Жарир ўртасида тўқилган нақоидлар сони уч томи ташкил қилиб, улар Европада XX аср бошида нашр қилинган¹ ва ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. Қуйида уларнинг нақоидларидан баъзи намуналарни келтирамиз:

Ал-Фараздак: *Мен сенинг кетингдан югурган ўлимман,
Кўраман, сен ундан қандай қутуласан!*

Жарир: *Мен эса ўлимга бепарво бўлган тақдир-қисматман.
Тақдир-қисмат абадийдир.*

*Айтчи, у билан нима рақобатлаштириш мумкин?*²

Бу нақоидни ал-Фараздак ва Жарир ўртасида бўлган энг беозор нақоидлардан, деб ҳисобласа бўлади.

Жарир гўзал ишқий шеърлар ёзар эди, қуйида ушбу шеърлардан шоир ал-Ахтални ҳажв қилиб ёзган қасидасининг насиб қисмидан бир нечта байтлар келтирамиз:

يا ام عمرو جزاك الله صالحة ادى على فوادي كالذي كانا
لقد كنت الهوى حتى تهيمنى لا استطيع لهذا الحب كتماناً
لا بارك الله في الدنيا اذا انفتحت اسباب دنياك من اسباب دنياي³

Эй, Умм Амр, Аллоҳ сени солиҳалар қаторига қўйсин

¹ Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. М., "Наука", 1996. – Б. 180.

² Jarir and Farazdaq. The naqid of Jarir and Farazdaq. Traduit et annoté par A.Bevan. Leiden, 1905-1912.

³ على محمد حسن، الأندلس و تاريخه في العصورين الأموي و العباسي. القاهرة، جامعة الأزهرية، ص. 36

Менинг қалбимни қайтар, олдин қандай бўлса шундай қайтаргин

Севгимни яшириб келдим, аммо у мени ақлимни олди

Энди бу севгини асло яширолмайман.

Агар сенинг дунёиң, менинг дунёим билан ришталарин узса,

Бу дунёда Аллоҳнинг барокоти бўлмас.

Ўн тўрт аср олдин ёзилган бу муҳаббат изхори бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган.

Қалтис сўз тортишувларига ўрганган Жарир бевақт вафот этган рафикасига бағишлаб марсия ёзган ва унда ўз хис-туйғуларини таъсирчан ифодалаган:

لو لا الحياء لها جنى استعبار و لزرت قبرك و الحبيب يزار
ولهت قلبى إذ علتنى كبرة و ذؤو الكتائم من بنيك صغار
صلى الملائكة الذين تخيروا و الطيبون عليك و الأبرر

Уят бўлмаганида тўқар эдим ёни,

Маҳбубини зиёрат қилгандек, қабринг зиёрат қилганимда,

Қалбим эзилди етиб келганда кексалик

Атрофимни ўраганда тумор таққан ёш болаларинг

Фаришталар дуо қилсин танлаганларни

Яхшилар дуо қилсин сени ва олижаноб мўминларни

Севгили аёли, болалари онасини йўқотган инсоннинг туйғу аламлири шу байтлар оркали ҳам яққол сезилиб турибди.

Умавийлар даврида рисо жанри. Бу даврда рисоларни (марсияларни) шоирлар уларга яқин азиз бўлган одамлари вафоти муносабати билан ёзишар эди ва уларда самимий туйғу изхор этиларди. Шунинг билан бирга халифа ёки амирларга ёзилган марсиялар кўпинча мадхлардан фарқ қилмас эди, фақат вафот шахс ёнига “бўлган”, “ўтган” феъллар қўшилиб унга аза тутган одам ўша одамнинг фазилатларидан маҳрум бўлганига ишора қилади. Яқинларга ёзилган рисоларда хиссиётлар самимийлиги, хақикий йўқотиш изтиробининг изхори сезилса, умумий тус ояган ва саховатли шахсларга қаратилган рисоларда олатда ўтмишдан мисоллар келтириб, буюк шохлар номи эсга олиниб, Пайғамбаримиз ва Хулафои рошидийнларни хотирлаб, кўпинча ердаги ҳаёт фоний ўткинчи эканлигига ишора қилинар эди.

Умавий шоирлар ҳам халифалар, лашкарбоши, олимларга ёки шахид кетганларга рисолар ёзган ва бу жанр улар даврида мустақил жанр тусини олган.

Қадимги анъанага кўра, марсия бошка мақсад учун ёзилган жанр билан аралаштирилмас эди. Фақат марсиядан кейин панд-насихат ва ҳикматли сўзларга ўтилиб, масал келтириш мумкин эди. Мазкур рисода Жарир бу одатни бузади. Шоир севимли рафикаси хотирасига битган бу таъсирчан, самимий рисо (марсия) сидан касидада тўсатдан ал-Фараздак ва унинг қавмини ҳажв қилишга ўтиб, уларни узундан узок танқид қилади. уларнинг устидан кулади. Махсус рисо жанрида ёзилган касида байтлари энди, гўёки касиданинг махсус ҳижо жанрида ёзилган кириш қисмига айланди.

Умавийлар даврининг ушбу уч машҳур шоирлари ҳақида адабий доираларда, ўқимишли одамлар орасида турли латифалар тарқалган эди. Кўпгина латифларнинг қаҳрамони эса Жарир бўлган эди, чунки у ўзига бино қўйган, шуҳратпараст, камтаринликдан узок одам эди.

Таникли рус арабшунос олими И.М. Фильштинский ўзининг “Арабская литература в средние века” китобида ана шундай латифалардан бир нечтасини келтиради. Биз ушбу латифалардан иккитасини иқтибос сифатида келтирамиз: – бир куни халифа Абд ал-Малик Жарирдан шоирлардан Тарафа, Зухайр, Имрул Қайс, Зур-Румма, ал-Ахтал ва ал-Фараздак тўғрисида ўз фикрини айтишини сўради. Жарир бирин-кетин уларнинг ҳаммасини мақтади. Халифа шоирнинг жигига тегиб, уни жунбушга келтирмоқчи бўлиб дебди: “Сен уларни шунчалик мактадингки, ўзингга ҳеч нарса қолдирмадинг”. У жавоб берибди: “Ҳақиқатда, эй мўминлар амири, мен шеърятнинг улар чиқиб ва қайтиб келадиған шаҳариман. Насибда энг жонлиман, ҳажвда энг қаҳрлиман, умуман, мен ҳамма шеър кўринишларида ҳам аъломан, бошка шоирлар эса фақат қандайдир бирида яхшидир”¹.

- *Бир куни шуҳратпараст Жарир бир филолог олимдан сўрабди: “Ким яхши шоир, менми ёки ал-Фараздақми?”. “Сен авом, оддий халқ назарида ал-Фараздақдан устун турасан”, - жавоб берибди филолог, – “аммо олим одамлар назарида сенинг шеърларинг ал-Фараздақ шеърларидан қолтишади”. “Ғалаба!” -*

¹ Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века М., “Наука”, 1996, – Б. 181. И.Фильштинский Абул-Фараж ал-Исфогонийнинг “Китаб ал-ағаний” асарининг 7 томидан бу хикояларни иқтибос қилган. Байрут. 1956-1957, 109-110 ва 130 бетлар.

деб қичқирибди Жарир, – “чунки юзта одам орасида битта олимни ҳам топа олмайсан”.¹

Жарирнинг шеърлари эркинлиги ва самимийлиги билан ажралиб турса, ал-Фараздак шеърларига тантанаворлик ва ҳашаматлилик хос эди. Жанрлар борасида эса Жарир ҳажвда, ал-Фараздак фахрда, ал-Ахтал мадҳда ижод қилишни афзал кўрар эди. Шу билан бирга, бу шоирлар бир томондан ўз қабиаларининг Умавийлар саройидаги сиёсий намояндалари бўлсалар, бошқа томондан эса шу саройнинг шеърий жарчиси сифатида сулола сиёсатини тарғиб қилиб, шу хизмати учун мукофот олар эди.

Умавийлар даврида бу шоирларга қарши туриб, муайян сиёсий ва диний гуруҳларнинг мавқеини ифодалаган шоирлар ҳам бор эди. Улардан энг машҳурлари қурайший Убайдуллоҳ ибн Қайс ар-Руқаят, ат-Тириммоҳ ибн Ҳаким, шиалардан чиққан шоир ал-Кумайт ибн Зайд. Бу шоирларнинг шеърляти асосан мадҳ жанрида ёзилган, фақат бағишлов сифатида бошқа шахсларга йўналган. Бу шоирлар шеърларининг руҳияти ва тасвирий-ифодавий тизими ўша давр шеърлятига қўйиладиган талабларга тўла жавоб берар эди. чунки бу талаблардан чекиниш мадҳ санъатида яхши дид деб саналмас эди.

Мазкур шоирлардан ташқари бадавий шеърляти анъаналарига берилган Зур-Румма (696-735) ва ота-бола ал-Ажжожларнинг номини зикр этиш лозим. Бу шоирлар мадҳ ва ҳажв жанрида кам ижод қилганлар, бироқ бадавий муҳит, бадавий руҳиятни сақлаш ва уни васф этишда уларнинг тенги йўқ эди. Бу шоирларнинг асарлари мутолаа қилинганда Жоҳилия даври тўла намоён бўлади, замон ҳаракати умуман сезилмайди. Зур-Румма табиат манзарлари ва ҳайвонот олами васфи билан шухрат қозонган.

“Бадавий шоирлар” Зур-Румма ва ал-Ажжожлар номи билан яна қадимий шаклда ёзилган қасидалар – уржузаларга қайтиш ҳам боғлиқ. Уржуза ражаз вазнида ёзилиб, анъанавий қасидадан якка қофиядан воз кечиш ва байтнинг ўзида мисраларнинг қофияланиши билан фарқланиб туради. У араб шеърлятининг дастлабки вазни саналади. Ражаз вазнида ёзилган қасидалар (уржузалар) фақат Умавийлар даврида тўлиқ ривожланди. Яхлит қофиядан воз кечиш ва мисраларнинг ўзаро қофияланиши

¹ Ўша жой.

касиданинг ифодавий имкониятларини кенгайтирди, аммо унга тўла амал қилиш шоирларда ортикча кийинчилик туғдирди.

2.3. Умавийлар даврида ишқий лирика жанри

Ишқий лирика жанри Умавийлар сулоласи ҳукм сурган даврда, асосан, Арабистон ярим оролининг азалдан маданий маркази бўлган минтақаси – Ҳижозда VII аср охири ва VIII асрда раванк топди. Илк Исломнинг қалби бўлган бу диёр энди Ироқ ва Сурияда рўй бераётган шиддатли курашлардан узоқда бўлди, ҳамда бу ерда Умавийлар шеърлятида сиёсий тус олган сарой шеърляти ва унинг асосий жанри – маҳълар ўрнига ишқий лирика қанот ёзди. Албатта, юқорида қузатганимиздек, ишқий лирика жанри арабларга Жоҳилия давридан таниш эди, аммо у мустақил аҳамиятга эга бўлмай, аксарият ҳолларда насиб - лирик қириш қисмини ташкил қилар эди. Энди эса бу жанр тўла мустақил ва мустаҳкам макомга эга бўлди ва бир қанча янги хусусиятларни қасб этиб, ғазал номини олди.

Насибларда шоир асосан маҳбуба тавсифи ва учрашув саҳналарини васф этиб, севги изтиробларига қам ўрин қолдирса ғазалларда улардан фарқли ўлароқ севги изтиробларига, ишқий ситам-ғуссалар ифодасига асосий эътибор қаратилди ва улар қаҳрамоннинг ички кечинмаларида салмоқли ўрин тутди. Ҳижоз шоирлари қаҳрамонларида ишқ билан суғорилган руҳий-маънавий ички ҳаёт пайдо бўлиши, уларнинг шахсий онги ўсишидан далолат берар эди.

Ғазаллар нисбатан кичик жанр бўлиб, улардаги байтларнинг сони кўп бўлмайди.

Ғазал жанрида шеърлар ёзишда икки йўналиш намоён бўлди. Биринчиси, асосан, Ҳижоз шаҳарлари муҳитида пайдо бўлиб, шаҳар ишқий лирикаси номини олди. Мадина ва Макка шаҳарлари бу шеър марказларига айланди. Ҳижоз лирикаси ғазалларида ҳаёт лаззати, инсонга ҳос оддий севги реаллари, маҳбубани кутиш изтироблари ва учрашиш онлар қувончлари тараннум этилади. Тараннум деганда мажозий маънода эмас, тўғри тушунса ҳам бўлади, чунки уларнинг шеърлари рамал, ҳафиф, ҳазаж, мутақариб ва бошқа енгил вазнларда ёзилганлиги туфайли мусикага мос тушар эди ва ашула сифатида қуйланиб, шаҳар-

ларнинг бой хонадонлари зиёфатларида ижро этилар эди. Бу шеърлар муаллифлари анъанавий – тавил, комил каби дабдаба вазилардан воз кечиб, кўнгилчан ғазалхон шуурларни ифода этишга мос бўлган, майин оҳанграбо вазиларни танладилар. Ғазал шеърлари йўналиши “умарий” номини олди, чунки бу йўналишнинг энг ёрқин намоёнаси Умар ибн Абу Рабаи эди (644-712).

У ишқий лирикада ғазал жанрини чўққига олиб чиқди ва бу борада унга тенг шоир топилмади. У куйлаган аёллар одатда бой зодагон оилаларда ўсган бўлиб, ўзига бино қўйган гўзаллардан бўлар эди.

*Уйқудан кеч турганидан қарашлари хуморли унинг,
бодом қобоқ кўзлари билан ўхшайди у поэти жасиронга
Насронийлар санамни атрофида айлангандек
Одамлар қуршовида ўтмоқда у менинг ёнимдан
Маҳлиё қилади одамни бундай гўзаллик
Мен ҳам ажабландим уни кўрганимда!*

Араб шеъриятида азалдан ошиқлар ўртасидаги ишқий диалог катта ўрин эгалларди. Умар ибн Абу Рабаи ижодида бу усул асосий усулларга айланди:

Мен сўрадим: “Ким бу? У жавоб берди: Сиздан мафтун бўлиб, Аллоҳ севдирганлардан бири, яшайди у севги унинг қалбида. У шуки ким бир кун асир тушиб, ҳаёсини йўқотганлардан”.

Мен сўрадим: “Ростми бу гап? У жавоб берганда сўзларидан қалбимда хазин изтироб уйғонди. Менинг севгимга Аллоҳ ўзи шохид – Кўз ёшларим – азобимнинг далили”.

Дедим: “Бекам мени кийнадинг” Жавоб берди у: “Ё худо! Унда сан ҳам менга азоб бергин!”

Умар ибн Абу Рабаи ғазалларидан “ра” кофияси билан ёзилган “раъийа” асари айниқса тарқалиб шухрат қозонган. Умар ибн Абу Рабаи шерига хос хиссиётлар, маҳбубага хос муносабат, уни висолига етишга умид-ишонч, ўқинч ва ёзилган қалб ноласини шоирнинг куйидаги шеърида ҳам кўрамиз:

¹ Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века, М. «Наука», 1977. – Б. 198.

قصيدة "وقعت قلبي"¹

ذكرتك لفاك المليك لنا ذكر ²	****	ألا ليت حظي منك أتى كلما
بكم، قسم عدل لأمه ³ ما ولا هجرا	****	³ فعالجبت من وجد بنا مثل وجدنا
أيسرا ⁴ ألقى في طلائك أم عسرا ⁴	****	لعلك تبلىن الذي لك عندنا
وفيك لكل الناس مطالب عذرا	****	فقالته وصدته: أنت صب متيم
أخو شهوات تبذل المنق و النزرا	***	⁵ فلول لمن يهواك من تطارف الهوى
وقد بل ماء الشان من مقلتي نحر ⁶	****	فقلته لها قول امرئ متحلل
عليه، وردي، إذ ذهبت به قمر ⁷	****	⁷ سلبت هداك الله قلبي، فأنعمي
و غصت على قلبي، فأوثقته أسرا	****	وقطعت قلبي بالواعد و المنى
ولم أذرفها عبرة ⁸ لأخضل النحرا	***	فما ليلة تمضي على الناس تتجلى
من الحب سورات على كبدى فظرا	***	⁸ عليك، ولم أشرق بريق، ولم أجد
فجئت، فلا يسرا ⁸ أقيت ولا صبرا	***	ولكن قلبي سبق للحين نحوكم

Таржимаси:

Қани эди тақдирим сенга [боғланган] бўлмаса!
 Қачон сени қўйнимга олсам ал-Малик [Аллоҳ]
 Фақат эланини раво кўради.
 Менинг севгимга ўхшаган ишқдан сен шифо топдинг
 Энди адолат қилиб менга зулм айлама, ташлаб кетма.
 Балки тажриба қилиб синамоқдасан
 Васлингга етиш бўларми онсон ёки қийин.
 Аммо у деди инкор этиб: сен гўё ишқга кўмилган ошиқсан
 Аммо ҳамма одамдек узрға муҳтожсан.
 Сен севганни қийнайсан, ишқингда эмассан собит
 Шаҳвонилик дўстисан, алдашда тетик.
 Мен қайтардим унга сўз: Амр бер, абадий сенга [маҳбуб] бўлай
 Кўз ёшим оқмоқда дарё бўлиб
 Қалбимни олдинг, раҳм қил, Аллоҳ сенга тўғри йўл кўрсатсин
 Қайтар уни, агар олиб кетган бўлсанг голибон.

¹ مراد نعيمة: قانون الادب 'جامعة عيد شمس' كلية ليسانس القاهرة 1995 ص 23

² المليك: أي الله

³ مشطاً: جائراً مجاوزاً القدر المحدود

⁴ تبلىن: تجربين

⁵ مستطرف: مستحدث، مأخوذ طريفاً... أي غير ثابت الهوى

⁶ الشان: مجرى الدمع إلى العين

⁷ قمر: أي غلباً وسلباً

⁸ سورات: سطوات وإعتداءات

Қалбимни пора қилдинг ваъдаларинг билан умид уйғотиб
 Қалбимни бутун қопладинг, аср қилиб бозладинг уни.
 Доим қоронғу тун қопламайди одамларни, ёришади бир кун.
 Доим дарё бўлиб оқмас кўзлардан ёшлар
 Сенга бозлиқ: ёнаманми мен чақмоқ бўлиб
 Севгидан ёриладими жигарим қонга тўлиб
 Аммо қалбим шошилар сен томон вақтдан тезроқ учиб
 Мана келдим, оромим йўқ, на сабру-тоқат.

Ушбу шеър диалог шаклида ёзилган булиб, жавобсиз муҳаббат ҳақидадир.

Ҳазалнинг шаҳар ишкий лирикага хос йўсинида ижод қилганлардан яна бири ал-Қумейт-ибн Зейд Ал Асади (679-743) ўзининг “ба” (баъийа) қофияси билан ёзган асари билан кенг танилган. Ҳазални бошланишида у меҳмондўст хонодон аҳлини мақтайди:

طربت و ما شوقا الى البيض اطرب و لا لعبا منى، و نو الشيب يلعب؟
 ولكن الى اهل المكارم و النهى و خير بنى حواء و الخير يطلب¹

Шодман аммо шодлигим оқ юзли гўзалларга бўлган шавқдан эмас

Ва у ҳазилим эмас, қандай ҳазил қилсин сочи оқарган?

Аммо бу шодлик каромат ва зеҳн аҳлидан бўлганлардан шодлик

Момо ҳаво ўғлонлари яхшилигидан туғилар яхшиликка талаб.

Ҳазалнинг иккинчи йўналиши умавийлар даврида бадавий шоирлар томонидан ривожлантирилди. Бу шоирларнинг аксарияти Узра қабиласидан чиққан бўлганлиги сабаб, бу лирикани “узрий лирикаси” ёки “бадавий лирика” деб аташади. Бу лирика ниҳоят пок, шаффоф, самовий севгини тараннум этувчи аниқ маъшукага қаратилган. Унинг намояндаларидан Жамил ибн Маамар ва севгилиси Бусайна, Мажнун (Қайс) Ал-Амири ва севгилиси Лайло, Қайс ибн Зарих ва севгилиси Лубна, Урва ибн Хизам ва севгилиси Афра, аёл шоира Лайло ал-Ахйалийя ва севгилиси шоир Тавба ибн Хумаира каби жуфтликлар кенг

¹ Ал-Умарий Муҳаммад Ҳасан. “Умавийлар ва Аббосийлар даврида адабиёт. Қоҳира, 1993. – Б. 35.

танилган. Бу шоирларнинг асарларида биз самимийлик, шуурлар изхорида ҳиссиётлар портлаши, маъшука васфида ғоят даражада ҳис-туйғулар нафислигини кўрамиз. Жамил ибн Маамар (701 вафот этган) ўзининг қариндоши Бусайнани умрининг охиригача севганлиги учун “Бусайнанинг Жамили” лақабини олган, қизни унга беришмагандан кейин, ватанини тарк этиб, мусофирликда вафот этади.

Ғазалларидан намуна келтирамиз, унда шоир “дедим” – “деди” диалогини ишлатади:

خايلی ما اخفی من الوجد ظاهراً و دمعی بما اخفی الفداء شهيداً
اذا قلت: ما بى يا بؤينه قاتل من الوجد، قالت: ثابت و يزيد
و ان قلت ردى بعض عقلی اعش به اجابت و قالت: ذاك منك بعيد

*Дўстларим, қанчалик сир сақласам севгим шиддатин,
шунчалик намоеъ бўлар.*

*Ва кўз ёшларим тонгдан сир сақлаб келган севгига қурбон
Агар десам, не бўлди эй Бусайна, ўлдирмоқчисан
Севги шиддатидан, деди: “севгинг шундай қолади ва
янада кучаяди”.*

*Агар десам: “қайтар бир оз ақлимдан яшайман у билан”
Жавоб берди: “энди у сендан широк”¹.*

Бадавий лирика тили лўнда, бадий безаклари кам, аммо оҳангдор, образлар уйғунлашиб эркин, жонли тус олади.

Мана дунёга дoston бўлган, кўп адиблар авлодлари асарларининг каҳрамони Мажнун (Қайс) Ал-Амирий шеърдан кичкина қитъа. У Лайлога бўлган муҳаббатини ўзига хос услубда изҳор қилади:

امر على الديار ديار ليلي اقبل ذا الجدار و ذا الجدار
و ما حب الديار شغف قلبي و لكن حب من يعيش الديار
Ўтмоқдаман уй ёнидан, Лайло уйи ёнидан

*Бирин кетин ўтмоқдаман унинг деворларин
Мени кўнглимни олган асло уйга бўлган ҳавас эмас*

Аммо шу уйда яшовчига бўлган оташин севги.

Ўзрий шоирлар зоҳирий равишда араб шеърятининг бадий тилини бойитишди, унга турли образлар ва мавзулар олиб киришди. Бу мавзуларни ўзига хослиги ўзрий шоирлар лирикасига турлича талқин қилиш имконини юзага келтирди. Маса-

¹ Ўша китоб, 32 бет.

лан, у намунавий маъшуканинг тараннум этишда уни иллох-лаштиришда унга етишиш амри маҳол эканлигини билган шоир шуурларини уни севишидан ёки севмаслигига боғламасдан, ўзини ҳис гуйғулари билан яшашга розилиги, у доимий равишда рухий-ҳиссий изтиробда бўлиши – булар ҳаммаси диний тус олиб, сўнг X-XI асрларда тасаввуф шоирлари учун таъбир-ифодага асос яратди, десак бўлади. Масалан, машхур сўфий шоир Ибн ал-Фарид (1235й вафот этган) узрий шоирлар асарларидаги образлар тизимидан кенг фойдаланди ва уларга бошқача диний талқин берди.

2.4. Умавийлар даврида насрий жанрлар

Бу давр насрида айниқса “хитаба” (нутк) жанри қанот ёзди ва араб адабиёти тарихида ўзининг ривожланиш босқичидан ўта бошлади. Айни шу даврда олимлар, адиблар, халифалар, амирлар, лашкарбошилар сафларидан чиққан машхур нотиклар танилди. Нотикнинг нутки ўзининг жозибаси, ширинсуханлиги, фасоҳати, таъсирчанлиги, зукколиги ва бошқа фазилатлар билан ажралиб турар эди.

Савол туғилади: бошқа даврлардан фаркли ўларок нега айнан Умавийлар даврида хитаба шунчалик ривожланди? Юқорида келтириб ўтганимиздек, бу давр сиёсий курашларга бой давр бўлиб, у турли тусда ўтарди. Ҳукм учун сиёсий курашда ҳокимнинг тарафдорлари оташин нутқлари билан уни ҳимоя қилар, душманлари эса қарши чиқиб, нутқларида аёвсиз танқидга олишар эди. Нотиклар Аллох йўлида жангларга даъват этганда бу йўлда қурбон бўлганларни жўшқин сўзлар билан хотирлаб, мусулмонларни янги ғалабаларга тарғиб этишар эди. Масжидларда ваъзхонлик кучайди, бошлиқлар нотиклар орқали ниятларини аҳолига етказишар ёки огоҳлантириб кўрkitишар, ваъдалар бериб янги юришларга чорлар эдилар.

Умавийлар сулоласига асосан, учта кучли партия (ҳизб)лар қарши курашарди. Улардан энг кучлиси – шиа мазҳаби тарафдорлари, иккинчиси – ал-хавариж – исломдаги илк диний-сиёсий гуруҳ тарафдорлари (улар халифатга ҳукм учун бўлган курашда биринчи бўлиб VII асрда бошқалардан ажралиб чиқишган) ва учинчиси, салаботли қурайшийлар қабиласидан келиб чиққан аз-Зубайр ибн ал-Аввом оиласининг тарафдорлари. Ҳар бир тоифа-

нинг ўз моҳир нотиқлари бўлиб, улар хитаба жанридан кенг ва муттасил фойдаланар эдилар. Сўз уларнинг нуткида муҳим курулға айланди. Уларга қарши турган Умавийлар бир томондан ўз тахтининг мавқеини ва ҳукмини ҳимоя қилишса, иккинчи томондан ҳарбий фатҳларда кўп мамлакатларни забт этдилар. Уларнинг даврида араблар ҳозирги араб мағриби ҳисобланган минтақани (шимолий Африкада), Испаниянинг жануби – Андалусия, Хуросон ва бошқа ерларни эгалладилар.

Бу асрнинг энг машҳур нотиқлари – Муовия ибн Абу Суфён, унинг укаси Атаба, Абд ал-Малик ибн Мирвон, ал-Ҳажжож ибн Юсуф, Зияда ибн Абиха, ал-Ҳасан ал-Басрий ва бошқалар.

Умавия томондаги нотиқлар бу сулола мусулмонларни бирлаштирганлиги, уларнинг халифаликка ҳақли эканлиги, унга қонуний йўл билан эришганини пеш қилиб, душманларга жавоб қайтарар эди.

Халифалик бойиши, янги ерлар забт этилиши ва мулкдорлар кўпайиши билан хитабада янги кайфият ҳам пайдо бўлди. У диний тус олиб, тарки дунё, ёлгон, ўткинчи нарсаларга берилишдан қайтиш, сохта бойликлардан кечиб, ибодат ва зухдиётга берилиш даъватлари кучайди.

Муовия бин Абу Суфйон (605-680) биринчи Умавий халифанинг (661-680) ал-Мадина ал-Мунаввара шаҳрини забт этиб, жамоаси олдида сўзлаган нутқдан парча келтирамыз. Аллоҳга ҳамд-у саломлар айтгандан сўнг у шундай дейди:

اما بعد فاني – و الله – ما و ليتها بحبة علمتها منكم، و لا مسرة بولايتي، و لكن جالذكم بسيفي هذا مجالدة. و لقد رضت لكم نفس على عمل ابي الى قحافة، و اردتها على عمل عمر فتغرت من ذلك نغارا شديدا؛ و اردتها على سنيات عثمان فابت على فسلك حسنة، و مشاركة جميلة. فان لم تجدوني خيركم فاني خير لكم و لاية، و اياكم و الفتنة فانها تفسد المعينة، و تكرر النعمة.¹

Аммо баад. Мен, Аллоҳ ҳаққи, бу шаҳар голиблигига сизлардан кўрган илтифот туфайли ёки мени менинг ҳукмдорлигимга ҳушнуд бўлганларинг орқали етишмадим, балки мана бу қиличим билан етишдим. Кўнглим сизларга нисбатан Ибн Қахафа (Абу Бакр ас-Сиддиқ) йўлидан боришга ундади. Аммо, қачонки кўнглимни Умар ишларига йўналтирганимда мутлақо қабул қилмади. Усмон сунналарига уни йўналтирган бўлганимда

الادب و تاريخه في العصرين الاموي و العباسي، ص: ٤٤.¹

ҳам менга бўйсунмади. Унда ўз йўлим билан бордим, бунда сизларга манфаат бор – яхши ейиш, яхши ичиш. Агар мени ўз яхшиларингиздан деб тан олмасангиз ҳам, мен сизларга ҳукмдорлик қилишда яхшилик қиламан. Лекин фитна чиқаришдан эҳтиёт бўлинглар, у ҳаётга фасод келтиради, неъматни бузади.

Бу кичкина китъадан давр руҳи, тарихий ҳодисалар, муносабатлар, нотикнинг табиати тўғрисида тасаввур оламин. Ҳақиқатда, Муовия бадавий шайхларни ҳимоясига олган, душманларига нисбатан кескин шафқатсизлик қилмаган шахс сифатида хотираларда сақланиб қолган. У шоирлар ва биринчи араб олимларига ҳомийлик қилар, Аббосийлар даврида унинг номини ёмонликка чиқариб, тарих саҳифаларидан ўчиришга ҳаракат қилинди, аммо унинг шахсияти вақт хотирасида ўз аҳамиятини йўқотмади.

Хитабалар бадийятига келсак, нотиклар нутқларини махсус тайёрлар эдилар. Диний хитабалар сиёсий хитабалардан бирмунча фарқ қилар эди. Диний хитабалар кўпроқ оммага қаратилиб, унда соддалаштириш ва таъсирчанликка майл бўлса, иккинчи хилдаги нутқларда куч ва вазминликка етишишга ҳаракат бор эди. Баъзи хитабаларда сажъ қўлланилар эди. Шунингдек, хитабада Куръони Карим оятларига кўп мурожаат қилиниш катъий одатга кирди. Нотиклар нутқнинг таъсирини кучайтириш учун унга шеър, масаллар, ҳикматли сўзлар кирғизишар ҳам эди. Диний хитабалар узун бўлиб, нотик тўхтамасдан узоқ сўзлаши мумкин эди. Энг қисқа хитабалар тўғрисида маълумотлар қолган, улардан бири Муавиянинг ўғли Язид ворис сифатида эълон қилиниши билан боғлиқ:

لما اجتمع الناس، و قامت الخطباء لبيعة يزيد بن معاوية و اظهر قوم الكراهة قام رجل فاخترط من سيفه شبرا ثم قال: امير المؤمنين هذا – و اشار الى معاوية – فان مات فهذا – و اشار بيده الى يزيد – فمن ابى فهذا – و اشار الى سيفه و قال له معاوية: انت سيد الخطباء¹

...Одамлар йиғилганда нотиклар Язид ибн Муавияга онт ичишга тарғиб қилдилар, аммо қавм ноҳушлик билан адоват изҳор қилди. Шунда бир киши ўрнидан туриб қиличини қинидан бир қарич суғурди, сўнг деди: “Амиру-л-Муъминин – мана бу” ва Муавияга ишора қилди, – “агар вафот этса, ана у” – ва қўли билан Язидга ишора қилди. “Ким бунинкор қилса, мана бу” – ва

¹ الأدب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباسى، ص. ٤٦.

қиличига тиора қилди. Муавия унга деди – “Сен нотиклар сайийдингсан!”

Албатта, бу ривоятдаги ҳодиса одатга кўра истисно, чунки ўзида таҳдид ва турли ваъдаларни камраб олиб, сиёсий нутқлар одатда чўзилган бўлар эди, чунки уларда энг долзарб масалалар – давлат сиёсати ўз ифодасини топар эди. Шунинг учун нотиклар ўз нуткида мақсад-ғояни бирлигига, фикрнинг изчиллигига, уйғунлигига ва таркибига алоҳида эътибор бердилар. Умавийлар даврида хитаба жанрида турли маданиятларнинг аломатлари ҳам пайдо бўлди, бу арабларнинг янги жойларни забт қилиши билан ва турли халқлар маданияти тўқнашуви таъсири билан боғлиқ.

Умавийлар даврида ёзма адабиёт. Илк ислом даврида ёзма адабиёт вужудга келиб, тадрижий равишда давлат ишлари кенгайиши билан шаклланиб борди, лекин унинг чегаралари анча тор эди. Умавийлар даврида турли сиёсий партиялар, мазҳаблар ва оқимлар кўпайиши, халифаликнинг кенгайиши билан турли жойларда девонхоналар барпо бўлди ва ёзишмалар (расаил) жанри ривожланди. Бир томондан, халифалар девонхоналар орқали турли вилоятларга, ҳокимларга, лашкарбошиларга, тарафдорларига, ҳатто душманлари ва рақибларига мактублар уюштирар эди. Турли минтақалардан халифалик марказига жавоблар келиб, жойдаги вазият ва аҳволлар билан таништириш, дўсту душманларни танитиш ва бошқа давлат ишлари муҳокама қилинарди. Иккинчи томондан, олимлар ва зоҳидлар бир-бирига рисоалар ёзиб, унда дидактик масалаларни кўтариб, одамларга тўғри йўл кўрсатиш мақсадида турли насихатлар беришар эди.

Айни Умавийлар даврида девонхоналарда котиблар қатлами етишиб чиқди. Улар ўрта табақаларга мансуб бўлиб, кўпинча бир нечта тил, жумладан, араб тили фасоҳатини, юнон, форс тилларини билишар эди. Келиб чиқиши нафақат араб, балки бошқа халқларга мансуб бўлиши мумкин эди. Котиблардан ўз даври учун юқори маданият эгаси, турли илмлардан хабардор бўлиши, фикр ва ҳадисларни яхши билиши талаб қилинар эди. Котиблар фаолияти натижасида ёзишмалар санъатга айланиб, “расаил” жанрини ташкил қилди ва турли кўринишда намоён бўлди: расанл расмия, расанл ихвания ва бошқалар. Бу шакл Умавийлар даври бадий адабиётининг бир кўриниши сифатида ҳам

ишлатилди, яъни, йўналиши номаълум ёки тўқига бўлиб, мактуб тарзида муаллифни бир мавзу атрофида музокаралар олиб боришга имконият яратди. Бу жанр хатто XX асргача етиб келиб, замонавий муаллифлар томонидан фойдаланиб келинмоқда. Масалан, ҳозирги замон машхур араб ёзувчиси Жамол ал-Ғитоний Ўзбекистонга бағишланган “Рисалатун фи-л-важди ва-с-сабаба” (“Юксак мухаббат ва ишқ рисоласи”) номли романини хаёлий дўстига ёзган мактублар сифатида шакллантирди.

Ар-расаил ал-ихвания биродарлик номаларда бадиниятга қўп ўрин ажратиларди, аммо расмий ёзишмаларга ҳам талаб катта бўлиб, уларда муайян қоида ва усулларга амал қилиш тақазо этиларди. Котиб (ҳозирги ибора билан девонхона секретари) мактублар тузишда ўзининг кенг маданиятини ва маҳоратини намоиши қилиши лозим эди. Котиблар ичида катта лавозимларга эришган мавлоно Ҳишом ибн Абу ал-Малик танлиб, у араб тили фасоҳатини ва юнон тилларини яхши билар эди. Унинг шогирди Абд ал-Ҳамид асл келиб чиқиши форс бўлиб, мусулмон илмларидан, адаб, фикрдан дарс берар ва катта котиб даражасига етишган эди. Абд ал-Ҳамид ёш котибларга ёзган насихатлари сақланиб қолган:

فتتافسوا معشر الكتاب في صنوق العلم و الادب، و تفقهوا في الدين، و ابدعوا بعلم
كتاب الله ... عز و جل - و انقراض، ثم العربية فانها ثقاف السنتكم، و اجيدرا الخط فانه
حلية كتبكم، و ارزوا الاشعار، و اعرفوا غريبها و معانيها، ايام العرب و العجم، و احاديثها
و سيرها، فان ذلك معين لكم على ما تسمون اليه بهمتكم.

Илмлар ва адабиётнинг турларини ўзлаштиришда котиблар жамоаси билан мусобақалашинглар, оиний фикрни яхши билинглари. Буюк ва қодир Аллоҳ Китоби илмлари ва (исломий) вожиб фарзлардан бошланглар. Сўнг араб тилини (фасоҳани) яхши ўрганинглар, у тилингиз маданиятидир. Чиройли хат ёзинглар, у мактублар зийнати, шеърлар қўшинглар, унинг маъноларини ва ўзига хослигини яхши анланглар. Шунингдек, араб ва ажам тарихини, ўтган ҳаёт ҳодисаларини ва таржмани ҳолларни яхши билинглари.

Шундай қилиб, илк Ислом даврида шаклланган “расаил” жанри бадиниятдан анча узок бўлган бўлиб, номалар эса қисқа ва лўнда, баъзан эса жўн тилда битилган эди. Умавийлар даврида сўз санъати бу жанрда тўла намоён бўлиб, котиблар фикрни

ифодалашда хатлари учун чиройли иборалар, ёркин образлар, турли бадий воситалар, сермазмун мисоллар излар эдилар. Мактублар эса ҳажм жиҳатидан анча кенгайган бўлиб, маълум анъаналарга амал қилиш бир неча қоидалардан иборат эди: дастлаб, Аллоҳга ҳамду санолар, турли дуолар, сўнг Пайғамбаримизга (с.а.в) саловоту саломлар, охирида асосий мақсадни ёзиш энг зарур шартлардан эди. Мактубларда Қуръони карим оятларидан иқтибослар келтириш маъқул саналиб, бу ҳолат рағбатлантирилар эди. Шунингдек, фикрни шеърлар билан теранроқ ифодалаш ҳам яхши фазилатлардан саналар эди. Саж санъатига мурожаат қилинса ҳам, аксарият ҳолларда ундан воз кечилган. Мавхум, жумбокли ибораларни қўлламасликка эътибор қаратилиб, фикрни мантиқан теран ва чуқур ифодаланишига алоҳида аҳамият берилган. Баъзида таниқли шоирларга тегишли машхур шеърларнинг маънолари насрий тарзда ифода этилиб, улардан теран фикрнинг жозибали жиҳатлари истеъфода этилган.

Девонхоналарда олиб борилган ўзаро ёзишмалар “тарассул” (“ёзишма”) номи билан танилди. Котиблар, одатда, ўзлари битган хатларга имзо ёки муҳрнинг қўйилиши учун уларни ёзишга буюрган ҳукмдор шахсларга – халифа, амир, ҳоким, лашкарбоши ва бошқаларга ёзилган мактубларни тақдим қилар эдилар. Ҳокимлар ўзларининг имзолари ёнига улар ўз шахсий фикр-мулоҳазалари, ҳикматли сўзлар, афоризмларни қўшиб, мавзуга яна бир бора ўз муносабатларини билдирар эдилар. Сўз санъатига ишқибоз ҳукмдорлар, хаттоки, бир-икки байтли шеърни ўз имзоларининг ёнига қўшиб ёзар эдилар. Бу ҳолат, хаттоки, расмий ҳужжатларда ҳам кузатилад эди. Шу йўсинда “тавқиат” жанри шаклланди ва у турли хил мавзудаги номаларда, айниқса, севги ва садоқат, миннатдорчилик, табриқлар ва изҳорлар мавзуларидаги номаларда ўз аксини топди, буларнинг бари араб насри учун янгилик эди.

Умавийлар сулоласи даврида яна бир насрий жанр шаклланиб, у турли масалаларга бағишланган тадқиқотсимон изланишлар бўлиб, “рисола” номини олди. Айнан шу жанрдан кейин илмий рисоалар ривожланди ва улар турли кўринишларда намоён бўлди. Ушбу давр ёзма адабиётида илк тарихий рисоаларнинг вужудга келиши кузатилди.

VIII асрга келиб араб халифалигининг адабий ва илмий маркази сифатида Ироқнинг Басра ва Куфа шаҳарлари танилди. Бунинг сабаби Умавийлар пойтахти бўлган Дамашқда сиёсий курашнинг тўхтамаганлиги ва олдинги маданий марказ бўлган Ҳижоз шаҳрида қадимги араб маданияти қоллипдан чикиб, маданий ҳаракат сустлашиши билан изоҳланар эди. Ироқда бир қанча маданиятлар (араб, форс) уйғунлашиб, ёзма адабиёт анъаналари ривожланди. Бу ерда биринчи машҳур илмий мактаблар вужудга келди, ilk илмий рисолалар ёзилди, биринчи филолог олимлар ва мутафаккир адиблар фаолият юритдилар. Халифалик Аббосийлар сулоласига ўтганидан сўнг, бу шаҳарлар қаторига Бағдод ҳам қўшилади ва у қисқа фурсат ичида бутун мусулмон дунёсининг сиёсий, диний, маданий марказига айланади.

III БОЪ. АББОСИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИДА ЖАНРЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИ ТИПОЛОГИЯСИ

3.1. Ўрта аср араб адабиётида янгиланиш ва “анъанага кайтиш давлари”

VIII аср ўрталарида халифаликни бошқариш Аббосий ҳукмдорлар ихтиёрига ўтди ва бу даврдан бошлаб давлатда катта сиёсий-ижтимоий ва маданий ўзгаришлар рўй берди. VIII асрнинг иккинчи ярмидан то XII асргача бўлган давр араб адабиётининг “олтин даври” саналади ва бу даврдаги адабиёт ривожланган араб мумтоз адабиёти сифатида танилди. Бу даврдаги араб маданияти забот этилган турли халқларнинг тамаддуни таъсири остида бўлиб, айниқса, форс маданияти ва қадимги юнон фалсафасининг таъсири араб маънавий-маданий мухитининг турли жабҳаларида сезиларли намоён бўлди. Шеърийат ҳам турли жараёнлардан ўтиб, унда янгиланиш, анъанага қайтиш, анъаналарнинг синтези ва уйғунлашуви ҳамда ўзига хос индивидуал ижоднинг пайдо бўлиши кузатилади.

Насрга келсак, хитаба (الخطابة) жанрининг янада ривож топиши унда турли кўринишларнинг кўпайишида намоён бўлди. Адабий ёзишмалар, айниқса, раванк топди, янги жанрлар пайдо бўлиб, улар турли мавзуларни камраб олди. маъно ва услуб жиҳатдан турфа хил кўринишларга эга бўлди. Бу даврда ривож топган илмий адабиёт алоҳида эътиборга сазовордир, негаки унда яратилган рисоалар узок муддат ўз аҳамиятини йўқотмади.

Адабиётда кузатилган янгиланиш ҳаракати VIII аср ўрталаридан бошланиб то IX асрнинг биринчи чорагини камраб олди. Шеърийатда янгиланиш илдизлари асли эронлик, лекин араб-лашган шоирлар Башшар ибн Бурд ва Абу Нувасга бориб тақалади, улар ушбу янгиланиш ҳаракатини бошлаб бердилар. Наср ривожига асли форслардан бўлган Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа катта ҳисса қўшди. Ушбу адиблар ислом динини қабул қилиб, лекин ўзларини араб бўлмаганлиги учун камситилган деб ҳисоблаган мусулмон халқлари орасида араблар билан тенглашишга қаратилган “шуубийя” номини олган ҳаракатнинг тарафдорлари эди. Улар ижодида арабларга қарши норозилик кайфияти яққол сезилади. Мазкур шоирлар халифа саройида нуфузли ўрин

эгаллаб, янги шеърӣй диднинг пайдо бўлишида катта аҳамият касб этадилар. Умавий халифалар саройида ҳам шеърӣятда форс унсурининг мавжудлиги сезилиб турар эди, лекин унинг мавкейи асл араб маданияти олдида анча паст бўлиб, кам учрар эди. Аббосийлар даврида эса бунинг аксини кўрамиз. Пойтахтнинг Бағдодга кўчиши ва бу шаҳарнинг Басра ва Куфа сингари йирик мусулмон маданияти марказига айланиши, умуман, катта шаҳарлардаги жўшқин ҳаёт шеърӣятга ўз таъсирини кўрсатди. Яшашдан маъно айш-ишрат, роҳат-фароғат деб биладиган дунёқараш, ҳаёт лаззатини, зиёфатлар, овларни тараннум этиш шеърӣятда асосий мотивларга айланди (Башшар ибн Бурд, Абу Нувас ва бошқалар). Бундай шеърларга бошқача дунёқараш зид бўлиб, у дунёнинг ўткинчилигини, бесамарлигини кўрсатиб, таркидунё, зуҳдиётни тараннум этувчи шеърлардаги мотивлар ҳам етарли ўрин эгаллади.

Абу Нувос ва Башшар ибн Бурд шеърларида форсий унсурлар кўп учраб, улар форсий сўзлар, иборалар, атамалар, номларда, ҳуллас, умумий кайфиятда намоён бўлди. Айниқса, бадавӣй араблар маданиятини қабул қилмаслик, ушбу маданиятнинг кўн томонларини кулгига олиб, унинг устидан мазах қилиш ҳолатлари кузатилади.

Янгиланиш даврида янги жанрлардан “ҳамриёт”, “тардиёт”, “зуҳдиёт” ривож топди. Ҳамриёт жанри зиёфатларни тараннум этувчи, нафис идишларга қўйилган майни таърифлашда бадий маҳоратни кўрсатувчи, ҳаётбахш оҳангда ёзилган шеърларни ўз ичига олар эди. Шеърӣятда бу жанрнинг ўз юкори поғонасига кўтарилиб, тараққий топишига сабабчи бўлган шоир Абу Нувос алоҳида ўрин эгаллайди, чунки шароб ҳамда зиёфат ва базмларни қуйлашда ҳеч бир шоир унга тенг келмас эди.

Тардиёт жанрида ёзилган шеърларда ов сахналари, овчиларнинг жасурлиги, отларнинг чопкирлиги, овланган ҳайвонларнинг тавсифи ва ов билан боғлиқ бошқа манзаралар кузатилади. Бу жанрда янгиланиш даврининг барча шоирлари ижод қилганлар.

Зуҳдиёт жанрида панд ва насихат, таркидунё қилиш, мол-дунёга хирс қўймаслик, нафсни тийиш, надоматга берилиш, фоний, ўткинчи дунёдан чекиниш кайфиятлари устун келади. Бу жанрда ёзилган шеърларнинг ёркин намуналарини Абу-л-Атахия ижодида кўрамиз.

Қадимги жанрлардан мадҳ, васф, ғазал, ҳижо каби жанрлар янгилиниш даврига қадар етиб келди, бироқ уларда ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Аввал мадҳ янги поғонага чикди ва чинакам маддоҳлик касби самарасига айланди. Айниқса, сарой шоирлари ўз фаолиятларида мадҳлар ёзиш орқали тирикчилик қилувчи шахсларга айландилар. Энг олдин халифа ва унинг яқинларига, сўнг вазирлар ҳамда бой ва машҳур ҳомийларга ёзилган мадҳлар жамоа орасида, мажлисларда ўқилар эди, макталган кишининг фазилатлари кўкларга кўтарилиб, эвазига яхши мукофот кутилар эди. Абу Нувос ҳақида бир ривоят қолган. Айтишларича, у халифа Хорун ар-Рашид ва унинг қорачадан келган севимли хотини ғўзал Зайнабга атаб шеър ёзибди. Лекин бир неча кун ўтса ҳамки, халифадан ҳеч қандай мукофот келмабди. Шунда феъли тез шоир халифа саройининг дарвозасига куйидаги байтни ёзиб кетибди:

*Йўқолиб кетди менинг шеърларим,
Зайнаб бўйида йўқолгандек дуру маржонлар.*

Ушбу байтда шоирнинг Зайнабнинг қора эканлигига ишора қилганлиги аниқ. Абу Нувос уйига келса, унга халифа ҳамёнда олтин тангалар юборибди. Аросатда қолган шоир сарой дарвозаси олдига чопиб келиб, байтдаги биттагина харфни ўзгартирибди ва шеър байти ўзгача мазмун касб этибди:

*Ярқираб кетди менинг шеърларим,
Зайнаб бўйида дуру маржонлар ярқирагандек.*

Яъни шоир ضاع (да'а) – “йўқолди” феълидаги “а'йн” харфининг пастки унсурини ўчириб, ҳамзага айлантирди ва сўз ضاء (даъа) – “ярқирадига” айланди. Абу Нувос тўғрисида бундай ривоятлар кўп учрайди.

Ғазал жанрида, шаҳар ишқий лирикасида маҳбубанинг ғўзаллиги тавсиф этилиб, унинг ҳатти-ҳаракатлари, ширин-сўзлиги ва бошқа фазилатлари тараннум этилди. Муносабатларнинг тасвирида, ҳаттоки, пардасиз тавсифлар ҳам учрар эди.

Аммо бадавий ишқий лирика (Узро шоирлари лирикаси) образларидан аини Аббосийлар даврида тасаввуф шеърляти фойдаланди. Бадавий лирикада маъшуқа образи идеаллаштирилиб, самовий покиза ва мусаффо юксак бир тимсолга айланди.

Абу-л-Атахия, айникса, мол-дунё йиғишга муккадан кетганларга ёки нафсини шахвоний ишларга хирс кўйишдан қайтармаганларга нафрат билан қарайди ва бу дунёнинг энг катта иллатларидан деб ҳисоблайди. У тавил баҳрида (вазнида) ёзилган касидаларидан бирида шундай дейди:

نصبت لنا دون التفكير يا دنيا أمانى يفتنى العمر من قبل ان نفنى¹

*Насиб этинг бизга ўйламасдан, эй фоний дунё,
Ўлимимиздан олдин умрни завола этгувчи нарсаларни.*

Халифа Ҳорун ар-Рашид олдин маишат ва ишқни тараннум этган шоирни зухдиётдан қайтармоқчи бўлди. Истеъдодли шоирни саройига чақириб яна ўзига бағишланган мадҳлар ёзувчи сарой шоирига айлантирмоқчи эди, аммо Абу-л-Атахия кўнмади. Қайсарлиги учун зарба бериб, уйига қамаб қўйишди. Шоир умрининг охиригача танлаган йўлига содиқ қолди. Унинг дунёкараши фано ва боқийликка бағишланган.

Абу-л-Атахия шеърларининг кайфияти тўғрисида бизга боқийлик ва фонийликка бағишланган шеъри далолат беради:

لعمرك ما الدنيا بدار بقاء كفأك بدار الموت دار فناء
فلا نعشق الدنيا احي فاتها يرى عاشق الدنيا بجهد بلا
حلاوتها مروجة بمرارة و رحتها ممزوجة بعناء
فلا تسمى يوما في ثياب مخيلة فانك من طين خلقت و ماء²

*Умринг билан қасам ичаман, бу дунё боқийлик уйи эмас
Ўлим уйи тугатади сен учун ўтқинчи фоний дунёни,
Асло ошиқ бўлма бу жонли яшани дунёсига
Чунки дучор бўлар ошиқ унда жаҳду балога
Ҳаловати уни аралашган аччиқ онлар билан
Роҳати эса аралашган оғир мушибатларга
Бир кун ҳам юрма ҳаёлпарастлик либосида
Чунки яралгансан сен сув билан лойдан.*

Абу-л-Атахия узоқ умр кўрди. У 80 ёшдан ошгандан кейин ўлимини яқинлашганини сезиб, охириги шеърларини ёзди. Унда у Аллоҳга мурожаат этиб, ундан мағфират сўрайди ва гуноҳлари учун қалбан надоматлар чекади:

¹ من اشعار ابو العتاهية، زوال الدنيا اخبار الاديب، العدد ٢٨ أغسطس ١٩٩٤ ص ١٦.

² من شعر ابو العتاهية، اخبار الاديب، ١٩٩٤، ١٢٨ أغسطس، ص ١٦.

الهي لا تعتبني فاني مقر بالذي قد كان مني
 فما لي حيلة الا رجائي لعفوك ان عفوت و حسن ظني
 و كم من زلة لي في الخطايا و انت على ذوقك و من
 اذا فكرت في ندمي عليها عضضت انا ملي و قد عنت سني
 و لو اتى صدقت الزهد عنها قلنت لا ملها تظهر المبتد
 يظن الناس بي حيرا و اني نثر الحلق ان لم تعف عني¹

*Илоҳим, мени азобларга қўйма
 Танлаган йўлимга қануз иқрорман.
 Сендан авф сўрашдан, агар авф этсанг,
 Яхши ном қолдиришидан ўзга ҳийлам йўқ.
 Неча бор хатолар қилдим қилмишларимда,
 Сендан эса кўрдим неъмат, фазилат.
 (Қилмишим) ўйлаб надомат чекканимда, шийдатидан
 Тишим гичирлатиб бармоқларим тишладим.
 Дунё гулшанидан бўлибман ақлим озиб мажнун
 Бутун умрим ўтқазибман истаклар ичра
 Аммо энди содиқ бўлсам зухудликка, унинг билан
 Аҳли зухудга бўламан қалқон.
 Одамлар мен тўғримда яхши ўйлашар.
 Аммо мен, авф этмасанг ёмон хулқликман.*

Шеърдан кўриниб турибдики, шоир зухдиётда берилган-лигига қарамай, ўз вақтида дунёвий ҳаётни севган, у билан орзулар боғлаган, кейин эса зухдиёт жанрида чиройли шеърлар ёзиб, хатто эшитганларни йиғлатган. Абу-л-Атахия шеърларининг тили писбатан содда, услуби очик, енгил. Араб адабиётида кенг тарқалган кинояни (метонимия маъносида) шоир моҳирона ишлатган. Масалан, надомат ҳиссини кўрсатиш учун “тишини гичирлатгани”, “бармоқларини тишлагани” оркали ифодалайди.

Ҳақиқатда, Абу-л-Атахия балки дунёвий ҳаётнинг баъзибир томонларига хирс қўйган, балки ўзининг орзу-истаклари бўлган. Аммо унинг ижодида янгилашни ҳаракатининг энг машҳур шоири Абу Нувос каби гўзал Ироқ қизининг васфига бағишланган куйидаги оҳангли шеърлар каби шеърлар учрамайди:

و ذات خد مورد قوهية المتجرد

¹ على محمد حسن، الادب و تاريخه في العصرين الاموي و العباس، المئنة العامة لشرق المطابع
 الاميرية، الازهر، ١٩٩٢ ص ١٥٧.

تأمل العيد منها محاسنا ليس تنفد
فيعضها قد تناهى و بعضها يتولد
و الحسن في كل عضو منها معاد مردها

Гул юзли у қўхистонлик эсонон кийиб оқ шойидан бўрама қўйлак

Томоша қилмоқда у байрамни, атрофига тугалмас чирой тарқатиб.

Баъзиси такомилга етгани сари баъзиси янғидан тугилиб келар.

Хусн қоплаган барча аъзосин, қайта-қайта ўзли намоён қилар.

Аҳамият берсак бу китъада шоир якка вазнга ва яхлит қофияга амал қилса-да, аммо байтнинг мисралари жуда кесқартирилган ва шу билан енгил оҳанг яратилган. Бу шакл анъанавий шаклдан силжиш эди.

Абу Нувос бу китъада форслардан келиб чиққанини яна бир бор намоён қилди. У қаҳрамон қиз сифатида қўхистонлик гўзални танлади, яъни Ҳирот ва Нишопур ўртасида жойлашган эрон минтақаси ал-қўхистонлик қизни васф этди.

Абу Нувос, Башшар ибн Бурд ва уларнинг маслакдошлари анъанавий араб касидалари мазмунини рад этиб, муаллифлари устидан кулар эди. Қуйидаги мисраларда Абу Нувос асл саҳровий араб шоирини мазах қилади:

عاج الشقي على رسم يسائله و عجت اسأل عن حمارة البلد
تنكى على ظلال الماضين من اسد لادر درك قل لي من بنو اسد؟
لا دردر الذى ييكى على ظلال و لا صفا قلب من يهفو الى و تد²

Айланиб ул бечора излар устига борди за саволга уларни тутди.

Мен эса айландим шу жойдаги май дўконинг сўри,

У йиғлади асад қабиласидан қолган ўтминн сўйроналари устида,

Дедим: тўкма кўз ёшинг, айт менга “ким у Бағу

Асад?”

У кўз ёш эмас, кимки йиғласа ҳаробалар устида

Қалби пок эмас кимки чопса қозиқ томон.

¹ Ўша китоб, 57 бет.

² Ўша китоб. — Б. 92.

Абу Нувос қачонлардир ўтиб кетган қабиласи харобаларига бориб, қолиб кетган от қозигини кўриб кўз ёшларини тўқаётган ўз замонаси “асл” араб шоири устидан қулиши ва қим у “Бану Асад” деб истеҳзо билан сўраши уни бадавий қадриятлардан воз кечгани нишонасидир. У ва маслакдошлари гўзаллар, май, дўстона зиёратлар, қасрлар ва бўстонларни васф этишни сахро ва харобаларни тавсиф этишдан афзал кўришар эди, чунки улар учун бадавий ҳаёт мутлақо бегона эди.

Янгиланиш шоирлари яна бир жанрни — сатира жанри — ҳижо (ҳажв)ни янги поғонага олиб чиқишди. Улар қалами остидан энди рақибнинг жисмоний қамчиликлари устидан беодобча қулишга қаратилган шеърлар эмас, балки нафис ибораларга ўралган, нозик ҳис—туйғуларга тегувчи ва шунинг билан қаттиқроқ жароҳатлантирувчи ҳажв шеърлари пайдо бўлди. Бу борада айниқса Башшар ибн Бурд (714-783) қучли шоир эди. Амударё тепасида жойлашган минтақада тугилган Башшар ибн Бурд форсларга мансуб, деб ҳисобланади. Шунинг учун у шуубия ҳаракатининг тарафдори, яъни бошқа мусулмон халқларини асл араблар билан тенг кўрилишига даъват қилар эди. Шоир араб шеърияти тузилиш анъаналарини маҳсус ўрганди, яхши ўзлаштирди. У ўзини машҳур араб шоирларидан юқори кўяр эди. Айнан у биринчилардан шеъриятда ҳамриёт, тардиёт, ғазал жанрларни тақомиллаштирди ва янги образлар билан бойитди. Навқирон даврини 30 ёшгача Басра маданий муҳиtida ўтказди ва бу муҳитда мутақаллимлар, муътазиллийлар, филолог олимлар доирасида дунёқараши кенгайди, билими ошди. Башшар ибн Бурд араб маданияти билан форс маданиятини уйғунлашувига катта ҳисса қўшган шоир. Умрининг охиригача у ўзини форслардан бўлганлиги билан фахрланар эди ва бу ҳиссиётини фахр жанрида ифода этди. Ҳижоларида ўзининг қелиб чиқишини беркитган қимсаларни қаттиқ танқид остига олди. Қанчалик араб маданиятига ёндашмасин қадимги Эрон ақидалари унга яқин эди. Шеърларида олов ва лой мавзуси кўп жой эгаллайди. Анъанавий жанрларда-мадх жанрида олий ҳукмдорларни катта маҳорат билан олқишлар эди:

Сен муаттар дарахтнинг тоза мевасисан

Рақиб учун ўлим тимсоли.

Тоғж — ота боболардан қолган сенга мерос.

Шунинг учун саховатлидир қўлларинг¹!

Аммо эркесвар шоир хомийларга тобёъ бўлишдан бош тортади ва мадждоҳлик қисматини фожеона қабул қилди:

Кўзим ожизлиги учун Аллоҳга шуқрлар дейман,

Чунки нафрат қатбларини кўрмасман асло.

Шунинг учун ҳукмдорларга мадхлар ёзиши узоққа бормади. 30 ёшидан бошлаб шоир ҳаётининг охиригача дарбадарликда кечирди ва ниҳоят халифа томондан қатлга ҳукм қилинди. Шеърятда ов нашидаси, зиёфат, гўзалларнинг чиройи, май тараннум этилади. Бу борада баъзида мусулмон ахлокий меъёридан ҳам ўтади. У маъшуқасига мурожаат қилиб дейди:

Сени Қуръон ўқий туриб ҳам ёдга олдим.

*Ёдимдан чиқармадим то қадаҳ, то косадан май
симирганимда.*

Ҳаёт лаззатларини куйлаш Башшар ибн Бурдга хос бўлиши билан, ижодининг аксариятида тақдирга тан бериш ва эзгуликка ишонмаслик кайфияти устун туради.

Башшар ибн Бурд араб шеърятини янги услуб – “ал-бадиъ” услубини шакллантиришда катта ҳисса қўшди. Унинг шеърида ифодавий – бадий тасвир қилинган нарса ҳаётга яқинлашиди. Бу йўлда у биринчилардан бўлиб шеърга халқ тилидан иборалар, оддий маънвий ҳаётдан образлар киритишдан кўрқмади.

Унинг шеърида янги услуб – ал-бадиъни энг мураккаб услулари ва санъатлари ташбиҳотлари, истиоралари, мутабақалари ва мажозлари кенг истеъфода қилинди. Шундай қилиб, бу шоир мадхларда ҳали анъаналарга амал қилса, бошқа жанрларда жасур новатор сифатида танилди, тасвирийлик ва ифодавийликни кучайтирди.

Араб шеърятини айни мумтоз даврида меъёрий эстетика, жанрларнинг қатъий иерархияси шаклланди, жанрлар “баланд” ва “паст”ларга бўлинди. “Баланд” – бу мадх, рисола бўлиб, уларнинг қаҳрамонлари одатда халифалар, амирлар ва бошқа юқори мансабли инсонларга аталган эди. Улар учун шартли равишда тантанавор қаҳрамонона вазиятлар яратилиб, мадх этилар эди.

“Паст” жанрлар хижо (сатира), ғазал (ишқий лирика), ҳам-риёт – май тараннуми каби жанрлар бўлиб, улар аниқ шахслар, реал ҳаётга яқинроқ турди. Жанрлардан ҳар бири ўзининг аниқ

¹ Умавийлар ва Аббосийлар даврида адабиёт ва унинг тарихи. Кохира., 1992. – Б. 140.

сифатларига эга бўлгани учун бирининг ўрнини иккинчиси босмас эди. Айниқса баланд ва паст жанрлар алмашуви таъқиқланган эди, яъни баландпарвоз тантанавий ёки фожесавий ҳислатлар кулгули унсурлар билан алмашмас эди. ёки қаҳрамон-сифат инсоннинг ҳаёти оддий кундалик ҳаётдаги инсоннинг сифатларига тўғри келмас эди. Бундай бадий тафаккурни шаклланишига нафақат эстетик – меъёр, балки тарихий – мафкуравий омиллар ҳам сабаб бўлган. Шоирнинг жамиятдаги ижтимоий роли ўзгарди, унинг ҳаёти, ижоди кўпинча ҳомий билан боғланди. Саройларда шаклланган мумтоз шеърятга шароитдан келиб чиқиб, зарур жанр чизиғидан чиқиш ман этилган эди. Бунга юқори жамиятда, сарой муҳиtida шеърят билан кизиқиш ҳаракати яна бир бор сабаб бўлди. Шеърят ҳомийлари шеърларни соддалаштиришни қабул қилишмас эди. Соддалаштириш дидеизлик ҳисобланар эди. Шоирдан юқори эмоционал ҳиссий образлар, риторик безаклар, нафис иборалар талаб қилинар эди. Секин-аста шоирларда умумий даражада муайян шеърый санъатларнинг захираси пайдо бўлиб, ундаги шеърый санъатлар ва образлардан барча шоирлар истеъфода қилишни бошлашди. Саройда ўтказиладиган анъанавий шеърхонлик даврасида ҳам, тўсатдан тўқилган шеърда ҳам, ўша захира чегарасидан камданкам чиқарилади. Шеърни эшитувчининг бадий диди ўша таниш бўлган образларга ва шеърый санъатларга мойил эди. Шунинг учун VIII асрнинг иккинчи ярмидаги янгиланиш ҳаракати эскидан воз кечиш эмас, балки анъанавий қолиб ичида янгиликка интилиш эди. Яъни образларни англаниши, янги жанрлар яратилиши анъанавий қоидага бўйсунган ҳолда рўй берди. Шунга қарамадан X аср ўрталарига бориб араб адабиётида янги босқич – “анъанага қайтиш” босқичи бошланди. Анъанага қайтиш ҳаракати бошида Абу Таммом (804-845) ва ал – Бухтурий (821-897) каби машҳур шоирлар турардилар. Улар янгиланиш шоирларини асл арабий ахлоқий ва шеърый кадриятлардан силжишда, дидларининг пастлашишида айблаб яна исломгача бўлган шеърятни намуна сифатида кўрсатдилар ва унга қайтишга даъват этдилар.

Ўзларининг ижодида улар Имрул Қайс, Зухайр каби шоирларга тақлид этиб, уларнинг образлар, иборалар, маъноларидан кенг истеъфода қилдилар.

Аммо қанчалик янгилашиш шеърятини анъаначилар танкид қилишмасин, унинг тажрибаси зое кетмади. Улар бир томондан, исломгача бўлган шеърятдан шакл ва намуналарни жалб этган бўлса, иккинчи томондан, янги шеърый услубдан бой усуллар ва санъатларни ҳам ишлатдилар. Анъанага қайтиш тарафдорлари сустилашиб қолган касиданинг композициясини яна тиклашди ва насиб, васф қисмларини ривожлантиришди. Агар янгилашиш босқичида кераклиги шубҳага олиниб бу унсурлардан воз кечиш даражасига борган бўлса уни, анъаначилар уларни яна тиклаб бадавий ҳаётнинг воқелигини васф этишди.

Мадҳ жанри ҳам ўз мазмунини ўзгартирди, самимийлигига қайтди. Янгилашиш даврида мадҳ – шоир учун тирикчилик воситасига айланган эди, ҳатто бир камбағал шоир тўғрисида кулгули хикоятлар одамлар орасида кенг тарқалган эди: бир одамни мактаб мадҳ тўқиса, худди шу одатни ёмонлаб хижода яна пул ишлар экан. Анъанага қайтиш даврида сахийлик, олийжаноблик, жасорат, сидқидиллик, душманга қатъийлик ва бошқа бадавий фазилатлар ва қадриятлар тикланди. Энди мадҳлар ўқувчи ёки эшитувчинини муайян ғоявий-ахлокий алоқаларга олиб кирди ва эски қадриятларни янгича ифодалай бошлади ва жамият ҳаёти билан боғлади. Айни шундай мадҳлардан ажралиб, унга ёндаш бўлиб, ал-хамаса – қаҳрамончиликни тараннум этувчи жанр ривожланди. Ал-Хамасада жанглarda кўрсатилган жасурлик, айникса, араблар билан боғлиқ ўтмишдаги шарафли лавҳалар, тарихий қаҳрамонларнинг ғалабалари исломгача бўлган шеърятдаги образлар, иборалар, тасвирий воситалар орқали тасвирланди. Олдин муболағага йўл қўйилиб реал тафсилотлардан воз кечиш ҳам мумкин эди. Лекин янги шароитда шаклланган янги шеърый дид бундай тафсилотларга мухтож эмас эди. Бу дидга баландпарвоз жарангдор сўзлар билан асл араб ўғлонлари қаҳрамонликларини тараннум этган шеърлар тўғри келарди.

Шоир Абу Таммом ал-хамаса ёзишда катта муваффақият қозонди. Унинг шогирди ал-Бухтурий бу борада давомчиси бўлиб, бу жанрда эътиборли асарлар яратди. Лекин Абу Таммомнинг араб адабиётида аҳамияти факат анъанага қайтиш ва ал-хамаса жанрини тиклаш билан чегараланмайди. У биринчи бўлиб араб шеърый антологияга тамал тошини қўйди ва ўзи тузган

шеърый девонига Жохилия давридан то замонасигача ўзи машхур хисоблаган шеър намуналарини жамлади. Асар “Девон ал-хамаса” номи билан танилди ва кенг тарқалди. Аслида Абу Таммом унга “Шоирлар шеърларидан сайланма” деган ном қўйган эди ва асар аслида бир нечта бобларда иборат эди: биринчиси – ал-хамаса, иккинчиси – ал-марсиялар, учинчиси – ал-хижо ва ҳоказо. Аммо биринчи бобининг номи бутун асарга ўтиб, у айни шу ном билан танилди. Ҳатто “Кимки Абу Таммомнинг “Хамаса”сини ўқиган бўлмаса, араблар девонини билмайди” – деган ибора пайдо бўлди.

Абу Таммомдан кейин ҳам “Девон ал-хамаса” нинг шуҳрати сўнмади, балки янада кенгайди. Асарнинг давомчилари пайдо бўлди, араб шеърятининг асл чашмасидан ичмокчи бўлганлар унга такрор ёндашдилар, ҳатто ўша шеърлар Абу Таммомнинг шеърларидан устун келди, деган гап пайдо бўлди: “Танлаган шеърлари ўзининг шеърларидан шоиронароқдир”¹.

Абу Таммом изидан кўп адиблар борди ва беш асар ичида “Девон ал-хамаса” номи билан ўнлаб антологиялар тузилди. Улардан энг танилганлари Абу Ибада ал-Бухтури, Абу Ҳилол ал-Аскари, Аълам аш- Шантамарий, Абу Саодат ибн аш-Шажарий, Али ибн ал-Ҳасан, Садр ад-дин Али ибн ал-Фараж ва бошқа адибларникидир. Абу Таммомнинг антологиясига 20 га яқин шарҳлар тузилган, бизнинг кунимизгача улардан фақат икkitаси етиб келди: “Шарҳ” Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Марзукий ва ал-Хатиб ат-Табризий номи билан машхур бўлган Абу Зикрия ибн Алининг “Шарҳи”.

Васфларида арабларнинг қаҳрамонона ўтмишини куйлаб, улар олиб борган жангу-жадаллар, ҳарбий юришларни тасвир этишни “ал-хамаса” даражасига олиб чиқиш билан бирга, Абу Таммом мадҳ, рисо, хижо ва ҳикмат жанрида шеърлар ёзди ва қасида шаклида тақдим этди. Мадрҳларида анъанавий образлар каторида кучли, таъсирчан, қутилмаган образлар ҳам бор. Масалан халифани мадҳ этиб шундай ёзди:

خضعوا لصولتك التي هي عندم كالموت يأتي ليس فيه عار

Улар сенинг қудратингга тобеъ бўлдилар, чунки бу қудрат

Улар учун гўё ўлимдек, етиб келса йўқдир унда ор.

1. أبو تمام، ديوان الحماسة، تحقيق د. عبد المنعم أحمد صالح، مقدمة، القاهرة، ١٩٩٦، ص. ٥٠.

Яъни, ўлимда ор йўқдек, мактапга шахсинг кудратига тобё бўлишда ор йўқ, шунчаки у бўёқ санобатли. Худди шу фикрни қадимги шоир ан-Набиъада учратамиз:

عيرتني بنو ذبيل رهبة و هل على بان اخشاك من عار؟^۱

Зубайл ўғлонлари ундан қўрқасан деб тана тоғи ёғдиришди менга,

Аммо сендан қўрқиб мен учун ормиди?

Абу Таммомда фалсафий мулоҳазаларга мойиллик бор эди. Уларда шоирнинг дунёкараши, ҳаётга муносабатлари намоён бўлади:

ثم انقضت تلك السنون و اهلها فكانها و كانهم احلام^۲

Сўнг ўтиб кетди ўша йиллар ва ўша яшаган дўстлар,
Ўё улар эди фақат туш, орзу бўлиб қолди.

Абу Таммомнинг маслакдоши ва шогирди ал-Бухтурийда ҳам шу фикрни учратамиз:

و ايامنا فيك اللواتي تصرمت مع الوصل اصغاث و احلام نائم^۳

Ўтиб кетган ўша кунларимиз
Васл ила айланди орзу билан мудроқ тушга.

Абу Таммом ва ал-Бухтурийнинг ҳикматли сўзлари замондошлари орасида кенг тарқалди. Абу Таммом ўзига (қўнглига ва нафсига) хитоб қилади:

لا تتكرى عطل الكريم من الغناء فالسبيل حرب للمكان العالي

Олижаноб одам бойликдан маҳрум бўлишни инкор этмас,
Сел оқими ета олмас баланд маконларга.

Бу ерда олижаноб, кароматли инсон — ал-Карим баланд макон билан таккосланади, ҳақиқатда селнинг оқими унга етолмайди.

Ал-Бухтурий устози билан ҳамнафас:

دان الى ابدى الغفاة و شاسع عن كل ند في الندى و ضريب

Калбдир афрут в еллу в ضوءه للعصبة السارين جد قريب^۴

Менга яқинлашди яхшилик қўли,

Лекин барибир у узоқдир, тенг ва бир хил кўрсатмайди каромат.

^۱ حماد عوني، المنهاج الواضح في البلاغة، طبع الادارة المركزية للمعاهد الازهرية القاهرة ١٩٨٩، ص. ٢٣.

^۲ Ўша китоб, 26 бет.

^۳ Ўша жой.

^۴ المنهاج الواضح، ص. ٢٣.

*У ҳуё тўлини ойдек, баландда чақнайди у.
Туюлар нури ўтган кетганга жуда яқиндек.*

Абу Таммом ҳикматидан яна бир намуна:

*و اذا اراد الله نشر فضيلة طويت اتاح لها لسان حسود
لولا اشتعال النار فيما جاورت ما كان يعرف طيب عرف العود
Қачонки Аллоҳ хоҳласа ғазилатини тарқатишини,
У йўқ бўлиб кетарди ҳасадчилар тилига тушиб.
Агар ёнмаса олов бўлиб нимагаки яқинлашганда
Ўшанда билмас эди яхши одам унинг қучини.*

Умуман олганда Абу Таммомнинг услуби анча мураккаб, унга қадимги образлар, иборалар, анъаналар жалб қилиниб, ўзига хос шеърӣй олам яратилади. Лекин шоир ўз марсияларида ниҳоятда самимий, чунки ғамлик ҳис-туйғуларини фақат ўлимидан таъсирланган инсонга бағишлайди. Шундай марсиялардан бирини халифа Маъмун даврида душман зарбасидан ўлган таникли лашкарбоши Муҳаммад ибн Ҳамид ат-Тусийга бағишлаган. У қуйидаги байтлар билан бошланади:

*توفيت الامال بعد محمد و اصبح في شغل عن السفر
فتى مات بين الضرب و الطعن ميتة تقوم مقام النصر ان فاته النصر¹*

*Умидлар сўнди Муҳаммаддан сўнг.
Ҳарбий юришидан тўхтаб кетди у бошқа сафарга.
Зарба ва санчиқлар орасида ўлди бу йиғит, аммо ўлими
Ғалаба мақомидан баланд, ғалабани бой берган бўлса ҳам.*

Анъанага қайтиш босқичида шоирларнинг марсиялари умуман самимий бўлиб, бу жиҳатдан бадавӣй шоирларнинг марсияларига ўхшар эди. Айниқса, ал-Бухтурийнинг замондоши, забардаст шоир Ибн ар-Румӣй (835-896) анча содда тилда битилган, лекин таъсирчан, аламли марсиялар ёзган. Балки бунинг боиси унинг оғир ҳаёти ва фарзандларини йўқотишидир. Ўртанча ўғлининг ўлимига ёзилган марсиядаги келтирилган қуйидаги байтлар унинг ғам – андуҳини ёрқин ифодалайди:

*و اولادنا مثل الجوارح ايها فقدناه كان الغاجع البين الفقد
لكان مكان لا يسد اختلاله مكان اخيه من جروح و من جلد
هل العين بعد السمع تكفي مكانه؟ ام السمع بعد العين يهدى كما تهدى*

¹ الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباسى، ص. ۸۲

*Фарзандларимиз мисли жисмимиз аъзоси
Ҳар бирини йўқотиши бўлди фожеа
Ҳар бирининг ўз ўрни бор, унинг кетиши
Алам андуҳда кам бўлмади акаси ўрнидан
Қулоқдан сўнг босарми қўз эшитишида ўрнини
Қўздан кейин қулоқ олиб борарми тўғри йўлдан?*

Ибн ар-Румий барча жанрларда ижод қиларди, лекин ҳижо жанри унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. У мадҳларни қўп ёзмас, такаллуф ила ҳомийларни мақтамас эди. Балки машаққатли ҳаёти, табиатининг муросасизлиги, асл араблардан бўлмаганлиги уни анча жаҳлдор, оламга танқид қўзи билан қаровчи қилиб шакллантирди. Биз намуна сифатида келтирган байтлар ваъдасида турмаган, масъулиятсиз “дўстига” қаратилган:

بئلى الوعد للاخلاء سمحا و ابى بعد ذلك بئلى العطار
فغدا كالخلاف يورق للعين و يابى الاثمار كل الانباء¹

*У дўстларга саховатдан ўзида йўқ ваъда қилди
Аммо воз кечди ундан сўнг ато этиш ваъдасидан.
Эртага тол дарахти каби баргалайди қўз-қўз қилиб,
Аммо мева беришдан воз кечади асло.*

Такаббур, гердаийб узун бурнини осмонга кўтариб юрадиган одамга Ибн Румий куйидаги ҳажвни бағишлади:

اذ كان انفك هكذا فالقل عندك اقل
و اذا جلست على الطريق و لا ارى لك تجاس
قل: السلام عليكما فتجيب انت و يخرس

*Сенинг бурнинг шунчалик бўлса-да,
Филнинг бурни олдида нучуқдек кўринар.
Агар ўтирсанг сен йўл бошида,
Кўринмайсан қўзимга унинг ортидан.
Иккаловингга “ассаламу алайкум” дейилганда
Сен ёлғиз жавоб берсанг, ҳайратда қолишар.*

Яъни, шоир гердайган бурунни эгаси ёнидаги бошка одамга айлантиради ва “иккалангизга ас-саламу алайкум” деганда ўша киши ва унинг бурни назарда тутилади.

Ибн ар-Румийнинг танкидий қарашларига яна бир шоир – Дийбил ал-Хузаний ҳамнафас эди. У ҳам одамлар бахиллигини,

¹ المنهاج الواضح، ص. ۳۳

хулки ёмонлигини, адолатсизлигини, зулм етказувчиларни ҳажв қилганда, ҳеч кимни аямас эди, ҳатто халифаларни ҳам. Аббосийлар сулоласидан бўлган саккизинчи халифа ал-Муътасам ибн ар-Рашидга қаратиб ёзган ҳажви оммага кенг тарқалди. Бу ҳажвда шоир “ал-Каҳф” сурасидан образлар ишлатди:

ملوك بنى العباس فى الكتب سبعة و لم تأتوا عن ثامن لم كتب
كذلك اهل الكهف فى الكهف سبعة خيار اذ عدوا و ثامنهم كلب
وانى لا على كليهم عند رتبة لانك ذو ذنب و ليس له ذنب¹

*Китоблар бўйича Аббосийлар шоҳларининг сони еттита,
Аммо саккизинчи тўғрисида хабар бермайди бизга
китоб.*

*Шунингдек горда аҳл ал-каҳф сони еттита бўлган,
Яхши ўғлонлар улар, агар саналса саккизинчиси ит.
Мен қўяман итларининг мартабасин сендан юқори,
Чунки у беғуноҳ, сен эса ботгансан гуноҳга.*

Ибн ар-Румий, Дийбил ал-Хузайй анъанага қайтиш боскичининг танкидий мавқесини танлаган шоирлардир. Улар ижодида биз ҳижо жанри орқали машаққатли ҳаёт зарбалари ва ларзаларига қарши очиқ эътирози ва исёнини кўрамир.

Юкорида зикр қилганимиздан араб шеърининг анъанага қайтиш боскичида яна бир жанр – васф жанрининг мавқеи яна тикланди, у мазмунан ва шаклан бойиди. Бир томондан улар аждодларидан етиб келган мавзулар – жанглари, туя, от, саҳродаги ов васфларини ривожлантирдилар. Иккинчи томондан, мавзу кўлами кенгайиб, энди денгиз, бўстонлар, зиёфатлар, қасрлар васфлари кўпайди. Янгиланиш шоирлари зиёфатларни, овни васф этиш билан кифояланар эдилар. Анъана тарафдорлари бу жанрга санаб ўтилган мавзулар билан бир қаторда жанглари, табиат, иморатлар васфларини киритиб, уни бойитдилар. Бу жанрда анъана босқичи забардаст шоирлари орасида, айниқса, ал-Бухтурий асл араб қабиласидан чиққан бўлиб, саройда хизмат қилди, мадҳлар ёзди. Бу мадҳлар сунъий тараннум бўлмасдан, унда инсоний жонли образ яратишда муваффақият қозонди. У ҳам анъанавий образларга мурожаат қилар эди, аммо анъана унсурларини маҳорат билан ишлатиб, уларга янги жилва беради

¹ الأدب و تاريخه فى العصرين الأموي و العباسي، ص. ٧٩

ва нафис шеърӣ маданият яратади. Унинг фикрича шеър – ҳақиқий илҳом самараси бўлиши лозим эди, шунинг учун унга мантикий, ақлий ёндашишни завола келтириш деб билди.

Шунинг билан бирга, Ал-Бухтурий даврининг шеърятига иморатсозлик санъати обидаларини куйлаб, янгилик киритди. Шу давргача ҳеч ким у каби чиройли иморатларни, ҳовузларни, сунъий боғларни шунчалик нозик дид билан, диққат билан батафсил васф қилмаган. Қадимги форс подшоҳлари қасрлари, халифалар қурган иншоотлар, ҳовузлар, айвонлар, пештоқларнинг гўзаллиги унинг синчков назаридан қолмайди. Шуниси қизикки, Хусрав айвонини васф этган қасида куйидаги байтдан бошланади:

صنعت نفسي عما يندس نفسي و ترفعت عن جدا كل جيس¹

Кўнглимни сақладим уни булғовчи нарсалардан,

Ўзимни баланд тутдим пасткашнинг неъматидан.

Байтда мисраларнинг ички қофияланиши кўзга ташланади.

Яна ал-Бухтурийнинг ўзига хослиги, у табиатни васф этиб, ажойиб шеърӣ лавҳалар яратди. Улар аниқ, жонли равишда табиат манзараларини кўрсатиб ўтар экан. шоирнинг таъсирчан, кузатувчан табиатидан далолат беради. Масалан, булутни васф этишда табиатни олдинги бир ҳолини, кейин каттиқ шарқий шамол ас-сабо эсганда бошқа ҳолини тавсиф этади:

ذات ارتجاز كحنين الرعد مجرورة الذيل صدوق الوعد

Мсфوحة الدمع لغيروجد لها نسيم لنسيم الورد

ورنة مثل زبير الاسد ولمع برق كسيوف الهند

جاءت بها ربح الصبا من نجد فانتشرت مثل انتشار العقد

فراحت الارض بعيس رعد من وشى انوار الربا في برد²

Момақалди роқ енгил нафасидан гуруллаган (булут)

Тортиб келар этагини ваъдасига содиқ,

Секин кўз ёш тўкар тушмасдан жунбушга,

Насим шамоли атиргул шамолидек майин.

Ана эшитилди овози шеър қичқиригидек,

Чақмоқ чақди ҳинд қиличи каби.

У билан этиб келди Наждан ас-сабо шарқ шамоли,

Тўқилди ёмғир ҳар томон мисли маржондек.

¹ الادب و تاريخه فى العصر الاموى و العباسى، ص ۸۵

² Ўша китоб, -- Б. 85.

Ер яшнади сазқин тулганда,

Турли алвонда нур остида ярқиради тепаликлар.

Биз мумтоз араб шеърятининг VIII-IX асрларда ривожланган, янгиланиш ва анъанага қайтиш каби босқичларини такқослаб жанрлар қўлланиши орқали тадқиқ қилар эканмиз ҳолатга, парадокс (яъни, бир-бирига тўғри келмаган ҳолатга) тўхталиб ўтишни лозим кўрдик. Шу даврда яшаб ўтган йирик араб танқидчилари ва адабиётшунослари қадимги ва янги шеърят борасида баҳс олиб боришар экан, мазкур баҳснинг асосий муаммоси шеърнинг меъёри эди. Абу Таммом, ал-Бухтурий ва бошқа анъана тарафдорлари томонидан тикланган қадимги, исломгача бўлган шеърни юқори баҳолашидаги саъй-ҳаракати зое кетмади. Унинг устига Жоҳилия даври шеърятини намуналарини тўплаб, ёзиб юрган араб филологлари ушбу шеърятни мукамал, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, янги шоирлар қадимгиларининг ишларини ривожлантирди ва Жоҳилия даври шеърят тили билан алоқа узилмади. Парадокс шундаки, бутнараст санамларга ишонадиган шоирлар юқори баҳоланди, уларнинг байтларида сўз ёки ибора ишлатиши, қасида таркибида жанрлар сакланиши, образлари намуна ҳисобланди. Ислом кириб келгандан кейинги шеърят эса, анча заиф, деб топилди. Улар мусулмон шоирларининг асарларида хатолар кўп учрайди, деб таъкидлашган.

Машҳур араб филологлари, хусусан, Ал-Асмайй ва Ибн ал-Арабийга тааллуқли кўплаб латифалар сакланиб қолган. Уларга кўра, ушбу филологлар “қадимги” лар каламига мансуб деб топган шеърларига юксак баҳо беришар, бироқ ўша шеърлар “янги” шоирларга тегишлилигини билгач эса, дарров уларни рад этишар эди.

“Янги” адабиётга бундай назар билан қараш мусулмон давридаги

асарларни етарли даражада баҳоланмасликка олиб келди. Ҳаттоки, буюк араб адиби Ал-Жохиз ўз асари машҳур бўлишини истаса, уни қадимги шоирга тегишли қилиб кўрсатиши лозимлигидан нолиган.

“Янги” шоирнинг кадру қиммати пасайган, унинг ҳақ-ҳуқуқлари эътиборидан ҳоли бўлган. Бундан келиб чиқиб, “янги”

шоирларнинг ўзлари хақидаги ва филологларнинг улар тўғрисидаги карашлари номутаносиб бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бир каторда, “янги” шоирлар орасида “қадимги”ларга ўхшашни ва улар даражасига етишни истовчилари ҳам бўлган. Буларнинг барчаси ўтмиш билан ҳозирги замон, кўпхудолик билан ислом муаммосига бориб тақалган.

Биринчилардан бўлиб, филолог Ал-Асмай (832 й. ваф.эт.) вазиятнинг парадоксли эканлигини тушуниб етиб, айнан исломнинг шеърият сифатига таъсири муаммосини кўтариб чиққан. Устози Абу Амир ибн Ал-Аълонинг шоир ҳақидаги фикрини қайтариб, исломдан кейин яшаган шоирлар ислом ва пайғамбар зикр этилганлиги учунгина ёкиши мумкин, улар яхши ишланган, аммо ёқимлилиги йук, деб таъкидлайди¹.

Филологлар шеъриятга диний карашларнинг киритилиши билан унинг асл табиати ўзгариб, анъанавий кўринишини йўқотади, “қадимги”лар изидан қолиб, натижада шеърият “заифлашади”, деган ғояни илгари сурадилар.

Ал-Асмай ҳам ўзидан олдинги барча филологларнинг фикрига қўшилган ҳолда, “қадимги” шеъриятнинг “янги”сидан устунлигини тан олади. Диний томондан у “янги”лар тарафида бўлсада, янги мазмун ислом билан боғлиқ бўлиб, шеъриятни “қадимги”лар йўлида қолдириб, унинг поэтикаси, образларидан фойдаланишга даъват этади. Бундан қуйидаги хулосага келиш мумкин: ҳамма шоирлар Имрул Қайс, Зухайр, Ан-Набиғалар изидан бориши шарт, зеро шеърият йўли айнан “қадимги” шоирлар йўлидир. Акс ҳолда эса, “янги” шоирлар омадсизлик томон юз тутадилар. Ал-Асмай барча шоирларни икки қатга тоифага ажратади: фаҳл ва фаҳл бўлмаган. Аммо фаҳл бўлмаганлар орасида фаҳлларга яқинлашадиган бир неча даражаларни ҳам кўрсатиб ўтади.

Ал-Асмай шоирнинг фаҳл унвонига сазовор бўлиши учун иккита шарт бажарилиши кераклигини таъкидлайди:

Биринчидан, шеърият шоир учун ҳаётидаги энг муҳим нарса бўлиши шарт. Масалан, исломгача бўлган даврда машхур саналган Ангарани у фаҳл, деб билмайди: шоир фақатгина поэтик жиҳатдан қобилятга эга бўлган аскар, холос, – дейди у.

¹ Куделин А.В. Средневековая арабская поэтика. М.: Наука. Восточная редакция. М. 1983.

Иккинчидан, шоирнинг бошқа шоирлардан устунлигини намоён қилувчи бир неча шеърлари, яъни қасидалари бўлиши шарт.

Ал-Асмаийнинг энг машҳур асари “Фаҳл шоирлар китоби” деб номланади. Ушбу филолог “қадимги” шеърятни танқид қилиш мумкинлигини кўрсатиб, шу танқид йўналишларининг ривожланиш боскичларини ишлаб чиққанлардан бири саналади. XX аср адабиётшуноси Эхсон Аббос IX аср бошидаги араб танқиди замонавий шеърятда рўй бераётган чуқур ўзгаришларни ифодалай олишга кодир бўлмаган, деб ҳисоблайди. Чунки Ал-Асмаий ҳам ўз асарида VIII-IX аср бошларида ижод этган машҳур шоирлар саналмиш Башшар Ибн Бурд, Муслим Ибн ал-Валид, Абу Нувос, Абу ал-Атаҳияларни зикр этмаган. IX аср биринчи чорагигача яшаган мазкур филолог учун изланиш предмети бўлиб юз йил олдин яшаб ижод қилган Умавийлар даври шоирлари ҳисобланган. Бу эса, адабий жараённинг танқидда объектив ва тўла акс этмаганлигини кўрсатиб беради. Лекин ўша жараён ҳам ўз йўлича танқидга таъсир ўтказган, ҳамда “қадимги” ва “янги” шеърят тўғрисидаги қарашларда тўнтаришларга шарт-шароитлар яратиб берган.

Шундай қилиб, VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX аср бошларида исломгача бўлган давр ҳамда мусулмон шеърятига нисбатан янги муносабат пайдо бўлганлиги аниқ кўзга ташлана бошлади. Эски қадриятларнинг ўша даврда ҳаддан зиёд юкори баҳоланиши, араб-мусулмон ҷамияти мафқурасидаги ўзгаришлар билан узвий боглик эди. У ҳам бўлса, араб бўлмаган мусулмон халклар ҳаракатига асл арабий қадриятларни қарши қўйиш тамойилининг ҳукм суриши эди.

3.2 Мумтоз араб шеърятда шаклланган мотивлар ва жанрлар

X асрга бориб араб мумтоз адабиёти биринчи боскич – шаклланиш давридан ўтиб иккинчи боскич – X-XII асрларда тақомиллашув боскичига ўтди. Бу давр араб адабиётининг “олтин даври” ёки гуллаб яшнаш даври ҳисобланади ва ўзида янгиланиш ва “анъанага” қайтиш давлари адабиётининг энг яхши жиҳатларини уйғунлаштириб, бадиият равнакига йўл очди. Синтез даврига ўтишдан олдин яна бир бор X – асрга етиб келган жанрларга ва уларда ўз ифодасини топган мотивларга тўхтаймиз.

Қадимги жанрларни тиклаш, асл араб қадриятларга ва анъаналарга қайтиш, бутнараст бўлганларига қарамасдан қадимги шоирлар ижодини намуна, деб билиш тамойиллари – халифаликда ҳокимлик инкирози бошлангандан кейин рўй берди. Забт этилган халқларнинг исёни, тобе этилган давлатларнинг мустақилликка иштилоши, ҳокимликда ва армияда бошқа миллатлардан чиққан ва ёлланган аскарларнинг қўпайиши – халифаликни ўзига хос рухий инкирозга олиб келди. Унинг натижасида ўтмишдаги қадриятларга сиғиниш бошланди, улар юксак ахлоқий маънавий манба сифатида қабул қилинди.

Янгилашни даврида танкидга учраган қадимги шеърӣ анъаналар яна тикланиб, арабларнинг ўтмишдаги ғалаба ва қаҳрамонликлари тараннум қилинди, ундаги яхлитлик ва ахлоқӣ поклик жихатлари юқори баҳоланди. Бу тамойиллар биринчи шеърӣ антологияларда, араб адабиётининг биринчи назарӣетчилари ишларида ўз аксини топди. Адабиётшунослар шеърӣят бадийтини қалбларга солдилар, жанр, қасида, китъа, вазнлар, қофия, умуман услубиятга нисбатан қоидалар, белгиланган мезонлар ишлаб чиқдилар.

Шундай қилиб Х-асргача шаклланган араб мумтоз шеърӣяти ёркин анъанавӣйлиги билан ажралиб туради ва бу анъанавӣйлик муайян кўринишдаги бадий онг силжиши самараси бўлиб, ўзига хос бадий тизим, шоирликни таъминлайди. Аммо шуни назарда тутиш лозимки, бир қилимда ижод қилиш бу муаллифнинг иктидорсизлиги ёки бадийят жихатдан заифлигини кўрсатмайди. Чунки шоир била туриб анъанага ёндашади, у бадий тизимнинг моҳиятига дахлдор. Шунингдек унинг асарини ўқувчи ёки эшитувчи унда ўша давр бадий онгига кўра ўзига керак бўлган қайфиятни, таниш бўлган образларни, маънолар ва мавзуларни топади. Бу анъанавӣйлик, юқорида кўрганнимиздек муаллифнинг шахсий аслигини йўқ қилмайди. Шахсий муаллифлик шоирларда турли кўриниш, қайфият, образлар, маъно ва мотивларда намоён бўлди. Бу ҳолатни назарда тутмасдан туриб биз ўрта аср мумтоз араб шеърӣяти моҳиятини, айниқса унинг муҳим қисми бўлмиш мотивлар поэтикаси ва жанрлар аҳамиятини тушунмаймиз.

Мотив деганда, араб мумтоз шеърӣятида нимани тушуниш керак? Ёнг аввало, бир даврда яшаган шоирлар ижоди доирасида

такрорланувчи поэтик образлар оркали маънолар касб бўлиши ва уларни турли жанрларда ифодаланиши назарда тутилади.

Юкорида кўрсатганимиздек, мумтоз араб шеъриятининг мотивлари кагъий, собит характерга эга ва уларнинг аксарияти исломгача бўлган даврга бориб такалади. Шунинг учун ўрта аср араб танкидчилари ва шеърият назариётчилари мотивнинг такрорланишини факатгина ҳис қилиб қолмасдан, балки шеърий асарларга баҳо берганда, уларнинг қиймати тўғрисида шу нуқтан назардан қилиб чиқишарди ва ҳатто муаллифларга ўз тавсияларини беришар эди. Масалан, таниқли филолог ал-Асмаий (825-832 йиллар орасида вафот этган) ўзининг маънолар тўғрисида “Муфаддалиёт” асарида шеърларнинг энг яхши маъноларини ифодалаган. Ёки Жохиз “шу маънода менга шеър айтди”, - деб ёзади. Шунда у кагъий, собит мотивни назарда тутди. Асмаий фикрича, шоир араб шеъриятидаги барча бир маъноларни (мотивларни) ўрганмаса, ундан яхши шоир чиқмайди. Ўрта аср филологлари ўзларининг амалий фаолиятида турли шоирлар бир шеърий мотивга муайян ҳисобдаги байтлар (шеър) тўқишидан қилиб қилиб бир мотивга қайси шоир қандай ёндашганлигини таққослаб, қай бири ўзиб кетганлигига баҳо берадилар. Демак, маъно мумтоз араб шеъриятининг факатгина мавзуйий унсури бўлиб қолмасдан, балки мавзуйий андоза (қолип) родини ўйнайди.

Муаллифнинг бир тахлилдаги мотивларга мурожаат қилиши ва рақобатлилиги тасодифий эмас, балки бу адабий қонунга бўйсунган ҳолда рўй беради.

Ўрта асрлар шоирларидан наҳв қоидалари, аруз баҳрлари, тарих ахборотлари, араб қабилаларининг насл-насабларини билишлари лозим бўлгандек, маънолар рўйхатини билишлари ҳам талаб этилар эди. Бу рўйхат чегарасиз эмас эди ва маълум бир тизимга асосланган эди, яъни шоир бу тизимни билиши керак эди ва буни билмасдан ижод қила олмасди, гўё аруз баҳрларидан ташқари ижод қилолмагани каби. Меъёрлилиқ ўрта аср араб шеъриятининг маданияти каби асосий белгиси эди. Илк шеър ёза бошлаган бўлажак шоир ўзининг устози ёрдамида шеър мотивлари тизимига қандай ёндашиш лозимлигини ўрганар эди. Кейин эса китоблар ўқий бошлар эди. Чунки ўрта аср араб адабий танқидчилиги маънолар ҳақида жуда кўп асарлар яратди.

Масалан, Ф. Сезгин шундай асар ёзган муаллифлардан 33 тасини кўрсатади. Ундан ташқари ўнлаб бошқа торроқ мавзуда маъноларни камраб олган муаллифларни ҳам кўрсата олган. Улар ичида Ал-Бухтурий. Абу Таммомлар ҳам бор. Мисол тариқасида. Ал-Аскарининг “Диван ал-маъанний”(“Маънолар девони”) китобини таҳлил қиламиз.

Ал-Аскарий 1005 араб шеърятини мотивларини таснифлади ва араб шеърятинида энг чиройли ва ёрқин маъноларни йиққанлигини қайд этиб ўтади. Бу маъноларни билиш шоирнинг араб шеърятидан қанчалик бохабар бўлганлигидан далолат беради ва адибнинг бу борадаги билимдонлигидан, унинг келажакдаги касбий ўсишидан дарак беради. Аксинча, юқоридаги маънолар борасида у тушунчага эга бўлмаса, у яхши адиб сифатида шакллана олмайди. Ал-Аскарининг асари мавзусидан келиб чиқиб 12 бобга бўлинган ва мумтоз араб шеърятининг асосий жанрларини камраб олган. Ўзида Жехилда даяридан XI аср бошигача ижод қилган машҳур шоирларнинг шу мотивларга қандай ёндашганлигини кузатган. Таснифда жанрлар ва мотивлар бир таркибда берилган¹.

I. Боб.

1. Мадх (бировни макташ)
2. Ифтихор ёки фахр
3. Таханий яъни табриклаш

II. Боб.

Инсонни макташга арзигулик хусусиятларининг васфи (сахийлик, жасурлик, ўқинишлилик, хайрихоҳлик, меҳрибонлик, катъийлик ва ҳк.)

III. Боб.

1. Муатабат (бир нарсада айблаш, надомат)
2. Хижо (қулиш)
3. Итизар (узр сўраш)

IV. Боб.

1. Ташаббуб (ишкий шеърят, гўзалларнинг васфи)

V. Боб.

1. Оловнинг васфи

¹ Ал-Аскарининг бу таснифини А.Б.Куделин «Средневековая арабская поэтика» – М. 1983. – Б. 74-75. Китобидан иктибос.

2. Турли таомларнинг васфи
3. Хамр (май) ва у билан боғлиқ нафис маънолар.

VI. Боб.

1. Юлдузлар тўғрисида.
2. Туннинг зулмати, унинг чўзилиши ёки тез ўтиши ва тун васфи билан боғлиқ нарсалар.

3. Эрта тонг, қуёш, кун ва ҳк.

VII. Боб.

1. Булутлар, ёмғир, момақалдирок, қор, дўл.
2. Гуллаган далалар, ўтлоқлар, гуллар, бўстонлар, мевалар.
3. Шамол, сабо, шарқий кучли шамол, насим-енгил, ёқимли шамол.

VIII. Боб.

1. Уруш, қурол, найза, қиличлар васфи.

IX. Боб.

1. Қалам, ҳуснихат, сиёҳдон, дафтар ва ҳк.
2. Нутқнинг ҳусни тўғрисида.

X. Боб.

1. Отларнинг васфи.
2. Туялар ва улар билан боғлиқ ҳаракатларнинг васфи.
3. Сахро, сахродаги йўллар, соябонлар.
4. Ҳайвонлар. йиртқичлар, итлар, ов.
5. Қушлар.
6. Бошқа ҳайвон ва ҳашоратлар (мушук, типратикон, сичкон ва ҳк.)

XI. Боб.

1. Ёшлик, қарилик, соч оқариши васфи
2. Касаллар, марсия, тасалли бериш, зухдиёт.

XII. Боб.

Булардан ташқари бошқа нарсалар васфи (мисоллар келтирилади).

Шу тариқада ал-Аскарий кўп мотивларни турли жанрларда ифодалаганини келтиради.

Ал-Аскарий таснифи мисолида биз ўрта аср араб адабиёти назариётчилари шеърятни қанчалик батафсил таснифлашга интилишларини кўраемиз. Ал-Аскарий барча тадқиқотларида ўзини “мулоҳазали олим, араб мумтоз шеърятни образлари

мохиятини тўла очишга ва имконият кадар уларни мантикий баён этишга интилган таснифловчи” сифатида намоён қилади¹.

Шундай қилиб, Аббосийлар даврида мумтоз араб адабиёти шаклланди ва ўзида забт этилган халқлар маданиятининг кўп жиҳатларини камраб олди. Янгиланинг даврида адабиёт уруғчилик-қабилавий мохиятидан чиқиб, кўпроқ ўрта асрдаги шаҳарликнинг туйғу-хиссиётлари ва фикрларини ифодалади. Бу даврда Басра, Куфа, Бағдод ва бошқа шаҳарлардаги маданият юкори бўлиб, тўла қонли ва етук даражада ривож топди. Шеърятда янги жанрлар вужудга келди – ҳамриёт, тардиёт, ғазал, эски жанрлар янгича тус олди. Аммо янгиланиш анъанавий қондалар доирасида рўй берди. Шоирлар турли жанрларда ижод қилишар эди, лекин, айниқса, қайсидир бир жанрда унинг истеъдоди ёрқинлашиб, унда муаллиф табиати, кайфияти, дунёқараши ёрқин намоён бўларди. Шоирнинг индивидуал-муаллифлик жиҳати айни шу жанр орқали кузатилади. Масалан, Башшар ибн Бурда ҳажв жанрига мойиллик бўлиб, у атрофдаги мухитни қаттиқ танқид остига олган. Кимса ёки нарсага аниқ ҳаётий сифат беради, образларни соддалаштиради.

Абу Нувас ҳам ҳамма жанрларда ижод қилар эди, аммо аксарият ҳолда унинг асарларини ҳаётбахш оҳангдорлик, дўстона кайфият, зиёфатлар, ва гўзалликка ошиқлик, майни тараннум этиш ажратиб турарди. Шунинг билан бирга, мўмин мусулмон сифатида у Яратгандан қилмишларига мағфират сўрайди ва Раҳмон уни кечирishiга умид боғлайди.

Абу-л-Атахиянинг шеърларида таркидунё, фано тараннум этилиб, ваъзхонликка яқинлашишда аниқлик ва ошқоралик руҳи ҳукм суради. У зухдиёт жанрига тамал тошини қўйди.

Абу-Таммом – ҳамоса жанрини ривожлантирди, қадимги жанрларнинг, масалан фахрни асл мохиятини тиклади ва қадимги анъаналар билан боғлади.

Ал-Бухтурийнинг ижоди ҳам кўп қиррали бўлишига қарамай, васфнинг бетакрор устаси эди.

¹ Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы. М.: Наука. 1974. – с. 169.

3.3. Мумтоз араб адабиёти илк босқичида насрнавислик ва унинг жараёнлари

Аббосийлар даврида шаҳарда илмий-адабий насрнавис адибларнинг энг маълумотли доиралари фаолият юритди, улар илмий, расмий ва бадий насрни ривожлантирдилар. Уларнинг асарларида кўп миллатлар вакиллари учраб, умуман олганда араб-мусулмон маданияти ривожига катта ҳисса қўшдилар.

VIII асрнинг иккинчи ярмида жанрлар шаклланишига бир омил асос бўлган, у ҳам бўлса оламни англашда нафақат ҳиссий, балки ақл-заковат билан идрок этиш зарурлиги эди. Бу ҳислат шу давр араб адабиётида, айниқса насрий жанрларда, ўзаро ҳослик касб этди. Бадий ижоднинг асоси ўша давр адиблари наздида факат бадий тўқима сифатида тан олинмади. Шу даврда вужудга келган ва “адаб” номини олган асарларда бадий ижодни илмий ижоддан ажратиш қийин. Ёзма насрий адабиёт жанрларининг ўртасида аниқ чегара бўлмаганлиги сабаб, турли тарихий-жуғрофий асарларда, филологик масала қўтарилган рисоаларда бадий унсурлар кўп учрайди. Булар сунъий равишда киритилган ҳикоялар, латифалар, шеърлар ва бошқа бадий унсурларни камраб олади. Кўпинча сажъда ёзилган бу рисоаларда илмий мулоҳазалар бадий тўқима билан, бадий тўқималар эса ҳақиқий воқелик фактлари билан аралашиб кетади. Бу анъана кейин ҳам давом этган. Масалан, хатто X асрда яшаган бағдодлик ал-Маъсудининг “Олтин сочма” (“Муруж аз-заҳаб”) ва бошқа асарларида тарихий ва сафар кузатишлари билан бир каторда, турли афсоналар ва бадий тўқималар жой олган.

Адаб жанри ўқувчиларнинг кенг тарқалган сеvimли жанрига айланади ҳамда ўзида маърифий, дидактик ва кўнгилочар жиҳатларни мужассамлаштиради. Адаб жанрига тамал тошини қўйган деб, араб мумтоз адабиёти “олтин давр”и илк босқичининг ёркин намояндаси Абдулла ибн Мукаффа (720-756) ҳисобланади. Асли форслардан бўлган бу истеъдодли адиб араб ва форс маданиятлари билимдони бўлиб, халифалар саройида котиблик лавозимида хизмат килиб келди. Араб тилига форс ва ҳинд тиллардан кўп асарлар таржима қилган. Айни ибн Мукаффа адаб жанри зиммасига мусулмон кишисини тарбиялаш вази-фасини юклади ва ярим дидактик (насихатгўй), ярим бадий

услугда асарларини инсоний илмлар (адабиёт, тарих, фалсафа ва ҳоказо) мажмуаси билан таништиришга йўналтирди.

Унинг рисоалар сифатида ёзилган асарлари дастлабки адаб жанрида ёзилган асарлардан ҳисобланади. Улар араб зодагонлари ҳуққларини юмшатиш мақсадида ёзилган бўлиб, у мусулмон жамиятига яхши ахлокий қоидалар киритишга қаратилган эди. Ибн Муқаффа учун эса қадимги Эрон давлатчилиги, сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳлари намуна бўлган, араб халифалиги давлат тизминини эса танқид остига олган.

Ибн ал-Муқаффа рисоалари негизида ақл-заковатни юксалтириш ва фаолиятда улардан келиб чиқиш, танқидий қараш, озоф фикр юритиш каби ғоялар бор эди. Шунингдек мансабдор кишиларга, хусусан ҳокимларга қаратилган маслаҳатлар, нафсни тийишга даъват, ўқимишли инсонлар йўлидан юриш тавсиялари бор эди.

Ибн ал-Муқаффага катта шухрат келтирган яна бир фаолият бу ҳинд ибратли ҳикоялари “Қалила ва Димна”ни араб тилига таржима қилишидир. Бу оддий таржима бўлмасдан, адиб матнга кўп ўзгартиришлар киритди, мусулмон динига риоя қилиб Қуръондан оятлар, арабларнинг мақол ва маталларини қўшди. “Қалила ва Димна” ҳайвонлар образлари орқали инсоний муносабатларининг мураккаб манзараларини кўрсатади ва шарқ халқларининг ҳикматларини ўқувчига етказди. Бу китоб бундан кейинги араб адабиётига катта таъсир кўрсатди. Адиблар унга ҳозирги кунгача мурожаат қилиб келишмоқда. Шубҳасиз, бу асар инсон ҳуққ-атвори шаклланишига таъсир кўрсатмасдан қолмади.

“Қалила ва Димна”нинг арабча вариантидан қилинган таржималар орқали бу ҳикоялар Европага танилди, XIII асрда олдин юнон, сўнг славян, яҳудий, лотин тилларига таржима қилинди. Сўнг XIV асрда Европада Уйғониш даврида барча Европа мамлакатларига тарқалди ва жаҳон маданияти қисмига айланди. Адаб жанри билан бир қаторда, фирибгарлар тўғрисида қиссалар (ҳикоялар), шахсий ва расмий мактублар билан бир қаторда ёзишма тусини олган ва бадиийлашган “расил” жанри ҳам кенг тарқалди. Девонхонадаги қотиблар айниқса бу жанр ривожланишига катта ҳисса қўшдилар, чунки улар чиройли сўз, нутқ шайдоси сифатида маълум бир даврани ташкил қилиб, бу санъатга алоҳида аҳамият бердилар. Умуман, Аббосийлар даврида чиройли сўз санъати эгасига, фикрлаш доираси кенг, ақл-

заковатли инсонларга эътибор ошди. Айникса, сўз устаси, махсус тайёргарликсиз шеър (бадиҳа) тўқий оладиган ҳозиржавоб шоирлар саройда шуҳрат қозонганлар.

Шу даврдан бошлаб уйларида турли адабий учрашувлар ўтказадиган вазирлар, амирлар, беклар, бой савдогарлар орасида ҳомийлик ҳаракати бошланиб кетди. Халифанинг ўзи бу ҳаракат бошида турар эди. Кўпинча у адабий дидни шаклланишига қўл урар эди. Саройларда адиблар ва олимларнинг кўплаб ҳозир бўлиши ҳокимнинг салоҳиятидан далолат берувчи омил эди.

VIII асрдан бошлаб филологик илмлар ривожланиб кетди. Бу соҳада жуда кўп назарий ишлар яратилди. Аруз илмини ишлаб чиқиш, адабиёт қонунларини англаш, ифодавий-тасвирий воситаларни ажратиб, тартибга солиш каби ишлар эстетик дунёқарашларни ўзгартирди ва дидларни шакллантирди. Ўрта аср адабий танқидчилигида адибнинг, шоирнинг ўрни тўғрисида тушунча пайдо бўлди.

Бу борада халифа оиласидан чиққанлиги билан машҳур бўлган, адабиётга ва ижодга меҳр қўйган Ибн Муътазнинг (863-908) ўрни алоҳида аҳамиятга эга. У ўзининг “Китаб ал-бадиъ” асарида араб шеърлятидаги сўз санъатларни таснифлайди ва янги услубга хос жиҳатларни ажратади. Ҳар бир сўз санъатини таърифлайди ва мисоллар орқали қўлланишини кўрсатади. Умуман олганда, у бадиий ижоднинг қонунларини топишга, тасвирий-ифодавий воситаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилди. Ибн ал-Муътазнинг “Янги услуб китоби” араб тилининг образлар тизимини биринчи бўлиб таснифлаган ва ўз замонаси шеърлятининг характерини кўрсатган асар ҳисобланади. Адиб асаридан сўнг илмий-бадиий истемолга ал-балаға, ал-фасаха, ал-байан, фосих, илму-л-маъно ва бошқа истилоҳлар кириб келди, бадиий санъатлар - истиора, тазод, тажнис, мутобақа, ташбиҳ ва бошқа номларга эга бўлди. Ибн ал-Муътаз ишини Аскаррий ўзининг “Китаб ас-синъатайн”, Қудаман ибн Жаъфар “Нақд аш-шеър” асарларида давом эттиришди. Ибн ал-Муътаз ва бошқа янгилаштириш даври адиблари ижодида шу даврнинг 5 тамойилга таяниши кузатилади:

1. Ақл-заковатни устувор қўйиш;
2. Сўзга сиғиниш;
3. Мувоzanат сақлаш, мантиққа амал қилиш;

4. Таснифлашга риоя қилиш;
5. Масхара – кулиш оркали тарбиялаш.

Бешинчи тамойил янгиланиш даври машхур адиби Жоҳиз (775-869) ижодида ўз тақомилини топди. Жоҳиз масхара қилиш тамойилини тарбиялашдаги энг таъсирчан ва фаол омил, деб ҳисобларди. Ва у ҳақиқий сатирага тамал тошини қўйди. Ундан олдин “кулиш” ҳақиқий сатирадан узок турарди, аксарияти содда ва қўпол кўринишда учрар эди. Душман устидан кулиш кўпинча қарғишга ўхшаб кетар эди ва “ерингни суғормасин ёмғир сувлари” каби иборалардан бошланарди. Инсоннинг ташқи кўринишидаги камчиликлари, хунуклиги, бўйи-басти, хатто касали – ҳаммаси кулгу объекти бўлиши мумкин эди. Жоҳиз эса муайян образлар ва типлар устидан кулади, унинг ҳажви жаҳолат ва нодонлик, калтафаҳмлик ва такаббурликка қарши қаратилган бўлиб, баъзида нафис юмор билан, баъзида аччиқ истехзо билан ҳукм чиқаради. Масалан, Қуръон маъноларини яхши тушунмасдан ўзини “қори” ҳисоблаган ёки нодон бўла туриб баландпарвоз сўзлар билан ўзини доно кўрсатмоқчи бўлган одамларнинг устидан кулади. Жоҳизнинг услуби ўзига хос бўлиб унда ҳазил-хузул халқчил иборалар жиддий масалаларда ва аксинча арзимаган кичкина оддий ҳаёт сюжетида баландпарвоз жўшқинлик пайдо бўлиб, бу усулнинг ўзи кулгули вазият яратади. Бундай ҳажвни тушуниш учун ўқувчи тайёр бўлиши керак эди. Шу йўл билан жаҳолат, нодонлик устидан кулиб, Жоҳиз ақл-заковатни тараннум этарди. Жоҳизнинг ҳажвий асарлар ёзишини Таухидий, Абу Дулаф, Ибн Абд Раббихи ва бошқа ўрта асрлик адиблар давом эттирдилар. Масалан Ибн Абд Раббихи мутакаллимлар орасида учрайдиган гердайган нодон кимсалар устидан кулиб, улар ўз мажлисларида “Қахв” сурасидаги ғорда ухлаб қолганларнинг ити қайси рангда бўлганлиги тўғрисида жиддий мунокашалар олиб боришларини масхара қилади.

Жоҳиз ўз асарларида сўз билан, шу жумладан, аччиқ истехзоли сўз билан одамни тарбиялаш мумкинлигига қаттиқ ишонади. Сўз таъсирида инсон покланади, одобли бўлади, яхшиланади. Ажаб эмас, ривоятларда қаҳрамон сўз устамони бўлганлиги учун ютиб чиқади.

Мантик, чиройли ибора, нахв ва сарф коидаларидан тўғри фойдаланиш, тўғри талаффуз қилиш кераклиги, буларнинг ҳаммаси Жохиз назаридан қолмаган. Ўзи асарларида бу талабларга амал қилиб, адаб жанрининг ажойиб намуналарини яратган. Уларда такаллуфларга, баландпарвоз ибораларга, сажъга кўп берилмасдан, жиддий ва чуқур далилларга таянган ҳолда илмийликни ҳазил билан аралаштириб, ўзига хос услуб яратди. Ўзи бу услубини машҳур асар “Китаб ал-хаяван” (“Ҳайвонлар тўғрисида китоб”)да шундай таърифлайди:

قد عزمت - والله الموفق - ان اوضح هذا الكتاب و افضل ابو ايه بنوادر من ضروب الشعر و ضروب الاحاديث ليخرج قارئ هذا الكتاب من باب، من شكل الى شكل فاني رايت الاسماع تمل الاصوات المطرية و الاغاني الحسنة و الاوتار الفعيفة اذا طال ذلك عليها.¹

Мен Аллоҳни мувофиқлиги билан бу китобга зийнат беришга жазм қилдим ва бобларига шеър ва ҳикоялардан ажойиб нодир намуналар киритишни афзал кўрдим. Ўшанда бу китобни ўқиётган бобдан-бобга, шаклдан-шаклга ўтади. Ҳақиқатда кўрганман – қанчалик овозлар ёқимли, шуулалар чиройли, торлар жарангдор бўлмасин, агар ижроси чўзилиб кетса, қулоққа барибир зерикарли туюлади.

Жохиз кўп жанрларда ижод қилди, аммо унинг асарларида сатира ва адаб жанрлари ўз тақомилига етди. Умуман олганда, Жохизни араб адабиётида тугган ўрни бекиёс, чунки у ўзининг “Китаб ал-хаяван”, “Китаб ал-баян ва-т-табйин”, “Китаб ал-бухала” ва бошқа 200 дан ошиқ асарлари билан янги услубни ўзлаштириш, тилга алоҳида эътибор бериш, адабий асарларга нисбатан дидни шакллантириш ва бу борада янги кадриятларни ва мезонларни ишлаб чиқишда замондошларига ва кейинги авлодларга катта таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, янгиланиш даврида адабий майдонга Ибн Мукаффа, Ибн ал-Муътаз, Жохиз каби адиблар кириб келиб, уларнинг ижоди ҳам илмий томондан, ҳам адабий-бадий томондан катта аҳамиятга эга. Улар ўзларида араб, форс, қадимги юнон маданиятини мужассамлаштирган, дунёқараши кенг, Қуръони карим ва ҳадисларнинг билимдони, тарих ва фалсафадан яхши хабардор шахслар сиймосини ифодалаб, мумтоз араб адабиётининг илк босқичидаёқ кенг камровликни таъминладилар ва ривожига йўлладилар.

¹ الادب و تاريخه في العصرين الامري و العباسي، ص. ۱۱۰-۱۰۹

Жоҳиз ва Ибн Қутайба ўз замонасининг машҳур хатиблари – нотиклари эди. Умуман, Аббосийлар сулоласи тахтга келгандан сўнг ал-хитаба – нотиклик санъати ўз мавқеини йўқотмаган, чунки чиройли, жўшқин, таъсирчан сўз айтувчи нотиклар янги ҳукмдорларнинг манфаатини кўзлаб уларни адолатпарастлигини олқишлаб мактар, олдинги Умавийлар сулоласини ёмонлаб, зулм ва адолатсизликда айблар эдилар.

Жоҳиз фалсафа ва мантиқдан келиб чиқиб, ақл-идрокка ишонган муътазиллийларнинг нотиғи эди. Ибн Қутайба эса шиаларга қарши бўлиб, аҳл ас-сунна (суннийлар) томонида нотиклик қилган.

Аббосийлар сулоласининг илк даврида ёзма насрда расаил жанри турли кўринишларда жуда ривожланиб кетди. Расмий ёзишмалар – ал-расаил ад-дивания – Аббосийлар даврида девонхоналарнинг аҳамияти янада ошгани билан боғлиқ бўлиб, котиблик санъати етук даражага чиқди. Шунингдек, ар-расаил алихвания – биродарлик ёзишмалари ўз коида ва анъанавий шаклларига бўйсунган ҳолда кўп бадиият унсурларини ўзида мужассамлаштирган. Бора-бора бу жанр тоза адабий тус олиб, сунъий равишда ёзишма шаклини сақлаб қолади.

Аббосийлар ҳукмдорлигининг илк даврида имзо санъати – аттавиқият ҳам ўз маромига етди. Одатда халифалар ёки вазирлар уларга келган хатларга (шикоят ёки илтимосларга) ўз муносабатини билдириб лўнда сўз санъатини (ал-балаға) ишлатиб, аниқ ва лўнда ҳукминни чиқариб имзолари ёнига 1-2 жумла ёзиб қўяр эдилар.

Қуйида Жоҳизнинг ўзида расаил ва адаб жанрлар сифатларини мужассамлаштирган асаридан парча келтирамиз. Унда у хасадгўйлик каби хислат тўғрисида мулоҳаза олиб боради:

الحسد – ابقاك الله – داء يهلك الجسد، و يفسد الاود، علاجه عسر، و صاحبه ضرر. و هو باب غامض، و امر متعذر، فما ظهر منه فلا يداوى، و بطن منه فمداوية فى عناء. الحسد عقيد الكفر، حليف الباطل، و ضد الحق، و حرب البيان، و قد ذم الله اهل الكتاب فقال: و كثير من اهل الكتاب لو يردونكم من بعد ايمانكم كفارا حسدا من عند انفسهم من بعد ما تبين لهم الحق فمنه تتولد العداوة و هو سبب كل قطيعة، و منتج كل وحشة، و مفرق كل جماعة، و قاطع كل رحمة بين الاقرباء، و محدث التفرق بين القرناء، و ملمح الشر بين الخلطاء، يكمن فى الصدر كمنون النار فى الحجر، و قد قال بعض الاعراب: ما رايت ظالما اشبه بمظلوم من حاسد: نفس دائم، و قلب هائم، و حزن ملازم¹

¹ الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباسى، ص. ۱۰۲

“*Ҳасад – Аллоҳ сени сақласин (ундан), жисмни кемирувчи, оғир ҳолатни янада ёмонлаштирувчи иллатдир. Даволаниши қийин, йўлдоши – безовталиқ, таъиби. У чигил оғир нарса, зоҳири – бедаво, ботинининг давоси мушкул.*

Ҳасад кўфр ва ёмонликнинг иттифоқчиси¹дир, у ҳаққа қарши, очик ишнинг дуимани. Аллоҳ аҳл ал-китобни қийиб деди: аҳл ал-китобдан кўплари сиз имон келтирганда, сизни рад этдилар ва улар олдида ҳақ очилганда ҳасаддан кофирларга мойил бўлдилар.

Ундан (ҳасаддан) адоват тугилади, у орани бузилишига сабаб, бегоналашишга олиб келади, жамоа ичига тарқоқлик солади, яқинлар орасида раҳм-шафқатни йўқотади, биродарлик ришталарини узади, дўстлар базмини тарқатади. У кўкракда гўё тош ичида ёниб турган оловдек қўмилиб беркинади. Баъзи бадавий араблар у тўғрисида шундай деб айтишган: Мен ҳасаддан мазлумга ўхшаб қолган, ўзига золимлик қилган ёмонроқ золимни кўрмадим. Чунки, унинг кўнгли синиқ, қалби вайрон, ҳафалиқ унга доимо йўлдош”.

Жоҳиз ёзган бу хикматли сўзлар асрлар ўтиб, инсоний муносабатларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Имзо санъати²га келсак. Халифа Маъмуннинг унга авомлардан бири зулм ўтказаяётгани тўғрисида шикоят қилиб, ёзган шахснинг арзига ўша золимга мурожаат қилиб ёзган тавкиатидан намуна келтирамиз:

الكفى امر هذا الرجل، و الاكفيتہ امرك!

“Бу кишининг ишини тўхтат, бўлмасам сенинг ишингни тўхтатаман!”

Ёки вазир Яҳё ал-Бармокий бир киши ҳадеб ундан нарсалар ато қилишини сўраганидан зерикиб, шундай ёзади:

دع الضرع بدر لغيرك كما در لك.

“Сен бу кўкракдан неъматларни эмиб олганингдек, бошиқаларга ҳам эмишга бер!”¹

Умуман олганда, янгиланиш даврининг насри ҳаётга яқинлашиди, унда жамият муаммолари ўз аксини топа бошлади. Адиблар ўз асарларига манба қилиб янги ҳаёт воқелигини олдилар, чунки уларнинг ўзлари шу ҳаёт билан ҳамнафас эдилар

¹ Ўша китоб, 103 бет.

ва унинг яхши-ёмон онларини яхши ҳис этдилар. Янгиланиш даври араб адабиёти учун ижодда ёркин сиймолар, мазмунда янги маънолар, услубда янги ихтиролар тақдим этди ва маданият тарихида ўчмас из қолдирди.

IX асрда бошланган анъанага қайтиш босқинчида ҳам сўз санъатига, нутққа бўлган муносабат кам ўзгарди, у араб — мусулмон маданиятининг эстетикаси, дунёқарашларининг асосларидан эди. Фақат гўзаллик мезонлари яна қайтарилиб, бадавий даврдаги кадриятлар, васфлар, баҳолар тикланди. Борлик, мавжудлик, асосан, сўз орқали ифодаланиши доим назарда тутилди. Ўзгарган жиҳат, яна янгиланиш давридек, ақл-заковат ва унинг ифодаси устун қўйилишида, энг гўзал сўз — ал-калима ал-ллаҳийа (илоҳий сўз) — ал-Қуръон ҳисобланиб, унда ҳам сўзга қатъи эътибор берилганлиги доимо такрорланадиган “каламун мубинул”, “ал-калам ал-водиҳ” ибораларнинг ўзида кўриниб турибди. Ўрта аср адиблари фикрича, айнис сўзлаш қобилияти, нутқ инсонни ҳайвондан ажратиб, юксак поғоналарга чиқарди.

Шундай қилиб ал-фасаҳа — сўзни, нутқни тўғри ва чиройли узиш, ал-балаға — сўз санъати орқали уни етказиш, адиблар эдида қўйган энг қатъи вазифалардан бўлди. Шоир ёки насрнавис қайси мавзуга ёндашмасин, у ўқувчига уни очиқ-йўқ, жозибали қилиб етказиши лозим эди. Бу вазифани адиблар турли жанрлар ҳосилигига ва қоидаларига амал қилиб турли фикрий ҳолатлар ва ҳис-туйғулар орқали бажаришга арақат қилдилар. Оқибатда сўз ижодий шахсият учун шаклланишида энг фаол восита ва қуроли бўлиб саналди.

IV. БОБ. МУМТОЗ АРАБ АДАБИЁТИДАГИ ИНДИВИДУАЛ МУАЛЛИФЛИК ИЖОД ТАКОМИЛЛАШУВИДА ЖАНРЛАР ИШТИРОКИ

4.1. Мумтоз шеърятда шахсий ижод тақомиллашуви

Х асрда ўрта асрлар араб адабиётининг гуллаб яшнаган боскичи бошланиб, у ўзига икки асрни қамраб олади. Бу боскичда адабиётда тўла равишда индивидуал муаллифлик ижод раванқ топи, унинг бадиияти орқали ўзига турли маънавий ва услубий қондаларни мужассамлаштирган шеърый тизим вуҷудга келиб, тамомила ўз тасдиғини топи. Унда биз ўзига яраша зиддиятни ҳам қўраимиз: бир томондан маъноларни ифодалашда, туталланмас фаол шеърый изланишлар, иккинчи томондан эса – собит поэтик қонунлар шеърый санъатнинг имқониятларини чегаралади, ҳатто тўскинлик қилди. Биз бу зиддиятларни “янғиланиш” ва “анъанага қайтиш” босқичларида неғиз отганини қўраимиз. Аммо шунинг билан бирга Х асрдан бошлаб биз икки босқич тамойиллари бирлашиб ўзига хос уйғунлик пайдо бўлганлиғини кузатамиз. Унинг натижаси Х-ХII асрларда адабиётда ажойиб ижодиёт пайдо бўлди ва у тўлақонли ёрқин индивидуал-муаллифлик асарлар тақомиллашувига олиб келди. Шу даврнинг намояндалари ал-Мутанаббий, Абу Фирас, ал-Маарий ва бошқалар шеърыйатида ижодий-рухий фаолият юқори бўлиб у ўз даврининг маънавий-эстетик эҳтиёжларига тўла жавоб бера бошлади.

Шоирлар асарида сиёсий ва маданият ҳаётининг янги-янги манзаралари ўз аксини топи, дунёвий мавзуларга мурожаат қилинди, давлат бошқаруви муаммолари кузатилади.

Жанрларга келсак, ҳамма анъанавий жанрлар сақланиб қолди, улар ривож топи, мазмуний-шаклий имқониятлари кенгайди, услуби муқаммаллашди. Мадр жанри асосий жанр сифатида ўз мавқеғини сақлаб қолди, қўпинча қасиданинг марказий жойини эгаллади ва асарнинг мақсади бўлиб келди. Олдинги босқичлардан фарқли ўлароқ энди мадр давлат манфаати билан боғланган ҳолда ҳис-туйғуларни ифода этди. Уларнинг қаҳрамонлари энди нафакат мадр учун муқофот берувчи шахс бўлмасдан, балки юқори мансабдор кишилар-ҳалифа, вазир, давлат арбоби ва бошқалар образларида давлат манфаати учун хизмат қилиб, уни

кудратини оширадиган инсонлар сифатида гавдаланди. Шоирлар ўз қахрамонларига шу нуқтаи назардан ёндашар эканлар, уларни ҳиммати баланд, олийжаноб, шижоатли инсон, бойликка ҳирс қўймаган, қабих ишлар қилмайдиган, диёнатли, саховатли одам сифатида кўрсатдилар. Бундай қахрамонларни тасвирида бири-бирига ўхшаш сифатлар пайдо бўлади. Янгилиги эса унинг вужуди, фаолияти энди давлат ишлари билан боғлиқлигида эди. Ватан тушунчаси қабилавий, тор минтакавий тушунчадан ўтиб, давлат муаммолари, ҳарбий юришлари, ижтимоий ва сиёсий аҳволи билан боғланади. Мадҳларда ягона давлатчилик тушунчаси пайдо бўлди.

Мадҳ учун факат “фасаҳа” – адабий тил қўлланилди, оддий сўзлашув сўзларни бу жанрда шоирларга ишлатиш тўғри келмасди. Бу тил фақат ўқимишли шеърят мухлисларига мўлжалланган бўлиб, унга лаҳжа киритилиши ман этилган эди. Қасидада кофия, вазн яхлитлиги, умуман мувозанат саклаш энг қаттиқ талаблардан эди. Байтларда имкон қадар тугал фикр бўлиши шарт эди. Бир байтда фикр тугалланмасдан иккинчига қўчиши яхши қабул қилинмас эди.

Анъанавий жанрлардан ҳижо-ҳажв жанри ҳам Х асрга унчалик ўзгармасдан етиб келди. Ҳижо қасида таркибидан кўпинча чиқиб, унча қатта бўлмаган икки қисмдан иборат шеърни ташкил қилади. Биринчи қисмда муаллиф ҳажв қилмоқчи бўлган шахсга мурожаат қилади, сўнг бевосита ҳажвга ўтади. Кўп пайтларда ҳажв захарли ва ўткир, аксариятда кўпол ва ҳақоратли чиқиши мумкин эди. Мадҳ жанрига ўхшаб муаллиф уни ҳаёт ҳақиқати билан унга боғламайди, унинг мақсади жанр анъанасига амал қилиб шаклланган қолип ичида ҳажв қилинаётган шахсга зарба бериш бўлиб қолади. Ҳажвий қитъалар баъзида фақат қоралувчи шеърга айланади. Қасида таркибида бу жанр ишлатилганда муаллиф унда бир шахсни мактаб туриб унинг душманини ҳажв қилади ва шунда мадҳ қилинган шахснинг фазилатлари рақибини иллатлари ёнида яна бўрттириб кўрсатилади.

Вафот этган шахсга бағишлаган жанр “рисо” ёки марсияга келсак у ҳам Х аср келиб жуда кам ўзгарди, моҳияти сақланиб қолди. Одатда бу жанр кўпроқ мустақил тарзда, камроқ қасида таркибида учради. У ҳам 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчи

кисмида – ўйчанлик кайфиятда бўлиб тақдир бевафолиги, ҳаёт тез ўтиб кетиши, дунё фанийлиги каби мулоҳазали фикрларни ифода этади. Иккинчи қисмда марҳумни фазилатлари саналиб ўтиб унинг вафоти муносабати билан кайғу изҳор қилинади. Аммо X асрдан бошлаб марсияда ахлокий-фалсафий мавзуларни кучайганини кузатса бўлади.

VIII асрдан бошлаб ҳажми катта бўлмаган ишқ-севги, май, ташвишсиз ҳаёт қувончларини тараннум этувчи шеър ривожланиб кетди. X асрга бориб бу мавзуларда манзарали васфи гўзал нарсаларни тавсиф этувчи шеърини китъалар сони ошди. Бу жанрлар анъанавий ҳисобланмас эди, шунинг учун танқидчилар уларни “паст” жанрларга қўшишди. Ва антологиялар тузганда жанрларни “баланд” ва “пастларга” тақсимлаб чегара ўтказдилар.

“Тардийят” – ов васфи жанрида IX аср шоири ал-Бухтури, X аср ал-Мутанаббӣ мувафаккиятли ижод қилишди. Албатта, табиийки, бу жанр сарой муҳитида шаклланган ва асосан ҳалифа, вазирлар ва бошқа мансабдор кўзга қўринарли одамларни овини тасвир этади.

Ишқий лирика қасиданинг кириш қисмида ўз ифодасини тошган бўлса ҳам, аммо катта моҳиятга эга эмас эди. Ҳазал ва хамрийётлар X асрда тўла мустақил жанрга айланиб, китъалар, шаклида яхши ривожланди. Аммо бу жанрлар борган сари норматив характерга эга бўла бошлаши, яъни маълум анъаналарга бўйсунадиган бўлиши уларга зарар етказарди. Ишқий лирикада маъшуқа гўзаллигини тавсифи бир хил бўлиб, улар жонлигини йўқотиб, жанр моҳияти билан шартланган образлар орқали намоён бўлди. Зиёфатларга бағишланган шеърларда ҳам мутриблар, раққосалар васфи, май, мусика васфи анъанага айланиб, шоирлар уларнинг васфида бир-биридан ўтиб маҳоратини намоёйиш этишга интилишди.

Васф ҳам X асрда шартли сунъий равишда анъанавий бадавий муҳит яратиб, сахронинг ҳар хил қўриниши, от ва тулки васфи, жангу-жадаллар васфи, ов қилишнинг барча тафсилотлари васфи билан бир қаторда энди халифаликнинг узоқ-узоқ жойларини, Саройларни, боғу бўстонлар, кимматбаҳо тошлар ва буюмлар, иншоотлар, янги қурилган масжиду мадрасалар васфи билан алмаштирилди.

X-XII асрларда яна бир жанр мустақил жанр маромига тўла эришди. Бу зухдиёт жанри бўлиб, дастлаб унга Абу-л-Атахия асос қўйган. X-XII асрларда у буюк шоир ал-Мутанаббӣ ва

айникса, ал-Маарий ижодида ёркин ривож топди. Ал-Маарий бу жанрга ўйчан, мулоҳазали, лирик характер бериб мураккаб шаклларда ўзининг ахлокий-фалсафий дунёқарашини изҳор этади. Хар бир санаб ўтилган жанрлар ўзининг муайян шеърый мавзуларига эга эди. Улар “маъани” деб номларарди ва кўпинча хар бир жанр ўзининг собит ифодавий-тасвирий воситаларидан ташкил топган иборалар, образлар хазинасига эга эди. Албатта, тасвир тафсилотларида шоир ўз ихтироларида эркин эди, аммо сўз санъатларини ишлатилишида асрлар давомида йиғилиб келган тажрибага таянар эди. Масалан, ташбех (ўхшатиш) санъатидан мисол келтирайлик. Агар мадҳ этилган киши шер(асад) га ўхшатилса, душман албатта ит, маймун, чиябўри билан қиёсланарди. Мадҳ қилинаётган шахс саховатли денгиз ёки тошлоқ ерга неъмат келтирувчи булуғларга ёки шиддатли мавжлардан кўчиб ўтган кемага ўхшатиладди.

Тимсоллар ҳиссий бўлишга ҳаракат қилинарди: маҳбуба кўзлари тундек тим қора, лаблари мисоли ёқут, жисми мраммартондек текис, жингалак сочлари – узум гужумлари, баъзида кўзлари наргиз гулга, лаблари атиргул гунчасига, кўз ёшлари – дуру-маржонга такқосланарди. Шуниси аҳамиятга молиқки, араб андалусия шеъриятидан бу образлар жанубий Франция шеъриятига ўтиб, трубадурлар шеъриятида, кейинроқ эса барокко шеъриятида ҳам намоён бўлди.

Шундай қилиб, X-XII аср мумғоз араб шеъриятида янги жанрларнинг пайдо бўлиши деярли кузатилмади. Аммо янги жўш ураётган наҳар ҳаёти муҳиtida ва саройларда рўй берган шеърятга алоҳида эътибор бериш ҳолатида, анъанавий жанрлар шоирлар ижодида сезиларли даражада ўзгаришдан ўтди. Асрлар давомида шаклланган анъаналар қолипида шеърятнинг юксак намояндалари пайдо бўлди, чунки белгиланган мезонларга мувофиқ ижод қилиш ва шунинг билан бирга сўзамонликда, вазн танлашда, шеър санъатларини ишлатиш, антика образлар яратиш билан бошқалардан ўзиб кетиш шоирдан жуда катта истеъдод ва маҳорат талаб қилар эди. Шоирлар хар бир ёзган байтларини, хар бир сўзни чархлаб боришга интилар эдилар.

Айни X асрдан бошлаб, шеърый таомилларни бузмасдан, аммо маъноларда ўз истеъдодини ёрқин намоён қилган индивидуал-шахсий ижодиёт қомилликка эришди ва турфа забардаст

шоирларни етиштирди. Булар: Сурия шеърият хомийси амир Сайф ад-Давла саройида хизмат қилган машхур шоир ал-Мутанаббий ва унинг ракиби, лирик шоир Абу Фирас ал-Хамданий, Суриядан чиққан ва асарлари билан ҳар қандай анъана чегараларидан ўтган, ажойиб фалсафий-лирик асарлар яратган буюк араб шоири Абу-л-Ала ал-Маарийдир. Бағдодда ҳам ўзига хос шеърият соҳиблари аш-Шарифа ар-Родий, Ибн ал-Хажжож, тасаввуф шеърияти асосчиси Ибн ал-Фарид ва бошқа забардаст шоирлар ижод қилдилар. Шу бобнинг сўнгги қисмида улардан баъзиларининг ижодига тўхтаб ўтамыз.

4.2. Мумтоз араб шеърияти забардаст шоирлари ижодида жанрлар турланиши

Абу-т-Таййиб ал-Мутанаббий ўрта аср араб адабиётининг энг буюк шоирларидан биридир. Унинг ижоди нафақат замондошларига, балки сўнгги даврлар, ҳатто XX аср янги шеърият шоирларига ҳам таъсир кўрсатиб келди, жумладан, янги давр буюк шоирлари ал-Барудий ва Аҳмад Шавкий ижодида ал-Мутанаббий анъаналари кузатилди. Замондошларидан фарқли ўларок, ал-Мутанаббий анъанавий жанрларга шахсий унсурлар киритди. Унинг шеърияти воқеа-ҳодисаларга, шахсий саргузаштларга, ютуқ ва йўқотишларга бой ҳаётининг акс-садоси, бошидан ўтказган шоирлик тажрибасининг самарасидир. Шоирнинг шахсияти ўзи бир олам бўлиб, у мағрур, ҳатто такаббур, ўз ижодига бино қўйган, ўзига ишонган инсон сифатида гавдаланади.

Масалан, арузнинг “тавил” баҳрида ёзилган қасидаларидан бирида ўз ижоди тўғрисида шундай дейди:

وما الدهر إلا من روعة قصائدي إذا قلت شعرا أصبح الدهر منشدا¹

*Бу давр фақат қасидаларим айтгучиларидан иборат бўлди,
Агар шеър сўзласам, давр ўзи унинг куйчисига айланар.*

Абу ат-Таййиб ал-Мутанаббий барча жанрлар устаси эди, аммо баъзида унинг мадҳи кўп ўтмасдан фаҳрга (ўз-ўзини макташга) айланарди. Макталган одам қолиб, шоир ўзининг келиб чиқишига, ижодига, кўрган-кечирганларига ўтиб, ўз шахсиятини марказга қўйиб кетарди. Шоир асарларида таниш, маълум образларни қутилмаган сўзлар, ибора, жумлаларга буркаб

¹ ديوان المتنبي، بيروت، ١٩٦٤، ص. ١٥٢.

ташларди. Улар китобхонга ёки тингловчига мутлако нотаниш, ўрганилмаган, ғайриоддий туюларди.

Бу тўғрисида филолог Ибн Рашик (995-1064) шундай дейди: “Ўз билимини кўрсатиш учун Абу ат-Таййиб ғалати сўзларни ишлатар эди: “У канчалик маъноларга эътибор берган бўлса-да, шунчалик сўзларга эътибор бермас эди”. Сўнг у давом этади: “ал-Мутанаббий келиб бутун оламни тўлдирди ва одамларнинг акллари эгаллади”¹.

Ал-Мутанаббий ўз асарларида арабларнинг таркоқлигидан озор чекар, бирдамликка, кадриятларга қайтишга даъват этар, араблар ўз куч-қувватини йўқотганлигидан, кўп жойларда ажнабийлар ҳукм сураётганидан афсусланади. Улар, унинг фикрича, асл арабий кадриятларнинг кадрига етмайдиган ёт унсурлар бўлиб туюларди:

Халқнинг буюклиги – унинг ҳокимларида, арабларнинг ҳокимлари ажнабий бўлса келмайдиган омади.

Чунки у ҳокимлар нодон, келиб чиқини наст, ваъдасига қилмас вафо, йўқдир уларда инсоф.

Қаерга босмайин оёқ, ҳокимлари таъқиб қилар одамларни гўё улар қўйлар подаси.

*Бугун кийган шойи либоси энди дағалмиш, ваҳоланки кеча ўсган тирноғига чархлаб бўларди қалам*².

Ал-Мутанаббийнинг аччиқ сўзларидан, ўткир тилидан ҳокимлар сесканиб, унинг ҳажвияси нишони бўлишдан кўркардилар. Шоир ўзининг ҳомийси – Алеппо (Ҳалаб) амири Сайф ад-Давладан ҳафа бўлиб, Сурияни тарк этади ва Мисрда бошпана топади. Олдин Миср ҳокими, қора қуллардан чиққан Кафур уни яхши кутиб олди, ҳатто шоир унга мадхлар ёзди. Аммо кўп ўтмай муносабатлар бузилди, чунки Кафур қонуний ворисни тахтдан тушириб, ўрнини эгаллаган золим ва жоҳил ҳоким эди. У шоирнинг кетишига рухсат бермасдан, “олтин кафас”да ушлади, юриш-туришини чегаралади. Ўз айбини билган Кафур, шоир уни ҳажв қилишидан ниҳоятда кўркар эди. Ал-Мутанаббий бир амаллаб кочиб қутулади ва Кафурни аямасдан ўткир ҳажвга олиб, алаmidан чиқди. Кафурни жоҳил хайвонга ўхшатди:

أريك الرضا لو اخفت النفس خافيا و ما انا عن نفسي و لا غناك راضيا

¹ الأدب و تاريخه في العصورين الاموي و العباسي، ص. ٢٦٨.

² المتنبي، ديوان، ص. ٣٧٢.

امينا و اخلاقا و غرا و خسة رجينا؟ اشحضا لحت لى ام مخازيا؟
و تعجبني رجلاك فى النعل، اننى رايتك ذا نعل اذا كنت حافيا
و انك لا تدري ا لو نك اسود من الجهل ام قد صار ابيض صافيا
فان كنت لا خيرا اقدت فانتى اقدت بلحظى مشريك الملاهيا
و مثلك يؤنى من بلاد بعيدة ليضل ربات الحداد البواكيا¹

*Сенга розилик кўрсатдим, кўнглим сириб беркитса ҳам,
Лекин бўлмадим на ўзимдан, на сендан рози.*

*(Рози бўлайми?) Ёлгонга, ваъдасизликка, алдаш, фасодга
Ёки кўрқоқлигинга? Одам бўлиб кўриндингми ёки*

буткул шарманда?

*Мени ҳайратга солди шиппак кийган оёқларинг,
Ахир кўрган эдим оёқ яланг бўлганингда, уларга
қоқилган тақани.*

*Билмайсанми, рангинг қорайди жаҳолатданми
Ва оппоқ бўлган эдинг олдин у?*

*Сенда ҳеч яхшилик бўлмаса-да, барибир фойданг тегди,
Чунки мен томоша қилдим (туяникидек) семиз*

лабларингни.

*Сенга ўхшаганларни олиб келишар олис жойлардан
Кулдириш учун аза тўтиб йиғлаётган хонимларни.*

Бу сатрларда шоир мохирона сўз ўйинини ишлатган. Масалан, “рижлун” сўзи ҳам одам оёғини ҳам ҳайвоннинг орқа тўғини ифодалайди. “Наъл” сўзи ҳам икки маънога эга – биринчиси шиппак, иккинчиси тақа. Ал-Мутанаббий Кафурни оёғига тақа қоқилган уловга ўхшати.

Ушбу сатрларни ўқиб киши ҳайратда қолади – қандай қилиб олдин мактаб ёзган одамга (мамдухга) юрагида шунча нафрат сақлаб, унга мадхлар ёзган. Биринчидан, уйини тарк этиб, дарбадар бўлган шоирга бошпана берган ҳокимга мадхлар ёзиш одатга кирган эди. Иккинчидан, Кафурга атаб ёзилган мадхлар диққат билан ўқилса, ундаги дабдабали муболағаларга бой мактовлар орқасида қандайдир маъноости масхаралик бор, чунки ҳассос шоир биринчи кундаёқ зўравонлик билан тахтга ўтириб атрофида жоҳиллик ва зулм таркатган кабиҳ ҳоким Кафур табиатини ўзи учун дарров аниқлади. Шунинг учун мадхларда нафакат такаллуф ва сунъийлик, балки, матности сирли ҳажвия сезилиб туради.

¹ المتنبي، ديوان، بيروت، ١٩٦٤، ص. ٣٧٣

Бошқа мадхларида бундай ҳолатни кўрмаймиз, айниқса адабиёт ҳомийси, саройида ажойиб адабий-илмий муҳит яратган Сайф ад-Давлага бағишланган мадхларда бу ҳолат йўқ.

Уларда биз ҳақиқий эҳтирос, самимийлик, мамдухга нисбатан чексиз эҳтиромни кўраемиз. Ал-Мутанаббий анъанага қайтишнинг ашаддий тарафдори бўлмаган, аммо асл арабий қадриятларга, қадимги шеъриятга ва унинг намояндаларига юксак баҳо беради. Сайф ад-Давла сиймосида ал-Мутанаббий ҳақиқий араблар амирини кўради ва уни намунали арабий қаҳрамон сифатида тасвир этарди. Лекин ал-Мутанаббийнинг мадхлари олдинги шоирлар мадхларидан фарқ қиларди. У қасидада насиб қисмидан воз кечди ва тўғридан-тўғри мақсадига ўтади. Яна фарқи – унинг қасидасида эпик лавҳалар пайдо бўлиб, улар орқали шоир тарихий воқеа-ҳодисалар, катта жанглар, қабилавий ва давлатлараро муносабатлар, ёрқин шахсларга ёндашади ва бу ёндашишда ўз зехнини ўткирлигини ва мулоҳазалилигини кўрсатади. Шоирнинг Сайф ад-Давлага бағишлаб ёзган мадхлари амир ва амирлик ҳаётига бағишланган хроника ўрнини эгаллайди, улардан тарих учун етарли даражада фактлар йиғиб олиш мумкин.

Кафурга бўлган муносабатдан фарқли ўларок амир ва шоир орасига совуқлик тушиб, ал-Мутанаббий саройни тарк этишга мажбур бўлганида ҳам шоир Сайф ад-Давлага содиқ қолди, уни улуғлади, фақат ораларини душман аралашиб бузганидан нолиди ва рақибларга ишонган амирдан кетма-кет шунчалик кўп гиналар қилдики, бу гиналар ижодида – “гинахонлик” – “ал-итаб” жанри мақомига кўтарилди. Машҳур “мимийа” (мим ҳарфи билан кофияланган) қасидасида Сайф ад-Давлага қаратиб шундай дейди:

و احر قلباه ممن قلبه شيم و من بجسمي و حالي عنده سقم
مالى الكتم حيا قد يرى جسدى و تدعى حب سيف الولة الامم¹

Эй воҳ! Қалб ёнмоқда қалби совуққа нисбатан

Билмас у на чекар тану руҳим беморликдан

Менга нима, беркитаман жисмим ўртаётган муҳаббатни

Барча одамлар излаётганда Сайф ад-Давла

муҳаббатини

Қасида давомида амирга мурожаат қилади:

1. الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباسى، ص. ۱۹۵.

Эй одамлардан энг адолатли, фақат менга қилган муомалада эмас,

Сенда ҳусумат бор, сен ҳусумат қилувчи ва ҳқм чиқарувчисан.

Амирга таъна-ю гина сочганидан кейин шоир ўзи ижодини макташга ўтади, рақибларидан устунигини кўрсатади:

Менинг шеърларим (ғўзаллигини) кўр ҳам кўради

Сўзларини эшитади қўлоғи қар ҳам,

Қаттиқ уйқуга кетсам ҳам, қабоғим тўла ажойиб шеър силсиласига

Буни билган одамларни уйқуси келмас ҳусуматидан.

Ҳақиқатда шоир ал-Мутанаббий ўз ижоди, шеър ёзиш маҳорати, уларнинг жозибаси билан фахрланарди. Унинг шеърларида фахр жанри яна тикланди ва ривожланди. Ўз ўзини макташ арабларда Жохилия даври шеърлятида одат тусига кириб қолган ва фахр жанрини ташкил қилган ижодлардан эди. Фахрни эшитганлар шоирни мактанчоқликда айблашмайди, албатта бунда мактовларга асос бўлса, бас. Ал-Мутанаббийда бундай асос бор эди, у ҳар томонлама тўлақонли ҳаёт кечирди ва шеърларида ўша ҳаётни муҳраб ўтди. Шунинг учун шоир ўзи тўғрисида куйидаги сатрларни ёзса, биз унга ишонамиз:

و مرهف سرت بين الجفلين به حتى ضربت موج الموت يلتطيع
والخيول والليل والبيداء تعرفني والسيف والرمح والقرطاس والقلم
صحبته فر القلوات الوحش منفردا حتى تعجب مني: الغور والاکم²

Икки қўшин орасида югурдим ўтқир қиличдек

Урганимда ўлим тўлқинлари бир-бирига урилди

Мени танийди от, тун ва саҳро

Танийди қилич, найза, қозоғ ва қалам

Саҳроларда йўлдош бўлдим танҳо йиртқич ваҳшиниға

Ҳатто ҳайрон қолди менга еру тепалар.

Шоирнинг жўшқин ҳаёти иккинчи байтда мужассамланган десак бўлади; от - шоирнинг сафарларида доимий йўлдоши, тун - душман ва рақибларидан неча бор тунда қочган, саҳро - неча бор дарбадар бўлиб саҳрони кезган, қилич-найза — жангу жадалларда қўлидан туширмаган қуроллари, айниқса Сайф ад-Давла ҳарбий

¹ Ўша китоб. — Б. 196.

² الادب و تاريخه في العصرين الاموي و العباسي، ص. ٢٦٦.

юришларда бўлганида ва ниҳоят – қоғоз, калам – булар шоирнинг асосий қуроллари, ижодининг рамзи.

Васф жанри ал-Мутанаббий шеъриятида ал-хамаса, мадҳ ва фаҳр жанрларга нисбатан камроқ учрайди, лекин бу соҳада ҳам у мукамалликка эришган. Табиат васфидан кўра у жангу жалаълар, жасорат кўрсатиш мавзуларини афзал кўрарди ва инсон ҳулки атвори васфига кўпроқ эътибор берарди. Баъзида бошқа шоирлар шеърида учрамайдиган ёки кам учрайдиган нарсаларни таърифларди.

Масалан, безгак касалининг таърифи:

و زائرتي كان بها حياء فليس تزور الا في ظلام
بذلت لها المطارف و الحشايا فعافتها و باتت في عظامي
يضيق الجلد عن نفسي و عنها فتوسعه بانواع السقام
اراقب وقتها من غير شوق مراقبة المشوق المستهام
و يصدق و عدها و الصديق شر اذا القاك في الكرب العظام
اينت الدهر عندي ينت فكيف و صلت انت من الزحام¹

Мени касал зиёрат қилган эди, гўё хаёли хонимдек

Зиёрат қилар эди у фақат қоронғу тунда

Нафратланиб улоқтирдим унга шон чойшаб кўрпаларни

Аммо у тунади суюкларимда

Нафасим қисиб тиришди терим оқибатида,

Қоплади уни турли оғриқ офатлар

Қўзатдим вақт ўтишини тоқатсиз,

Бу қўзатиш ўзга эга бўлиб ёлғиз қолди истаги эди.

Ваъдасига вафо қилиб қайтди унинг вафоси ёмон

Агар таниласа ғам-ғусса оғушига

Яна даҳр юборди менга мусибат қизларидан

Қандай ўтиб борасан улар издиҳомидан

Бу китъала шоир безгак касалини аёлга ўхшатади, у даҳр мусибатларидан бири. Одатда безгак бир вақтда тутиб, жисми қокшатади, тутишдан тўхтаса ҳам асорати қолади.

Рисо жанрида ҳам ал-Мутанаббий кўп ёзмаган. У марсияларни фақат яхши кўрган одамлари вафотига бағишлаб ёзарди, шу жумладан, бувиси ўлимига ажойиб марсия ёзди. Бу марсиялар тақаллуфдан холи бўлиб, улардан чин самимийлик ифори, чуқур ҳиссиёт буркиб туради:

ما كنت احسب قبل دفنك في الثرى ان الكلوكب في التراب تمور

¹ الادب و تاريخه في العصرين الأموي و العباسي، ص. ٢٦٦

ما كنت امل قبل لعنتك، ان ارى رضوى على ايدى الرجال تسير
 خرجوا به و لكل باك حوله صعقات موسى يوم ذك الطور
 حتى اتوا جدنا كان ضريحه فى كل قلب موجد محفور
 كفل الثناء له يرد حياته لما انطوى فكانه منشور

*Қора ерга дафн этилишингдан олдин билмас эдим
 Юлдузлар ҳам тупроққа кўмилар экан
 Тобутида ётилишингдан олдин қутмаган эдим кўришини
 Радва¹ одамлар қўлида кетишини
 Уни олиб чиқишди, атрофида ҳамма йиғида
 Мусонинг қичқиришидан Тур тоғи қимирлагандек
 Етиб келишди гўр ёнига, аммо аллақачон дариҳи
 Пайдо бўлиб қазилган эди барча қалбларда
 Кафл бўлди ҳамду санолар ҳаётини қайитишига
 У ўралган бўлса ҳам тарқалди ҳар томонлама*

Оддий, лекин таъсирчан сўзлар билан шоир мархумга муносабатини билдирмоқда. Уни юлдузга, Мадинаи мунавварадаги Радва тоғига ўхшатди. Дафн маросимида йиғлаганлар изтироби, Мусо пайғамбар Синодаги Тур тоғида чакмок чакиб гулдирган пайтида чеккан изтиробига ўхшатмоқда. Вафот этган одам фазилатлари туфайли одамлар қалбида боқий яшайди.

Ал-Мутанаббий ғазал жанрида ҳам яхши шеърлар ёзар эди, аммо улар ишк-мухаббат мавзусига бутун вужудини бағишлаган шоирлар шеърларидан фарқли ўларок, анча вазмин, сипо оҳангда ёзилган. Гўзал кизлар тўғрисида шундай дейди:

لبسن الوشى لا متجملات و لكن كى يصن به الجمالا
 و ضفرن الغدائى لا لحسن و لكن خفن الشعر الضلالا²

*Жимжимадор либос кийдилар чиройин кўз-кўз қилиш учун
 эмас*

*Аммо у билан яна қўшишди чиройга чирой
 Сочларини ўришди ҳусн учун эмас
 Аммо беркитган сочларда гўзаллик адашди.*

Ҳикма (ҳикматлар) – жанрида ҳам ал-Мутанаббий катта мувафаккиятларга эришди, айти шу соҳада шоир катта шуҳрат қозонди. Ўзининг шахсий тажрибасидан ва илҳомидан келиб чиқиб, шоир ҳаёт қонунлари тўғрисида маслаҳатлар беради. Уларда у олижаноб, кучли инсонларни тараннум этади:

¹ Радва – Мадинаи Мунавварадаги тоғнинг исми

² ۲۶۵ الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباس، ص.

إذا انت اكرمت الكريم ملكته و ان انت اكرمت النعم تمردا¹

Агар сен олижанобга каромат кўрсатсанг, у сеники

Агар сен разилга каромат кўрсатсанг бир куни исён кўтаради.

Шоир ўзининг ўткир зехни билан бу оламда ҳамма нарса нисбий эканлигини тушунади, бир нарсага лойиқ бўлган, бошқасига зарар келтириши мумкинлигини англайди:

و ضع الندى فى موضع السيف بالعلام مضر لو وضع السيف فى موضع الندى²

Шабнамни тепадан қилич турган жойига тушиши зарардир

Зарар бўлгандек қилични шабнам тушган жойига қўйиш.

Яъни, шабнам канчалик чиройли бўлмасин, у билан қилични ёнма-ён туриши зарар чунки қилич занглайди.

Куйидаги афоризмларда биз аниқ ва теран фикрни кўрамиз:

فقر الجهول بلا قلب الى ائب فقر الحمار بلا راس الى رسن³

Қалбсиз нодоннинг адабга бўлган эҳтиёжи

Мисоли калласиз эшакни ўзганга бўлган эҳтиёжидир.

Ал-Мутанаббийнинг яна бир қатор хикматларидан намуналар:

Агар шер сенга тишларини кўрсатса,

У сенга табассум қилди, деб ўйлама,

Асирга тушган чиройли кийимларга хурсанд бўлмас,

Мархумни қувонтирмагандек чиройли кафан

Хар бир инсоннинг жасурлиги — унинг бойлиги,

*Аммо доно кишининг жасурлигига ҳеч ким тенг келмас*⁴.

Шунга ўхшаган хикматли сўзлар шоир захирасида жуда кўп, улардан кейинги авлодлар тўла баҳраманд бўлиб келмоқда. Бу хикматлар — ихчам ибратли фикрлар — афоризм тарзида тарқалиб оммалашди ва ҳаётий тажрибаларни англатди.

Шунингдек, шоирнинг захирасида ахлокий, фалсафий мулоҳазалар ҳам кўп учрайди. Бу жанр бошқа буюк ўрта аср араб шоири Абу Ала ал-Маарий ижодида бошқа жанрлар таркибида

¹ Ўша жой.

² Ўша китоб. — Б. 265.

³ Ўша китоб. — Б. 80.

⁴ Фильштинский И.Л. История арабской литературы. — Б. 82.

лирик чекиниш сифатида намоён бўлади. Масалан, Мисрга бағишланган ҳафиф баҳрида ёзилган касидада шоир шундай мулоҳаза қилади:

و تولوا بغصة كلهم منه وان سر بعضهم احيانا¹

*Биздан ҳам олдин одамлар замон билан бирга юрдилар,
Уларни ҳам қизиқтирган эди, бизни қизиқтирган
нарсалар*

Улар ҳам ботган эди, биз каби ҳам гуссага,

Баъзилари аҳён қувончдан ҳоли бўлмаса ҳам.

Шундай қилиб ал-Мутанаббий барча жанрларда муваффақиятли ижод қилди, уларда кадриятларни ва янги тамойилларни ўзаро уйғунлаштирди. Анъаналарни ардоқлаган ҳолда уларни замон билан боғлади, жонлантирди, шеърларида долзарб масалаларни кўтарди ва ўз муносабатини билдирди. Ҳар бир жанрда мадҳ ёки ҳажв бўлсин, унинг шахсияти ёрқин намоён бўлади. Жамият ва муҳит адолатсизликлари, зиддиятларга мурокасиз бўлди. Анъанага кўра, ҳар бир байт ўзида тугал фикрни мужассамлаштирган бўлса ҳам, шеърлари бир-биридан узилган сатрлар бўлмасдан, бир мақсадга қаратилган яхлитлик ташкил қиларди. Керакли муносиб сўз топиш, уларни матнда жилвалантириш, ёрқин ва бой титмоллар яратиши замондошлари ва сўнгги авлодларга шоирнинг буюк истеъдодини тан олишга ва ижодига эҳтирос қўйишига олиб келди. Аммо шоир яшаган муҳитда уни ашаддий такаббурлиги, ҳеч кимга ўхшамаган шахсияти ва ижоди билан ҳақли равишда фахрланиши, атрофдагиларнинг ғарази, хусумати, адовати ва рақобатини уйғотар эди.

Буларни сезган шоир маъюслик кайфияти оғушига кириб, қалами остидан аякчи сатрлар чиқа бошлади. Бу кайфият ал-Мутанаббий Миср сафаридан ватанига қайтиб келганда, айниқса кўпайди.

*Мен яна (диёримга) қайтиб келдим, “қаламнинг қолмади
энди шуҳрати,*

шуҳратнинг эгаси энди қилич” - дейди менга қаламлар.

*“Одамларга шикоят қилма, мажруҳ шикояти қарга ва
қузғунларнинг иштаҳасин кўзгатар.*

Одамлардан эҳтиёт бўл, хушёрлигинг бекит, алданмагин

¹ الأدب تاريخه في العصورين الأموي و العباس، ص. ٢٦٥.

*Мафтункор табассум қилувчи лаблардан*¹

Бу сатрларни ҳаётида аччиқ тажрибадан ўтказган инсон ёзиши мумкин. Ал-Мутанаббий шундай инсонлардан эди.

Ҳаётининг охирида шоир ҳамма нарсадан кўнгли қолгани ва ҳафсаласи пир бўлганлиги куйидаги сатрлардан билинади:

Недан тасалли топай, менда йўқ на оила

*На дўст бор, на ватан, на уй, ҳатто май ичишга қадаҳ!*²

Байт шоирнинг ёлғизлиги ва яшаган муҳитдан бегоналашганини кўрсатади.

Юкорида зикр қилганимиздек, ал-Мутанаббий шеърлятида ишқий шеърлар ғазал ва хамриёт жанрлари кам учрайди. Ҳаётининг охири оғир кечгани туфайли ижодида фалсафий-ахлокий фикрлар устун келди, шунинг учун уни “рабб ал-маъно” (маъно устаси) деб аташган.

Ал-Мутанаббийдан фаркли ўларок унинг замондоши ва ижодий рақиби амир Абу Фирас ал-Ҳамданий (932-968) аксарият ҳолда ишқий лирикада шеърлар ёзди. яна қасидада лирик чекиниш-насибни ва фахр жанрини афзал кўрди. Амир Сайф ад-Давланинг яқин қариндоши, ҳукмдорлардан бўлган амир Абу Фирас ал-Ҳамданий ҳомийларга аталган мадҳлар ёзишга мухтож эмас эди, аммо Ҳамданийлар сулоласига наслу-насаби тақалгани учун, улар ичида ўз жасорати билан танилгани, кўп жангларда қахрамонлик кўрсатганидан фахрланиб, фахр (ўз-ўзини мақташ) жанрида кўп байтлар яратди:

Агар бошқалар қадаҳ, май, тор, танбур, уд учун яратилган бўлса,

Ҳамданийлар шухрат, қаромат, қудрат учун яратилган

*Биз ўрта ҳолни билмаймиз, ё биринчи сафдамиз ёки қабрда Ҳаётни биз учун қадри йўқ, марду майдон бўлмасак*³.

Шоир учун бадавий арабларга хос фазилатлар яқин, у қадимги шоирларга тақлид қилиб ёзади:

Эркаклар тарк этган қишлоққа эрта тонгда ҳужум қилмаймиз,

¹ Фильштинский И.Л. История арабской литературы. – Б. 74.

² Ўша жой.

³ ابو فراس، ديوان، بيروت، 1959. ص. 160-159.

Душманга ташланишдан олдин хабар юборамиз унга.¹

Ишқий лирикада ҳам Абу Фирас Узра шоирларига ўхшаб севгилисини улуғлайди, ишк-муҳаббат йўлида ҳалок бўлаётган қаҳрамонни тасвир этади:

Қавму қариндошим ўтроқдир, аммо сен туфайли

Айландим мен кўчманчига, сен йўқ барча жой мен учун саҳро!

Бадавий шоир Умар ибн Абу Рабиъий каби Абу Фирас ғазалларида ошиқларнинг жонли диалогларини келтиради:

Деди: Охирги маротаба кўришганимиздан кейин

Вақт асло аямабти сени!

Дедим: Худо асрасин! Вақт эмас, аямаган сендирсан ёлғиз!²

Мадҳдан ташқари Абу Фирас ҳамма жанрларда ижод қилган. Ўзига хослиги унинг “ихванийя” жанрида кўп ижод этиши бўлди, яъни дўстларига, дўстликка бағишланган кўп шеърлар ёзди. У тўқиган марсиялар қисқа ва таъсирчан чиққан. Ҳақиқий шуҳратни шоирга Византияда (Румда) ёзган лирик шеърлар туркуми олиб келди. Улар уни асир тушиб баланд минорда камокда ётган пайтида ёзилиб, “Румийат” номини олди. Румлиқлар зодагон асир учун катта пул олиш ниятида уни занжирбанд қилиб, каттиқ қўриқлашарди. Аммо шоирнинг онаси канча ялчмасин, амакисининг ўғли амир Сайф ад-Давла шоирни асирликдан озод қилишга шошилмас эди. Оғир аҳволда қолган шоир, шу даврда ёзилган шеърларида, руҳи азобланган инсоннинг ҳиссиётларини самимий, таъсирчан шеърларда изҳор этди. Бу шеърларни бир жанрга мансуб деб бўлмайди. Улар ҳамма жанрлар чегарасидан чиқиб яхлит шахсий кечинмалар мажмуасини ташкил қилади. Улар бамисоли кишанданган шер ноласи. У қарама-карши ҳиссиётлар исканжасида қолиб кетган, бир томондан шахсияти изза бўлган, иккинчидан зор йиғлаган онаси олдида қайтиш масъулиятидан қийналади:

Агар Манбижда қолган қари онам бўлмаганда,

Ўлимдан қўрқмас эдим, мен асло

Сўрамас эдим озодлигим учун пул юборишларини.

Мағрур руҳим инкор этар разил бу ишни

¹ Ўша жой.

² Фильштинский И.Л. История арабской литературы. – Б. 90.

Аммо бўйсунаман она разбатиға ноилож,
Нолойиқ бўлса ҳам бу қилмишим
Чунки менинг фарзим бор уни юпатишда
Бу муштира аёл йиглар менинг фироғимда¹

Узоқ давом этган асирликда Абу Фираснинг биттаю битта суҳбатдоши панжарали зиндон туйнугига учиб келадиган каптар бўлди. Унга мурожаат қилиб шоир дейди:

اقول و قد ناحت بقربى حمامة: يا جارتا هل بات حاك حالي؟
معاذ الهوى؟ ما نقت طارقة النوى و لا خطر منك الهموم ببال
اتحمل محزون القوادىم على غصن نائى المسافة عال
يا جارتا، مانصف الدهر بيننا تعالى اناسمك الهموم تعالى
تعالى ترى روحا الذى ضعيفة تردد فى جسم يعذب بال
ايضحك ماسور و تيكى طليقة و يبكى محزود و يندب سأل
لقد كنت اولى منك بالدمع مقلة و لكن دمعى فى الحوادث غال²

Ғапирмоқдаман ётимда гув-гувлаб йиглаётган каптарга

Айё қўшинижон, сенинг ҳолинг ҳам менинг ҳолим каби
ёмонми?

Муҳаббатда истайсанми топиш паноҳни?

Аммо мен каби мусибатни кўрмадинг

Келмади гам таъвипи сенинг кўнглингга,

Ёки маҳзун қалбидини қанотларда учириб

Олиб кетдингми узоқдаги шоҳлар теңасига?

Айё қўшинижон, тақдир бизга тең бўлмади,

Кел, бўлишай сен билан таъвишларимни, кел!

Кел кўргин руҳимни, заифлашган у

Ҳисмим беқарор, дилим азобланмоқда

Ахир куладими асир, сен ҳатто озод бўлиб йигласанг

У маҳзун сукут сақлар, тасалли топган йиглар

Аслида сендан олдин кўзларим тўлган ёшга,

Аммо уларни бу вазиятда тўкиш менга қимматга

тушади.

Ал-Мутанаббий билан Абу Фирас такқосланса, шеърларининг яқинлиги, уларда шоир шахсияти аниқ намоён бўлишида кўринади, аммо умуман олганда булар бутунлай бир-биридан фарқ қилувчи ижодкорлардир. Ал-Мутанаббий шеърларида

¹ Ўша китоб. – Б. 91.

² الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباسى، ص. ۷۰.

образлар ёрқин, маъноларга бой, маҳорати мақсад қилинган ғояга бўйсунган. Абу Фирас шеърларида тўқиб солган ҳис-туйғуси билан кишини мафтун қилади, улар ниҳоятда самимий, нозик ва нафосатли, шоир оддий сўзлар билан ички оламини намоён этади. Шоирнинг кечинмалари шахсий бўлса ҳам, ўқувчи уни ўзига яқин олади, ҳамдард бўлади, тушунади. Қанча вақт, асрлар ўтмасин, Абу Фираснинг қаҳрамонини ҳис туйғулари ҳозирги давр учун ҳам долзарб, ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу сифат лирик жанрнинг асосий белгиларидандир. Ва у Абу Фирас ижодида таҳқирланган, хиёнатга учраган инсон кечинмалари орқали кўрсатилган. Ал-Мутанаббий ва Абу Фирас ал-Ҳамданий Сурияда ҳокими амир Сайф ад-Давла саройидаги адабий муҳитда шаклландилар ва танилдилар. Бу буюк шоирлардан ташқари Х аср бу доирага яна бир нечта кўзга кўринган шоирлар қатнашдилар. Улар ас-Санаубарий (945йил вафот этган), ака-ука ал-Ҳамидийлар ва бошқа шоирлар бўлиб барча жанрларда ижод қилдилар (мадҳ, рисо, ҳамрийат), аммо табиат васфида чиройли шеърлар яратишди. Бу борада айниқса, ас-Санаубарий катта ютуқларга эришди. Табиат васфи унда ал-Мутанаббий ва Абу Фирасларнинг табиат васфидан ажралиб турар эди. Агар ал-Мутанаббий табиат васфида уни адолатсиз дунёга қарама-қарши қўйса, Абу Фирас табиатда эзилган руҳи учун ҳамнафаслик топса, ас-Санаубарий табиатнинг ўзини васф этди. Унинг чиройларини, мувозанатини, боғу-бўстонларини, мавсумлари, хайвонларини куйлади, унда ҳаёт мавжларини кўрди, у билан уйғунлашди. Масалан, гулзорда ҳар бир гулни сўз ёрдамида шундай ёрқин шаклини ясайдики, гўё у мўйқалам билан чизиб чиққандек туюлади. Куёш нурлари остида жилваланган гуллар рангини қимматбаҳо тошлар ранги билан қиёслайди. Шоир табиатини жонлантиради, гулларга инсон сифатларини бериб, ташхис санъатини моҳирона ишлатади:

*Кўрганмисан нарғиз кўзларидан чиройлироқ кўзларни?
Атрофига эътибор ила боқиб турибти у
Ёнма-ён турганлар билан хабарлашади,
Бир жойда учрашган ошиқлардек бир бирини қучади¹*

¹ Фильштинский И.М. История арабской литературы. М., 2010, – Б. 99. Рус тилидан таржима.

Агар май ичиб сен уйқуга кетсанг,

Улар бедор қўзларини сендан узоқмас.

Ас-Санаубарий васф ёки мадҳи учун атрофдаги муҳитдан таниш нарсалар ажратади ва шундай чиройли тасвир қиладики, шеърхонда табиат мавжудотига катта кизиқиш уйғотади. Шундай васфлардан бири хўроз васфи:

*Тунда қичқиригини бошлаган у овозини сира пасай-
тирмайди.*

Ўзи уйқуга тўйиб тонгни даъват қилади.

Жонланиб қанот қоқиб томогини чўзади

Ва барчани жунбушга келтиради.

Қанотлари чойшабдек осилган икки томондан,

Қора патлар орасидан кўринади оқ патлар.

Томогини безатган маржоннинг ранги

Қизил атиргул рангидан ёрқинроқдир у.

Ҳаммаёқни кўради ўткир нигоҳи билан,

Кўзлари икки қиммат тошга ўхшайди.

Уни давлат теңасида дерсан, чунки бошида

Хусрай подшоҳлари тоғсидек тоғи бор.

*Ёки ўхшар у аскарга, лашикарбоши уруш байрогини
кўтарганда, боғлайди у оёғига темир тепаки тилини¹.*

Кахрамонлик шеърияти муаллифи ал-Муганаббийда юкорида келтирган оддий хўроз васфини учратиш амри маҳол эди. Чунки уни кўпроқ инсоннинг буюклиги, ишларининг муҳимлиги, яъни, юксак масалалар қизиқтирарди. Ас-Санаубарий эътиборли нарсаларни оддий ҳаётда топарди ва улар васф этишга арзийди, деб ҳисобларди, реал ҳаётни таассуротлардан келиб чиқарди.

Ас-Санаубарий. Кушажим, ака-ука ал-Ҳамидийлар ва бошқа суриялик шоирлар мумтоз шеърят ҳудудларини кенгайттирдилар, шеърларга оддий нарсалар тасвирини олиб кириб, шеърятни ҳаётга яқинлаштирдилар.

Мумтоз араб шеърятини XI асрда энг юкори поғонага чиқарган шоир Абу Ала ал-Маарий (973-1058) ҳисобланади. Унинг асарларида шахсий ижод ва индивидуал муаллифлик мавқеи ўзининг тақомилига етди. Шу жиҳатдан, унинг мумтоз араб шеърят тарихидаги ўрни бекиёсдир. Ал-Маарий ўзига

¹ Ўша китоб. – Б. 103.

бўлган даврларда тараққий этган барча фалсафий-диний таълимотларни ижтимоий тамойиллар билан уйғунлаштирган ҳолда ижодий ўзлаштирди.

Шоир ижодининг кўламдорлиги, унинг ҳақиқат ва адолат йўлидаги тинимсиз изланишлари, шахсиятида зулм ва адолатсизликка нисбатан муросасиз муносабат устунлиги билан белгиланади. Уч ёшида кўр бўлиб қолган шоир ўз умр йўли давомида аччиқ ҳаёт тажрибасидан ўтди, шу билан бирга, унинг характери шаклланишида атрофида ҳукм сурган жаҳолат, нодонлик, таассубчилик ва зўравонлик каби жамиятдаги иллатлар кучли таъсир кўрсатди. У инсонларнинг ғам-аламларига ҳамдард бўлди, турли таълимотлар орқали зулмни тугатишга йўл топишга жазм килди, ечимини тополмай, ҳатто, аламзада бўлди, қадриятларга шубҳа билан қаради, тушкунликка берилди. Аммо шоирнинг метин иродаси унинг мағрур бошини эгишига йўл қўймади.

Ал-Маарий дастлаб ижодини шеър ёзишдан бошлади. Шоирнинг ўзи томонидан тузилган “Чакмоқтош учкунлари” (“Сақт аз-Занд”) номли илк девонида унинг мадҳ, фахр, рисо, васф, насиб жанрларида ёзилган шеърлари жамланган. Аммо девонда ўрта асрлар араб шеърлятида урф бўлган, муайян шахсга қаратилган хижо ҳамда шароб ва ов васфига бағишланган ҳамриёт, тардиёт жанрлари мутлақо учрамайди. Бошқалардан фарқли ўларок, шоир жуда камтарона ҳаётда яшаб, ҳеч қачон ижодини тирикчилик йўлига йўналтирмаган. Унинг мадҳлари дўстларига ёзилган биродарлик номалари тусини олади ёки ўта ўқимишли, билимдон, одобли ва обрўли кишилар мақтовидир.

Фахр жанрида шоир, анъанага кўра, ўзининг келиб чиқиши билан эмас, балки ақл-заковати, маънавий дунёси орқали етишганлари билан фахрланади. Шоир шеърларининг ҳар бир сатридан маънавий ҳаётни моддий ҳаётдан юқори қўйгани сезилади. Шунинг учун ҳам бу сатрлар ҳикматли сўзлар ва иборалар хазинасига айланиб борган.

Умуман олганда, ал-Маарий қайси жанрда ижод қилмасин, уни ҳар томонлама нуфузли, ўқимишли оиладан чиққанлиги, ўзи ҳам замонасида пешқадам инсонларидан бўлганлиги яққол сезилади. Шоирнинг шариат, фикҳ, ҳадис ва бошқа мусулмон илмларидан, ислом тарихи, адабиёт, араб филологияси, умуман маънавий-маданий меросдан яхшигина хабардор эканлигини

асарларида келтирган ривоятлар, қуръоний иқтибослар, илмий мулоҳазалар, макол, масал, тарихий воқеа-ҳодисаларга, диний таълимотларга таянганидан билиш кийин эмас.

Ал-Маарийнинг шоир ва мутафаккир бўлиб шаклланишида ал-Муттанабийнинг таъсири ҳам катта. Ал-Маарий унинг шеърларини ёддан билган, уни ўз устози деб ҳисоблаган, шеърларига шарҳлар ёзган.

Ал-Маарий ижодий фаолиятининг бошиданок мавжуд жанрлардаги анъанавий таркибни ўзгартириб юборди. Мамдуҳ (мадҳ этилувчи шахс)нинг фазилатларини мақташда унинг тўқима фазилатларини кўкларга олиб чиқиб тавсифлаш ва сўнг ундан хайр-садақа сўраш анъаналаридан воз кечиб, унинг хислатларига асл арабий қадриятлар нуктаи назаридан ва маънавий қийматлар кесимида ёндашади ва баҳо берди. Шахснинг фазилатларини эса ўқимишлиликда, билимдонликда, нафси тийиш, камтарлик, ҳаёт неъматларидан оқилона фойдаланишда кўради ва, шунингдек, ҳаётда фаол мавқени эгаллаб, атрофдагиларга нисбатан лоқайд бўлмасликни талаб қилади. У арузнинг хафиф баҳрида ёзган байтларида шундай дейди:

ليس من مات فاستراح بميت انما الميت ميت الاحياء
انما الميت من يعيش كئيبا كاسف باله قليل الرجاء¹

Ўлиб, ўлим ила роҳатга эришган маййит эмас,

Ҳақиқий маййит яшар тириклар орасида

Ҳақиқий маййит яшар доим тушкунликда

Рухи эзилган, умиди узилган ҳолда.

Ал-Маарий ижодида ҳам тушкунлик кайфияти етакчилик қилиб, унга ҳаётбахш, оптимистик руҳ деярли хос эмас. Айниқса, бу ҳолат марсияларда кузатилади. Бироқ бу жанрда ҳам шоир анъанадан чекинади. Марҳум бир томонда қолиб, шоир ўзининг севган мавзуси — тақдир шафқатсизлигига, ҳаёт бевафолиги ва машаққатлилиги мавзусига ўтиб кетади. Ҳаётнинг бевафолигини кўрсатиш учун шоир тарихий образларга мурожаат қилади, ривоятлар ва афсоналардан, тарих ва реал воқеликдан мисоллар ва намуналар келтиради. Дунё, ҳаёт бевафолиги мотиви олдинги араб шеъриятида ҳам учрар эди, аммо ал-Маарий уни ўз маромига етказди. «Айтиш мумкинки, — дейди рус арабшуноси

¹ الأدب و تاريخه في العصرين الأموي و العباس، ص. ١٧١

И.М.Фильштинский, – аза муносабати билан ёзилган ал-Маарийнинг марсиялари, бу жанрнинг кўп асрлар давомида ривожланишининг юкори чўққиси ва натижасидир, шунингдек, улар муаллиф кўп ўқиганлиги ва билимдонлигининг ёрқин намоиши эди»¹.

Марҳумга бағишлаган марсияда шоир бир нечта байтларда араб поэтикаси захирасидан моҳирона фойдаланиб, ўзига хос мухит яратганини Жаъфар ибн Алий ибн ал-Маъзаб вафоти муносабати билан ёзилган рисо(марсия)да кўришимиз мумкин:

فلذوف الجفن على جعفر اذ كان لم يفتح على نده
والشئ لا يكثر مداحه الا اذا قيس الى ضده
لو لا غضى نجد و قلامه لم يبن بالطيب على رنده²

*Йигласин кўзлар Жаъфар устида
Агар кўришмаса унга ўхшаган одамни
Марҳум шахсини унга бўлган одам билан қиёслаш
Маодоҳга уни кўпроқ мадҳ қилишга ундайди
Агар ўсмаганда Наждда гада ва қалам дарахтлари
Ринд дарахтидан тарқалган ҳушбўй ҳид билинармиди?*

Аммо тезда шоир сабр-тоқатга даъват қилади:

احسن بالوجد من وجده صبر يعيد النار فى زنده
و من ابى فى الرزء الا الاسى ان بكاه منتهى جهده³
*Ғамгин кишига ғам-ғуссадан сабр яхшироқ
Қайтаради у оловни чақмоқ тош ичига
Ким-ки ғам-ғуссадан ташқари бор нарсани инкор этса,
Унда йиғидан бошқа ҳеч нарсага қолмайди тоқат.*

Шеърини матнга уйғунликда, мувозанатни бузмай кадимги мақол ҳам кириб келади:

و الطرف يرتاح الى غمضه و ليس يرتاح الى سهده⁴
Кўз ором олади уйқудан Асло ором олмас тун бедорликдан.

Сўнг шоир энг афзал кўрган – даҳр, замондан нолиш, уни бевафоликда айблаш мотивига ўтади:

يا دهر يا منجز ايعاده و مخلف المامول من وعده
اي جديد لك لم تبله؟ و اي اقرانك لم ترده؟
تستأسر العقبان في جوها و تنزل الأعصم من فنده

¹ Фильштинский И.М. История арабской литературы X-XII в. М., 2010. Стр. 158

² علي محمد حسن، الادب و تاريخ فى العصرين الاموي و العباسي، جامعة الأزهر ، 1993، ص. 192.

³ الادب و تاريخه فى العصرين الاموي و العباسي، ص. ۱۹۲.

⁴ Ўша жой.

ارارى نوى الفضل و اضد ادهم يجمعهم سلك فى مده
لو عرف الإنسان مقداره لم يفسد المولى على عبده
امس الذى مر على قريه يعجز أهل الأرض عن رده¹

Эй даҳр, эй қайтаришни ваъда қилиб.

Ваъдасига бевафо бўлган замон.

Қайси янгилик сенда эскирмади, чиримади?

Қанча замондошингни сен қайтара олдинг?

Унинг ҳавосида бургут асирга тушар.

Қўлайди тоғ тепасидан югуриб юрган кийик.

Кўриб турибман, фазилатли одам ёнига ёмонни қўшиб.

Икковин баробар селинг суриб кетмоқда ўз оқими билан.

Агар инсон билганида ўз миқдорини

Мақтанмас эди хўжайин (сотиб олган) қули билан

Олдингдан ўтган кечаги кунни,

Бутун ер аҳли оғиздир қайтармоққа.

Шоирнинг марсия ва мадҳларида замондан норозилиги негизлари нафақат тақдир ва қисмат билан, балки атроф муҳитда ҳукм сурувчи нодонлик, адолатсизлик, жаҳолат каби иллатлар билан асосланади. Тўғри, бу мотивлар устози ал-Муганаббийда ҳам кўп учради. аммо ал-Маарий бу мотивни турли-туман мажозий образлар орқали ифодалаб, мураккаб биринкмалар ясайди ва ўқувчидан тушуниш учун муайян ижодий ёндашишни талаб қилади ва у фикр тағмаъносига етиб борганда, ўзида маълум эстетик кониқиш сезади.

Ҳазал жанрида ал-Маарий жуда кам ижод қилган ва маъшуқа тасвирида анъанавий васф қолипидан чиқмайди.

Шоир, асосан, ватанида истиқомат қилган ва Сурияни кам тарқ этган. Сафарларда, масалан Бағдод сафарида, шоирнинг ёзган қасидаси анъанавий қолипда чегараланади, чунки у насиб ва турли васфлардан воз кечиб тўғридан-тўғри унда тўлиб тошган ватан соғиниш ҳиссиётини тўкиб сочишга ўтади ва мустаҳкам тузалган байтларда ватан соғинчини ифодалайди. Шоир кўр бўлганлиги учун шеърида аниқ предметлар тасвири кам учрайди, аммо хотираси яхши бўлганлиги ва ўқимишлилиги оқибатида давригача етиб келган тарихий, маданий-маърифий меросдан кенг фойдаланади ва ижодида ишлатади. Қадимги адабиёт,

¹ الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباسى، ص. ۱۹۳-۱۹۴.

шеърят наояндаларини яхши билади. Қадимги бадавий кабилалар қахрамонлари, Қуръон оятлари, Инжил персонажлари – ҳаммаси асарларида фикрни ифода этиш учун жалб этилади.

Илк ижодида ал-Маарий қадимги анъанавий ва янгилашти даврлари бадииятини бирлаштириб, уйғунлаштирди. Бир томондан, араб мумтоз шеърятини қонунларига амал қилиш кузатилса, иккинчи томондан, уларда шоирнинг ўзига хос дунёқараши, яъни дунёни ўзгача ҳис қилиш, гўзаллик ва шеърятни баҳолашда ўзининг меъзонларига таяниш жиҳатлари сезилади ва бу ҳислатлар унинг ижодининг сўнгги даврларида устун кела бошлайди. Биринчи ижодий босқичида эса анъанавий фахр ва марсияларида фалсафий рух, лирик ўйчанлик, ҳаёл оламига чўмиш каби белгилар аниқ кузатилади ва айни шу томонлар иккинчи босқич ижодида асосий ва ягона жиҳат бўлиб қолади. Араб адабиётида анъанага ёндашиб ёзиш вазифаси – бу асосий қадриятлар билан ҳисоблашиб, маълум образлар ва шакллар орқали қўйилган мақсадни ифодалаш эди. Шахсий тажриба унча инобатга олинмасди. Аммо индивидуал муаллифлик ижоди билан танилган ал-Мутанаббий, Абу Фирас ва бошқа шоирлар анъанавий шеърини мотивларни ҳаётга, аниқ воқеаликка яқинлаштирдилар, шахсий реал ёки руҳий вазиятдан силжитдилар. Ал-Маарийда бу ижодий жараён ўз тақомилига етди ва энг машҳур девони “Лузумиёт” да тўла намоён бўлди.

Агар биринчи девонида шоир ўзига хос йўл билан бўлса ҳам, анъанавий жанрлар талабига деярли бўйсуниб асарларини ёзган бўлса, бу девонда жанр бўйича тақсимлаш мутлақо учрамайди. Бу йирик девонга киритилган асарларда бошдан охиригача шоирнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топган.

Тўғри, ал-Маарий алоҳида янги фалсафий тизим яратмади ва бу маънода у соф файласуф эмас. Аммо девонида у қоинот, мавжудот, борлик тўғрисида, диний эътиқодлар ва таълимотлар, инсон ва қоинот, инсон ва дин, инсон ва жамият ва шунга ўхшаш бошқа турли масалаларни қўтаради ва умумлаштириб ўзининг ҳаёт фалсафасини яратади. Унда у башариятнинг тарихий тажрибасидан ва ўзининг узоқ умри, шахсий тажрибасидан келиб чиқади.

Мутафаккир сифатида у ахлоқий масалаларни ҳам қўтаради ва асарларида одамнинг яшашдан мақсади нимада, деган асосий саволни қўяди ва ўзи жавоб беришга ҳаракат қилади, қийналади, турли шакл-шубҳаларга боради. “Лузумиёт” шеърларини биз тўла

маънода фалсафий-ахлокий лирика дейишга ҳақмиз. Шоир шеъриятда ўзининг кайфиятини, қарашларини, муносабатини тўла ифодадай олди ва улар орқали умумбашарий масалаларга чиқди.

Ўрта аср анъанавий шеърият тизими умумийликка даъват қилиб, ижтимоий ва шахсий ҳаёт мавзуларига умумлашган образлар кўлами орқали ёндашарди. Ал-Маарий шеърларининг фалсафий мазмуни реалликни англаб фақат шахсий ҳаёт тажрибасидан келиб чиқди. «Лузумиёт» девонида бошқа шоирлар шеърларидан фарқли ўларок, тарк этилган жойларга (шоир у жойларда аслида бўлмаса ҳам) соғинч, қабилалараро жанг-у жадаллар ва қаҳрамонлар тавсифи ҳамда шунга ўхшаган анъанавий омиллар учрамайди. Буларнинг ўрнига инсоннинг мураккаб ҳаёти тўғрисидаги ўйлар, фикр-мулоҳазалар юритилади ва улар турли шаклий қилипларда намоён бўлади. Вазнларни, қофияларини танлашда, шеър композициясини тузишда ал-Маарий асрлар давомида сайқалланиб етиб келган тажрибага таянди ва ўзи излашда бўлди. Асосий байтдаги ташки яхлит қофия кесимида мисралардаги ички қофиянинг турланиши, ундош қофияни турли ҳаракатлар билан ишлатиши, баъзида икки ундош ҳарфлар асосида қофиялаш. сўз ўйини, араб алифбоси ҳарфларидан мураккаб шаклда фойдаланиш, тағмаънолар, мажозлар, рамзларнинг кўп ишлатиши ал-Маарий шеърларининг ўзига хос услубини таъминлайди. Шундай қилиб, “Лузумиёт” бетакрор, беназир, унга таклид қилиб бўлмайдиган асар бўлиб қолди. Зеро, таклид қилиш учун шеърий истеъдоднинг ўзигина камлик қиларди. Бундай таклидга шахд қилган шоирнинг дунёқараши кенглиги ал-Маарий даражасига етиши, ал-Маарий шахсиятига хос бетакрор маънавий-маданий бойлик, чуқур мулоҳазаларга мойиллик, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ҳамда яна кўплаб қобилиятларга эга бўлиши лозим эди. Шу сабабли ҳам, Ал-Маарийнинг индивидуал муаллифлик ижоди ўрта аср араб мумтоз шеъриятида энг юксак поғона ҳисобланади. Ал-Маарий араб адабиёти тарихида янги жанр – фалсафий лирика жанрига тамал тошини қўйди ва ўзи бу жанрда етакчи ўрин эгаллади.

Араб қасидасининг асосий қисми – мадҳ жанрида ёзмай қўйганини шоир ўзи қуйидагича таърифлайди:

О адиблар қабиласи! Азалдан сизларни дунё неъматлари

Пошиоларни жалб қилгандек жалб қилади.

*Бўрисимон эмасми ўша шоирларингиз, уларнинг яшаши –
мадҳлар ва ҳажвлар ҳисобига.*

*Улар энг даҳшатли душмандан кўпроқ зарар келтирар,
Асарларида каламушдан кўра ўғриликка мойил*

*Нихоят мен тарк этдим нодонлигимни. Аллоҳ ўзи сақласин
мени.*

*Етар энди менга таним ва ар-раббоб қабилаларини
тараннум эттиш¹.*

Юкорида зикр этганимиздек, ал-Маарий шеъриятида кисмат мотиви жуда кўп учрайди. Қадимги шеърятдан то ал-Маарий замонасидаги шеърятгача шафкатсиз тақдирдан нолиш оддий ҳол эди. Аммо анъанавий шеърда ҳамма нарса Яратган иродасига бориб такалиб, жамиятда муайян тартиб ўрнатилгани ва уни бузиб бўлмаслиги, тақдирга тан беришдан бошқа илож йўклиги каби хулосалар бор эди. Аввал ал-Мутанаббий, кейин ундан кўпроқ ал-Маарий тақдирни ҳамма нарсадан устун қўйинча ҳам (Аллоҳ иродасига мувофик), лекин ундан кутулиш йўлини изладилар ва оқибатларини реал сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги бекарорлик, танглик, мутаассиблик, зўравонлик ва адолат-сизликда, деб билдилар.

Ал-Маарий ватан тақдирига лоқайд бўлмади ва кўп иллат-лар сабабларини арабларнинг тарқоклигида деб билди, айниқса, сунна ва шиа мазҳаблари тарафдорлари ўртасидаги доимий хунрезликка олиб келадиган тўқнашувларни коралади:

Улардан бири (сунний) Умар номидан қасам ичади.

Иккинчиси эса (шиа) Али номидан сўзлайди.

Аммо иккаласи ҳам ўз даъватларида ақлдан озган.

*Бир- бирини сўқийганда қилич гилофидан чиқиши мумкин,
шунинг учун ақл буларни кўрмагани яхши².*

Тарихдан маълумки, “Хулафо ар-Рошидин” га мансуб халифалар Умар ва Али мана шундай ихтилофлар туфайли фожеали ҳалок бўлишган.

Бугунги кунда араб оламида сунна ва шиа мазҳаблари тарафдорлари ўртасида шиддатли тўқнашувлар давом этаётган

¹ Фильштинский И.М. История арабской литературы X-XII в. М., 2010. – С. 168.

² Ўша китоб. – Б. 170.

бир даврда XI аср шоирининг юкоридаги сатрлари ханузгача долзарблигини йўқотмаган.

Ал-Маарий араб ижтимоий тафаккури кесимида, биринчилардан бўлиб, ҳокимият халқ олдида масъулиятли бўлиши тўғрисида ҳам фикр юритади:

Бу ҳокимлар фуқароларни алдаб, устларидан зулм ўтказиб келмоқда.

*Олиб қочдилар ўзларини халқ манфаатини кўзлаш йўлидан, лекин улар халқ хизматкори-ку!?*¹

Ал-Маарий ахлокий масалаларга урғу берганда, айниқса, ҳасадгўйлик, мунофиклик, зўравонликка қарши чиқади. Жумладан, ўзини ўта эътиқодли кўрсатиб, дунё тўплашга хирс кўйган мунофиқларга нисбатан шоирнинг нафрати жуда кучли:

إذا رام كيدا بالصلاة مقيمها فتاركها عمدا إلى الله اقرب²

Агар ёлгондан намоз ўқиб турганлардан бўлса,

Ундан намоз ўқинини атайин тарк этганлар Аллоҳга яқинроқдир.

Ал-Маарий мавзуларида аёл мавзуси юкорида зикр этилганидек, ғазал жанрида унча гавдаланмайди, лекин баъзи шеърларида унга аҳамият беради. Аёл унинг учун энг аввало она, уй бекаси, унинг қисмати факат оила манфаати, у ифбатли аёл, меҳрибон она. Шоир бутун вужуди билан кўнхотинлик одатига қарши чиқади, тенгсиз никоҳга, айниқса кекса эркак ёш кизга уйланишини қабиҳлик, деб ҳисоблайди.

Шахсий ҳаётида шоир оила қурмаган. Бу ҳақида у шундай дейди:

تواصل حبلى النسل ما بين آدمى و بينى و لم يوصل بلامى بآء³

Насл риштаси давом этар Одам Атодан менгача

Алмо “лом”им боғланмади “ба” билан яъни никоҳ билан.

“Лом” ҳарфига “ба” ҳарфини қўшса “лубб” – юрак, кўнгил маъноси келади. Никоҳ тўғрисида гап кетганлигини қасида матнидан биламиз.

Ал-Маарий девонида инсон ва жамият, ҳаётга муҳаббат ва ёлғизлик, ҳаёт ва мамот, воқелик ва орзу каби мавзулар билан

¹ Ўша китоб. – Б. 170.

² ۲۰۶. الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباس، ص.

³ ۲۰۴. الادب و تاريخه فى العصرين الاموى و العباس، ص.

бир каторда диний муносабатларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Шоир диний мафкурада инсон учун яхши ниятлар ва кўрсатмалар борлигини тан олади, аммо баъзида бу мафкурдан баъзи ёвуз, ахлоксиз одамлар ўзларининг турли манфаатлари йўлида фойдаланганларидан афсусланади. У табиатдаги мутаносиблик ва мувозанатни кузатади, бунда Яратганнинг чексиз қудратини кўриб ҳайратланади. Ҳамма нарсаларга ўз қараши бўлганидек, диний ақидаларни ҳам кўр-кўрона қабул қилмайди, уларнинг баъзиларда зиддиятлар топади ҳамда уларга баҳо беришда ақл-идрокни ва фаҳмни мезон қилиб қўяди. Лекин шоир инсонда оламнинг асл моҳиятига етиш имкониятлари чегараланганлигига иқрор бўлади.

Таъкидлаганимиздек, Ал-Маарий шахсияти ҳеч кимникига ўхшамас ва буни унинг ўзи ҳам англаб етиб, қуйидагича изоҳлайди:

تثاءب عمرو اذا تثاءب خالد بعدوى فما اعدتني الثوباء
و زهدني في الخلق معرفتي بهم و علمي بان العالمين هباء¹

Эснаса Амр, ундан кейин эснайди Халид,

Аммо менга юқмайди бунақа эснаш.

Одамлардан юз ўгиртирди мени, уларни ўрганганим,

Ҳатто олимларни ақли настлигин билганим.

Такдирга тан беришни хоҳламаган шоир сатрларида ҳаёт фожиавийлиги тўғрисида тушунча пайдо бўлади, чунки у адолатсизликни йўқотиш йўллари тополмай қийналади ва буни мажозий усулда ифодалайди:

تلفع نيران الحريق اباء² و كيف تلافى الذى فات بعدما

Қандай қилиб ўтиб кетган нарса тикланади

Ёнгин алангаси қамшизорни олган бўлса?

Араб шеъриятида кўплаб янги мавзуларни ривожлантирган ал-Маарий шакл соҳасига ҳам кўплаб ихтиролар киритди. Кўпинча байтлари лўнда, қиска бўлиб, афоризм шаклини олар эди. Фикрини ифода этишда шоир кўпинча мураккаб мажозий йўлни танларди ва сиз санъатлардан истиора, тажнис, тазод, табоқ, мураккаб ташбиҳотлар ва бошқа жуда кўп ифодавий-тасвирий воситалар ва усулларни қўллар эди. Ҳатто, араб ҳарфлари билан тажриба ўтказишдан воз кечмади.

¹ Ўша китоб. – Б. 205.

² Ўша жой.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ал-Маарий ўз фалсафий лирикасида ҳаёт билимдони, реал воқелик ва ҳодисаларни таҳлил қилиб, умумлаштира оладиган файласуф, пурҳикмат қалам ва бетақрор тафаккур эгаси сифатида араб оламида ўз ўрнига эгадир.

Ал-Маарий араб мумтоз шеъриятида ўзига хос ижод феноменини ярата билди. У асрлар мобайнида ривожланиб келган анъанавий шеърӣ жанрлар қолипини ёриб чиқди ва илк бор фалсафӣ лирика жанрига тамал тошини қўйди.

Шоир шеърятда фалсафӣ масалаларни бевосита сиёсий, ижтимоӣ, диний, ахлокий ҳаёт масалалари билан боғлади ва ижодни реал ҳаётга, реал воқеликка яқинлаштирди ҳамда унда ўз ёркин шахсиятини намоён қилди.

Абу Ала ал-Маарийнинг насрий ижодида рисола жанри.

Буюк шоир ал-Маарий наср соҳасида ҳам ижод қилиб, бир мунча асарлар қолдирди. Улар фаслда “Китаб ал-фусул ва-л-ғоят” (“Фасллар ва ғоялар китоби”), “Рисолат ал-малаика” (“Малаклар тўғрисида рисола”), “Рисолат ал-Ғуфран” (“Кечиримлилиқ тўғрисида рисола”) ва бошқалар. Бу асарлар “тарассул” жанрида ёзилиб, ўзида тарихий-адабий, фалсафӣ, илмӣ масалаларни қамраб олади, баъзида ҳақиқатан берилган ёки тўқима саволларга жавоб берувчи ва кенг қўламли масалаларни кўтарувчи рисоалардир.

“Рисолат ал-ғуфран” адибнинг шоҳ асари бўлиб, араб насрида олдин ва кейин учрамаган бетақрор асар сифатида танилди. У қандайдир шоир Ибн ал-Қарихнинг ал-Маарийга йўллаган саволларига жавоблар сифатида ёзилган, лекин ўзига хос композицияга эга ва икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида ал-Маарий Ибн ал-Қарихни аввал жаннатда истиқомат қилишини хикоя қилган, яъни, бу қисмда эпик асарларга хос воқеабандлик, макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисалар тасвирланади ва тўлақонли бадий воқелик яратилади.

Асарнинг иккинчи қисми бевосита ал-Маарийнинг Ибн ал-Қарихнинг саволларига жавоб бўлиб, адиб унда турли масалалар бўйича ақлий мушоҳада, фикр юритади, ўз қарашлари, мулоҳазаларини билдиради. Жавобларда ал-Маарий турли тарихий ҳодисаларга, афсона ва ривоятларга, дин, тил, наҳв ва бошқа соҳаларга мурожаат қилади. Масалаларга ёндашишда муросасиз йўл тутди, замонасида мавжуд қарашларга танқидий кўз билан қарайди. Ўз навбатида олам, коинот тузилиши тўғрисида муло-

ҳазаларни баён қилади, ахлоқий масалаларда баҳслар олиб боради. Шоирларни ҳам танқидга олади. Масалан, мадҳларда муболага ишлатишни, ахлоқий мувозанатни бузишга, ҳаёл парвозини макташда чегараланмасликни ўткир ҳажв остига олади ва мухлисни самимий бўлишга даъват этади. Шунингдек, ақл-заковатдан келиб чиқишга чақиради. Шаклда кофия ожизлигини, баъзи бузилишларни кўрсатиб ўтади. Ал-Мутанаббий ва бошқа шоирларни кучли ҳисоблаб, уларни танқидчилардан ҳимоя қилади.

Насрда ал-Маарий ўзининг услубини яратди. Унда жозибали, жонли диалоглар қўлланилган, жойида ҳазил-мutoйибани ҳам ишлатади. Ал-Маарий насрда янгиланган бадий услубни ишлатган муаллиф эканлиги боис унинг услубида сўз ўйинлари, мураккаб маънолар, сўзларни қутилмаган тарзда ишлатиш ҳоллари кўп учрайди.

Ал-Маарий “Инсон ва жамият” масаласига ёндашганда, у инсон олдида юксак ахлоқий вазифалар ва масъулият борлигини эслатади. Яъни, машҳур “Лузумиёт” девонидида кўтарган масалалар насрий тарзда “Рисолат ал-ғуфран” асарида ҳам ўз аксини топган. Агар “Рисолат ал-ғуфран” асарининг иккинчи қисми ал-Маарий даврида кенг тарқалган “номалар” (“тарассул”, “расаил”) жанрининг кўриниши бўлса, биринчи қисми араб адабиёти ёзма тажрибасида учрамаган тенги йўқ эпик асар, чунки у муайян сюжет ва композицияга эга бўлиб, бош қаҳрамон саргузаштларини ҳикоя қилувчи муаллифлик ривоявий асардир.

Мазмун жиҳатдан ҳам бу асар юксак журъат билан шу давргача кўтарилмаган мавзу – жаннат ва жаҳаннам сафари мавзусига бағишланган. Рисола қаҳрамони шоир Ибн ал-Қарих жаннатда сайр қилиб юради ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлади. Қутилмаганда бу ерда турли тоифа шоирларни учратади, ҳатто Жохилия даври шоирларини кўради. Маълум бўлишича, уларнинг ҳаммаси кечирилиб, мағфиратга учраган экан. Уларда ҳам савол туғилади – қандай қилиб Ибн ал-Қарихнинг савоб ишларига кўп қўл урмаган ўртамиёна жаннатга кириш тарихини баён қилади ва бу билан баённинг тўғри чизик тартиби ўзгаради. Ўқувчи Ибн ал-Қарихнинг ўлиmidан кейин тирилиши, жаннат дарвозаси олдида қутиб қолиши, охири дарвоза посбони Ризвонга бағишлаб мадҳ ёзиши ва бир амаллаб кириб олиши билан танишади. Ибн ал-Қарихнинг жаннатга кириши бу алоҳида қисса

бўлиб, “кисса ичида кисса”ни ташкил қилади ва асарнинг ўзига хос композиция қурилишига олиб келади. Ибн ал-Қарихнинг жаннат дарвозаси олдидаги саргузангларни дунёвий ҳаётдаги ишларини эслатади ва бунда ал-Маарийнинг ҳажвий танқидга мойил эканлиги сезилиб турибди. Яна у Ибн ал-Қарихнинг жаннатга фақат у ердаги нозу-неъматлар ва хизматдаги хур кизлар учун интилгани учун таъна қилади. Ал-Маарий фикрича, соф мусулмонни неъматлар эмас, чин этиқод жалб этиши керак. Ибн ал-Қарих филолог бўлгани туфайли дуч келган шоир ва адиблар билан адабиёт, шеърят, тил масалаларини кўтаради, баҳслашади ва турли вазиятларга тушади. Уддабуррон Ибн ал-Қарих жаҳаннамга ҳам саёҳат қилишга йўл топади ва бу ерда ҳам жуда кўп таникли шоирлар, адиблар, олимларни учратади. Булар ичида ҳатто машҳур шоирлар Имрулқайс ва Башшар ибн Бурд ҳам бор эди. Ибн ал-Қарих улардан жаҳаннамга тушиш сабабини бирма бир сўрайди ва ўз мулоҳазаларини билдиради. Бу ерда қолиб кетиш ҳавфи туғилгандан сўнг, орқасига қайтиб кетишини афзал кўради. Жаҳаннамда рўй берган воқеалар дунёвий ҳаётдаги воқеаларни эслатади ва ижтимоий танқид тусини олади.

Ал-Маарийнинг “Кечиримлик тўғрисида рисоласи” хануз ғарб арабшунос олимларини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ҳатто бу асар буюк Италия шоири Дантега “Илохий комедия”сини яратишда таъсир кўрсатган деган тахминлар бор. Данте яшаган даврда (XIV аср) араб маданияти ва адабиётига кизикиш катта бўлган. Унинг намуналари билан араблар забт этган Испаниянинг жанубидаги таржимонлик фаолияти орқали кенг танишилган. Данте ислом маданиятининг илмий ва фалсафий мафкураси билан яхши таниш бўлган ва Ибн Сино, ал-Ғазолий, Ибн Рушд, Аҳмад ал-Фарғоний ва бошқалардан иқтибослар келтирган. Улар тўғрисида араб тилидан латин тилига қилинган таржималардан маълумотлар олган¹. Дантени жаҳаннамга қадимги шоир Виргилийнинг сафарига Ибн ал-Қарихнинг жаҳаннамдаги сафарига ўхшаш тамойиллари кўп. Аммо бу борада тахминдан бошқа аниқ фикр йўқ.

Шудай қилиб, ал-Маарий насрда ҳам оригинал, ўзига хос нодир асарлар яратди. Улар унинг беназир бадий салоҳият ва

¹ Габриели Ф. Данте и ислам. / Сборник “Арабская средневековая культура и литература”. М. Наука. 1978. – Б. 207.

нодир истеъдод соҳиби эканлигидан далолат беради. Ал-Маарийнинг ижоди негизида инсоннинг буюк ахлокий фазилатлар эгаси бўлиши ва ўзининг қилмишлари учун масъулият ҳис қилиши принциплари ётади. Инсонпарвар адиб ижоди араб маданияти ҳудудидан чиқиб кенг танилди, чунки уни изтиробга солган саволлар башариятни азалдан қийнаб келмоқда.

4.3. XI-XII асрлар араб насрида асосий жанрлар

X-XII асрлар араб адабиёти тарихи илмий ва бадий асарларга бой босқичдир. Илмий адабиёт деганда биз тарихий, жуғрофий, фалсафий, тил ва динга, ҳамда аниқ фанларга бағишланган асарларни назарда тутамиз. Лекин уларда ҳам бадий чекинишлар кўп учрайди, чунки муаллифлар асарлари матнига турли тарихий воқеалар, ривоятлар, шеърлардан парчалар, макол ва бошқа кўнгилочар унсурларни қўшиб борганлар. Тил ва адабиётшунослик фанларида ҳам катта силжиш кузатилди, тафсиллар, луғатлар яратилди, балоғат илмига машҳур адиблар Абд ал-Қодир ал-Журжоний, Маҳмуд аз-Замахшарий ўз асарларини бағишлади. Шоирлар таржимаи ҳоллари ва ижодлари намуналарини ўзига қамраб олган асарлар пайдо бўлди ва бу борада Абу-л-Фараж ал-Исфажоний, Ибн Абу Раббихи, Абу Мансур ас-Саалибий, Ёқут ал-Ҳамавийларнинг тазкиралари яратилди.

Тазкира анъаналарини биринчи бўлиб IX аср шоири Абу Таммом ўзининг “Китаб ал-Ҳамаса” асарида бошлаб берган бўлса, кейинчалик Абу-л-Фараж Али ибн ал-Ҳусайн ал-Исфажоний (897-967) давом эттириб, ўзининг машҳур “Қўшиқлар китоби” (“Китаб ал-ағани”) да тўплам имкониятларини кенгайтди. Жоҳилия ва ислом давридан бошлаб шоирларнинг таржимаи ҳоли ва машҳур бўлиб кетган шеърларидан намуна бериб келди. Китоб 10 қисмдан иборат бўлиб, унга шеърдан ташқари араблар тарихи, ривоятлари, афсоналари ҳам кирган. Асарнинг “Қўшиқлар китоби” номини олиши боиси шундаки, шоир олдин унга ашулага айланган энг машҳур 100 шеър, уларнинг муаллифлари, оҳангини тўқиган мусикашунослар ва ашулачилар тўғрисида маълумот беради. Кейин бу мажмуа кенгайиб, бошқа шоирлар асарларини ҳам қамраб олади. Адиб тазкирасида “иснод” тартибини қўллайди, яъни маълумотларчи,

хабарларни берган одамларни кетма-кет кўрсатиб ўтади ёки манба кўрсатилади. Бу асарни аниқ ва ишонарлилигини таъминлайди. Тазкирада ал-Исфаконийнинг қўллаган услуби жозибали, чиройли ва самимий чиққан. Сажни маҳорат билан ишлатади. Асарда “жинас”, “табоқ”, “турия” ва бошқа сўз санъатларидан кенг фойдаланган. Муаллифнинг ўзи араб адабий меросининг билимдони, зеҳни ўткир, фикри теран шахс эди. Шунинг учун асари энциклопедик тус олади. У нафакат адиблар ва шоирлар хусусида, балки араблар тарихидан, ҳаёт тарзидан муҳим маълумотлар беради.

Мумтоз араб адабиётининг сўнгги 2 асрлик боскичида (X-XII) раванк топган яна бир жанр бу — “тарассул” (сўзма-сўз мактублар, номалар) жанридир. Олдинги асрларда яратилган бўлиб, бу жанр такомиллашиб келди ва бу боскичнинг ўзида турли маъноларни касб этди. Тарассулга нафакат девонхоналарда юритилган ўзаро расмий хат ёзишлар ёки дўстона ҳамда, кариндошлар ўртасидаги ёзишмалар (расаил ихвания), балки турли тарихий-адабий, фалсафий, диний масалаларни кўтарувчи асарлар ҳам кирар эди ва шу асар алоҳида “рисола”-“нома” деб аталарди. Юқорида кўрилиб чиққан ал-Маарийнинг “Рисолат ал-ғуфран” асари айни шу жанрда ёзилган. X-XII асрлар рисоалари олдинги рисоалардан услуб жиҳатдан анча фаркланади. Агар олдинги асрларда насрда маънони аниқ ифодалаш, фикрнинг тўппа тўғри ўқувчига етказиш каби интилишлар бўлган бўлса, энди жумлани атайлаб жимжимадор чиройли тузиш, сунъий равишда сажга сўз ахтариш, бадий санъатлар ишлатишга алоҳида эътибор бериш ҳолатларини кузатамиз. Бу тамойиллар X-XI асрларда раванк топди, аммо XII аср ўртасига бориб шаклбозликка айланди ва матн сунъийлашиб, мазмунан сустлашиб борди. Тобора услублар мураккаблашиб, бу ҳаракат асар маъносининг мавжумлашиши ҳисобига бўлди. Аммо X-XI асрларда рисоалар ҳали асл тусини йўқотмаган эди, чунки ҳар бир адиб сўзларни чархлаб танлаб, маъноларда теранлик бўлишини таъминларди.

Рисоаларда маъноларнинг мантикий жойлашишига, маънолар завқ ва эҳтирос билан тузилишига, ҳаёл парвозига шу даврдаги турли адабий муҳитлар ҳам сабаб бўлди. Адиб аҳли энди учрашув чоғида қабилавий тортишув эмас, балки соф адабий масалаларда баҳслар олиб борар эдилар. Қадимги юнон,

форс ва бошқа халқларнинг маънавий мероси билан танишув ҳамда таржимонлик фаолияти бу тамойилларнинг янада кучайишига сабаб бўлди.

X-XI асрлар тарассул жанрида қалам тебратган машҳур адиблар сирасига Ибн ал-Амид, ас-Соҳиб Ибн Аббод, Абу Бакр Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ас-Сабий қабилар кирар эди. Рисолаларда ҳар бир адибнинг ўзи севган мавзуси ва услуби бор эди. Лекин баъзиларнинг услуби кенг тарқалиб, кўп минтакаларда тақлид учун асос бўлди. Масалан, Ибн ал-Амиднинг (970 йил вафот этган) ёзиш услуби шуҳрат қозониб Ироқ, Миср каби араб олами кенгликларига тарқалди. Сўнг Хуросон ва унга туташ давлатларда кўзга кўринган адиблар унга тақлид қила бошлади. Унинг рисола-ларида бадийятга алоҳида эътибор бериш, сажъни моҳирона ишлатиш, жумлаларни қисқа, лўнда тузиш, санъатлардан “жинас” ва “мутабақа”ни кенг қўллаш, Қуръони қарим ва ҳадислардан иқтибослар келтириш, машҳур воқеа-ҳодисаларга ишора қилиш, шеърӣ байтларни киритиш, ҳикматли сўзлардан, халқ мақол ва маталларидан кенг фойдаланиш хос эди. Шунингдек, Ибн ал-Амид машҳур одамларга, дўстларига лақаб қўйиши билан машҳур эди.

Янги услубни ишлаб чиқишда ал-Қади ал-Фодил (1134-1199)нинг ҳам ҳиссаси бор. Ал-Қади ал-Фодил (“фозил қози”) ёзувчининг лақаби бўлиб, асл исми Мужруддин Абд ар-Раҳим ал-Башанийдир. У асли фаластинлик бўлиб, Миср ҳокимлари саройида вазирлик қилиб келган. Унинг қаламига шеърӣ девон ва номалар мажмуаси тааллуқлидир. Номалари ичида қаптарлар васфига бағишланган рисоласи машҳурдир. Услуби “ал-Фодил” услуби деб ном чиқарган. Бу услубга қўйндагилар хос: узун жумлаларда қийинчилик туғдирса ҳам, сунъий равишда сажъни ишлатиш, тажнис, табоқ, истиоралар, ўхшатишлар, турия, ийҳом санъатларидан кенг фойдаланиш, яъни, олдин назмда ишлатадиган шеърӣ санъатларни насрда тўла ишлатилди. Маънони ифодалашда сўз ўйинларига, тағ маъноларга ҳам кўп эътибор берилди.

Рисолалар жанрида бизнинг ватандошимиз, Хоразмдан чиққан арабийзабон машҳур филолог Абу Бакр Муҳаммад ал-Хоразмий (934-993) ҳам танилди. Адиб ва шоир, маданиятши ва дунёқараши кенг бу филолог олим кўп жойларга сафар қилган. Ҳалабда Сайф ад-Давла, Бухорода Сомонийлар, Нишопур, Широзда амирлар са-

ройида хизмат қилган. Бир томондан эҳтиромларга, иккинчи томондан машаққатларга ва қувғинларга учраган.

Абу Бакр ал-Хоразмий меросида филологик асарлардан ташқари шеърӣй девон ва рисоалар мажмуаси бор ва улар бизнинг кунимизгача етиб келган. Араб дунёсида унга бағишланган тадқиқотлар мавжуд, аммо ўзбек шарқшунослигида адиб мероси алоҳида таҳлилга тортилмаган. Адибнинг услуги чиройли, у калта сажъли жумлаларни афзал кўради. Сўзларни кофия учун эҳтиёткорлик билан танлайди, турия, сўз ўйини, бадиий санъатларни кенг ишлатса-да, ортикча сунъий безатишга берилмайди. Шунинг учун унинг номалари самимийлиги билан машхур бўлиб кетди ва ал-Хоразмий араб оламида араб тили билимдони сифатида қабул қилинди. Адибнинг теран фикрлаши услубига ўзига хослик беради. Унинг хилма хил мавзуларга ёндашиши, айниқса, маиший ва кундалик ҳаётдан олинган мавзулари ўзининг жонлилиги ва жозибаси билан замондошлари эътиборини жалб қилди. Адиб атрофидаги одамлар ҳаётига, бошига тушган мусибатга эътиборли бўлиб, ўз муносабатини билдиради, тасалли беради. Абу Бакр ал-Хоразмий ҳам улуг шоир ал-Мутанаббий сингари зулмга, адолатсизликка қарши чиққан.

Умуман олганда, Абу Бакр ал-Хоразмийнинг номалари тарихий аҳамиятга эга, чунки уларда тарихий ҳужжатлар киймати бор. Абу Бакр ал-Хоразмийнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у номаларда аксариyat ҳолда ўзининг шахсий ҳаётидан келиб чиқади ва ўз кўрган кечирганларини баён қилади. Шунингдек, дўстларига ёзган номалари ҳам мавжуд. Улардан биттасини намуна сифатида келтирамиз:

کتابی و قد خرجت من البلاء خروج السيف من الجلاء و يروز البدر من الظلماء. و فارقتنی المحنة و هی مفارق لا یشتاق الیه. و دعتنی و هی مودع لا یبکی علیہ، و الحمد لله تعالیٰ علی محنة یجلّیها و نعمة ینبّیها و یولیها، و کنت اتوقع امسى کتاب سیدی بالتسلية و الیوم بالتهنئة، فلم یکاتبنی فی ایام البرحاء بانها غمتہ، و لا فی ایام الرخاء بانها سرتہ، و قد اعتذرت عنه الی نفسی، و جادلت عنه قلّبی فقلت: اما، اخلا له بالاولی فلانه شغلہ الاهتمام بها عن الکلام فیها، و اما تغافلہ عن الاخری فلانه احب ان یوفی علی مرتبة السابق الی الابتداء، و یقتصر بنفسه علی محل الاقتداء، لتکون نعم الله — تعالیٰ — موقوفة من کل جهة علیه و محفوفة من کل بیئة به. فان کنت أسأت فلیخبرنی بعذرہ، فانه اعرف منی بسرہ، و لیرض منی بانی حاربت عنه قلّبی، و اعتذرت عن ذنبه کانه ذنبی، و قلت: یا نفس اعذرک اخاک، و خذی منه ما اعطاک، فمع الیوم غد و العود احمد.^۱

^۱ الادب و تاریخه فی العصرین الاموی و العباسی، ص. ۲۱۶.

“Сенга хатим. Худди қилич сайқалдан ёки тўлин ой зулматдан чиққандек мен бало оғушидан чиқдим. Дардим мени фироқ айлади, лекин бундай фироққа муштоқ бўлмайди киши. Мен билан видолашди у, лекин бундай видолашувга йиғламас киши. Аллоҳ Таолога ҳамду санолар бўлсинки, дардимни олди, неъмат қилиб давога йўналтирди.

Кеча мен жанобимнинг тасалли бергувчи мактубини кутдим, бугун эса табригини. Аммо у шу оғир кунларимда дардимга ҳамдари бўлиб бирор мактуб ёзмади, шунингдек, яхши кунларда севинчга ҳамнафас бўлмади. Кўнглим олдида уни кечирдим, қалбимдан уни ҳимоя қилдим. Дедим: Биринчига (касалга) нисбатан ёзмагани бу хабарни эшитиб сўздан қолгани, аммо иккинчига (тузалишда) хали олдинги ҳолатидан ўзига келолмагани. Ишқилиб Аллоҳ Таолонининг неъматини унга ҳар томондан ёғилсин ва ҳар муҳитда уни ўрасин. Агар нотўғри талқин қилган бўлсам, узрини ўзи менга хабар қилсин, чунки мендан яхшироқ ўз сирини билади. У туфайли қалбим билан қураш олиб борганим ва унинг гуноҳи учун ўзимнинг гуноҳимдек узр сўраганим учун мендан рози бўлсин. Дедим: Эй кўнгли, кечир биродарингни ва нима ато қилса шунини қабул қилсин! Бугунги куннинг эртаси бор ва ёзишмага қайтишни энг яхши мактовларга сазовор”.

Араб тилидаги матндан кўриниб турибдики, жумлалар сажъда ёзилиб, жуда чиройли қофияланган. Жумлалар қиска, лўнда, аник. Хат мазмунида муаллиф касал пайтида хабар олмаган дўстига ярим ҳазил оҳангда гина қилган, лекин тезда кечиримлик оҳангги устун келади. Матн нихоясида мақолга ўхшаган қофияланган жумла ишлатилган, унинг маъноси: “Бугунги куннинг эртаси бор ва улгурмаган ишга қайтиш энг яхши мактовга сазовор”. Матнда ал-Хоразмийга хос енгил юмор сезилмоқда, шунинг билан бағрикенглик дўстига бўлган илтифоти уни инсон сифатида яхши фазилатларидан далолат беради. Мохир насрнавис адиб, шоир, машҳур филолог Абу Бакр ал-Хоразмий ҳокимлар саройида мадҳлар ёзишга мажбур бўлди, аммо у доимо ҳақиқатга интилни ва шу йўлда кўп мусибатларга дучор бўлди. Замондошлари хотирасида, сўнг араб адабиётшунос олимлар тадқиқотларида у номалар устаси, жозибали ва нафосатли услуб эгаси, буюк адиб сифатида ўрганилади. Унинг бизгача етиб келган шеърий девони ва номалари ватани Ўзбекистонда ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Х асрдан бошлаб мумтоз араб адабиёт насрнавислигининг яна бир ёркин самараси бу – “макома” жанрининг равнак топишидир. “Макома” сўзи аслида азалдан турган жой маъносини беради. Сўнг “одамлар йиғини” маъносини билдирди, вақт ўтиб илм ва адабиёт аҳлининг мажлисини ифодалади. Бу мажлисда илмий бахслар, адабий мунозара ва мулоҳазалар билан бирга ҳазил ва мутойиба билан суғорилган суҳбатлар, турли фирибгарлар ва айёрлар килмишлари ҳақида кўнгилоҷар ҳикоялар ҳам тарқалди.

Шундай қилиб, “макома” истилоҳи узок йўл босиб ўтди ва турли маъноларни касб этди. Нихоят Х асрдан бошлаб насрий жанр сифатида гавдаланди ва дарбадар фирибгар саргузаштларини баён этувчи ҳикоя тарзида танилди. Унинг қаҳрамони асосан ўқимишли, сўзга чечан, бошланасиз юрган одам. У турли кизиқарли вазиятларга тушиб қолади ва улардан макри, сўзамоллиги, удадурронлиги туфайли қутулиб чиқади ва ҳатто тирикчилигига озми-кўпми пул топади. Бу қаҳрамон моҳир нотик, ал-фусха – адабий тилда, сажъ ишлатиб нутқ сўзлайди, унга шеърлар, мақол-масаллар киритади, кўп жиҳатда билимдон эканлигини кўрсатади. Фирибгарнинг саргузаштлари асосан шаҳарларда ўтади ва макомада ўрта аср шаҳари манзаралари, одамларнинг ахлоқий қиёфаси намоён бўлади. Макомада одатда икки қаҳрамон гавдаланади, бири бу – ўша фирибгар, иккинчиси унинг саргузаштлари тўғрисида баён қилувчи ҳикоячи. Макоманинг ҳақиқий мақсади реал воқеликни кўрсатиш эмас, балки фирибгар қаҳрамоннинг сўзга чечанлиги, нуткий маҳорати, айёрлиги, руҳи озодлигини намоён қилиш эди. Воқелик кўпинча макомаларда шартли равишда ҳозир бўлади.

Макома араб адабиёти учун мутлақо янги жанр эди. Х асрда пайдо бўлишидан олдин араб насрида кўриб чиққанимиздек девоний ёзишмалар, биродарлик ёзишмалар, рисоалар ва адаб адабиётига тааллуқли бошқа ёзма ижод намуналари ривожланди. Халқ оғзаки ижодидан қиссалар, ривоятлар, сиралар, эртаклар, хабарлар, латифалар, масаллар, мақол ва маталлар ёзиб олинди.

Арабларнинг ўз қавмий доирасидан чиқиши, бошқа халқларнинг маданияти ва адабиёти, ривойий жанрлари билан танишиши бу жанрни пайдо бўлишининг омилларидан эди. Яна бир омил, халифаликда тарқоқлик рўй бера бошлаганидан кейин жамиятда ночорлик ва муҳтожлик кўпайди. Адиблар ҳам ниҳоят

оғир ахволга тушиб, хомий топиш йўлида кезиб юришар эди, саройларда паноҳ топмаса, дарбадарликда бир амаллаб кун кечириб, ҳатто тиланчилик қилишдан ҳам бош торгмасдилар. Тирикчилик учун турли йўлларни излашар эди. Мақома янги жанр бўлишига қарамасдан ўзининг услубий қонун қоидаларига эга бўлди. Мақома услуби шартлилик ва махсус сўз танлашлилик билан ажралиб туради. Унда бошқа халқлар тилидан олинган, арабларга қалати туюлган сўзлар ҳам учраб турар эди.

Мақома муаллифлардан араб адабиёт тарихида Абу Бакр ибн Дурайд ва машҳур филолог Аҳмад ибн Форис ар-Розийларнинг номлари қолган. Аммо уларнинг мақомалари бизнинг қуниimizгача етиб келмаган. Мақоманинг энг машҳур муаллифи Бадиуззамон ал-Ҳамданий (969-1008) ҳисобланади. У ёзган 400 мақомадан фақат 52 таси бизнинг давримизгача етиб келган. Мақомаларининг қаҳрамони Абу-л-Фатҳ ал-Искандароний, ўқимишли, адабиёт ва бошқа соҳалардан яхши хабардор йигит. У тўғрисида ҳикоя қилувчи Исо ибн Ҳишом қузатувчан, ўткир зеҳнли адиб. Бадиуззамон ал-Ҳамданий Эроннинг Ҳамадон шаҳрида билим олишга меҳр қўйган оилада туғилди ва оиласи унинг яхши таълим олишини таъминлади. Устозлари орасида машҳур филолог Аҳмад ибн Форис ар-Розий ва адиб Исо Ҳишом бўлганлар экан. Демак, мақомалардаги ҳикоячи қаҳрамонининг номи устози номига атаб қўйилган экан. Ал-Ҳамданийга тегишли мақомалардан намуна сифатида кўриб чиқишдан олдин шуни айтиб ўтиш керакки, унинг мақомалари оддий одамларга эмас, балки ўқимишли, адабиётни ва сўз санъатини биладиган инсонларга мўлжалланган. Масалан, “ал-мақомат ал-қаридийя” (“шеърый мақома”) бизнинг фикримизга далил бўла олади. У топишмоқ тарзида ёзилган бўлиб, унинг қаҳрамони Абу-л-Фатҳ ал-Искандароний тўла равишда нотиклигини ва билимини кўрсата олади. Мақома “*Бизга Исо ибн Ҳишом ҳикоя қилиб, деди*”, сўзлари билан бошланади. Сўнг у узок сафарларда юриб охири Журжи деган жойга бориб, у ерда истиқомат қилганини, молу ер сотиб олиб, уй қурганини, дўкон очганини ва дўстлар орттирганини, алоҳида жой ажратиб дўстлари билан суҳбатлашиб шеърхонлик қилганларини гапириб беради ва давом этади:

فجلسنا يوما نتذكر القريض و أهله، و تلقاها شاب قد جلس غير بعيد بنصت و كانه يفهم و يسكت و كانه لا يعلم اذا مال الكلام بنا ميله و جر جدال فينا ذيله¹

Бир куни шеър ва унинг аҳлини (шоирларини) эслаб ўтирдик. Унча узоқ бўлмаган жойда жим ўтирган йигитга рўбарў бўдик. У ҳамма нарсани тушунгандек эди, лекин сукут сақларди. Бизнинг суҳбатимизга қўшилганини истаётгандек, аммо нима қилишни билмаётгандек эди. Оқибатда ўртамиздаги баҳсни қўзатиди.

Исо ибн Ҳишом хикоясини давом этиб йигит уларга гап отишга журъат қилганини, шеърларни бемалол эслаб, ёддан ўкиб мазмунини очиб беришини ва шарҳни шундай чиройли тузганидан “кар эшита бошлади” ва “кийик тепадан думалаб тушади” деб мактанганлигини айтади. Кейин Ибн Ҳишом давом этади:

فقلت: يا فاضلا اذا فعد منيت، و هات فقد اثبتت، فدنا و قال: من وقف بالديار و عرصاتها، و اغتدى و الطير في وكناتها، و وصف الخيل بصفاتها، و لم يقل الشعر كاسيا و لم يجد القول راغبا، ففضل من تفق للحيلة لسانه، و انتجع للرغبة بيانه، فامرؤ القيس.²

Дедим: Эй, фозил (одам), агар шунчалик гаптиришни хоҳласанг, гапир, жуда мактандинг-ку. У сўради: Ким диёр ва атрофиди туриб (йўнглаган), қўшлар ҳали ундан чиқмаганда отини жиловлаб минган, ким отининг бор сифатлари билан васф этган, косибга ўхшаб шеър айтмаган ва махсус (шеър учун) сўз ахтармаган, хийла-найрангларда тилини ёргандан ўтиб кетган, хоҳлаган томонига баённи бурган. Бу- ИмрулҚайс эди.

Бу парчада макома қаҳрамони ёш йигит топишмоқ тарзда кадимги VI аср шоири ИмрулҚайсни таърифлаб берди ва унинг машҳур “тўхтанглар йўнғаймиз...” сўзлари билан бошланадиган касидасига ишора қилади.

Исо Ибн Ҳишом давом этади:

قلنا فما تقول في النابغة؟ قال: ينسب اذا عشق، و يتألب اذا حنق، و يمدح اذا رغب، و يعذر اذا رحب، و لا يرمى الا صائبا.

قلنا فما تقول في زهير: قال يذيب الشعر و الشعر يذيه، يدعو القول و السحر يجيبه.

Дедик: ан-Набига тўғрисида нима дейсан?

Деди: Севса насибда севгисини кўйлайди, газабланса ҳажвга тартади, хоҳласа мадҳ қилади, кўрқса узр сўрайди, фақат нишонга тегса, отади.

Дедик: Зухайр тўғрисида нима дейсан?

¹ الألب و تاريخه في العصرين الأموي و العباسي، ص. ٢٢٤.

² Ўша китоб. – Б. 224-225.

Деди: Шеърни эритиб юборади, шеър ҳам уни эритади, у гапирганда сеҳр унга жавоб беради.

VI асрнинг 2- ярмида ижод қилинган ан-Набиға аз-Зубяний ва бадавий шоир Зухайр ибн Абу Сулма (530-627) ларга таъриф бергандан сўнг, ундан шу тарзда бадавий шоир Тарафа ва умавийлар сулоласи даврида яшаган ва ижод қилган шоир Жарир ва Фараздақ тўғрисида ҳамда янгилаиш даври шоирлари Абу Нувос ва бошқалар, анъанаги қайтиш шоирлари Абу Таммом ва ал-Бухтурийни сўрашганда, у ҳамма саволларга ғўла, моҳирона, ҳозиржавоблик билан билимини кўрсатиб жавоб берди. Нихояда ташқи кўриниши билан бир бечора кўринган йигит зеҳни ва зукколиги билан ўтирганларни лол қолдиради.

Ал-Ҳамданийдан кейин макома жанри бутун араб дунёси – Машрик ва Мағрибга тарқалиб кетди. Макома ўз моҳиятидан келиб чиқиб матиларида жуда катта сўз бойлигини камраб олгани учун, адабиётга энди қадам қўйганлар унинг хазинасидан кенг истеъфода қила бошладилар. Макома жанрига қўл урган адиблар сони кўпайди. Улар ичидан ал-Ҳорис ибн Хаммам, Шараф ад-Дин Абд ал-Муъмин ал-Исфажоний, хатто Махмуд аз-Замахшарий (1075-1144) ҳам макомалар қолдирган. Замахшарийнинг мақомалари сони эликка боради, олим уларни “Олтин маржонлар” (“Атвақ аз-заҳаб”) китобига йиққан. Аз-Замахшарий мақомалари ҳам кенг тарқалган ва танилган эди.

Макома ёзишда Бадиуззамон ал-Ҳамданий даражасига етган адиб бу – Абу Муҳаммад ал-Қосим ал-Ҳаририй (1054-1122). Ал-Ҳаририй илмий мактаблари билан танилган ва шуҳрат қозонган Ироқдаги Басра шаҳрига яқин жойда туғилди ва таҳсилни филолог олимлардан олди. Бир нечта асарлар муаллифи, жумладан, “Расайл девони” китобини ҳам ёзган. Аммо ҳақиқий шуҳратни унга макома жанрида ёзилган қисқа ҳикоялари олиб келди, уларнинг сони 50 макомага боради. Мақомаларини асосий қаҳрамони Абу Зайд, ҳикоячиси ал-Ҳорис ибн Хаммам. Иккала образ мақомаларда бир бирига зид қўйилган: Ҳорис ибн Хаммам босиқ, кузатувчан, мулоҳазали инсон. Унга ҳилоф Абу Зайд тез, сўзамол, маккор, хийла найрангларга мойил, бир сўз билан уста фирибгар шахс. Лекин Ҳорис ибн Хаммом уни сўзга чечанлигидан ажабланади, айниқса чиройли нутқи билан одамларни авраб, ишини моҳирлик билан битирганига ўзи хоҳламасдан завкланади.

Агар ал-Ҳамданий мақомаларида Абу- ал-Фатҳ ёш камбағал ўқимишли бошпанасиз қолган зиёли йигит бўлиб гавдаланса, Абу

Зайд кексайиб қолган, истейдодли шоир, аммо анча тубанлашган ва нопок ишдан бош тортмайдиган фарибгар эди.

Абу Зайд ваъзхонлик қилишни яхши кўради ва юксак қадриятлар тўғрисида баландпарвоз гаплари билан ҳамманинг кўнглини олади. Аммо кўп ҳолатларда бу нутқлари муғомбирлик билан даромад топиш йўлида ишлатилган хийла-найранг бўлиб чиқади. Баъзи мақомаларда оташин нутқни таъсирига ўзи тушиб қолади ва мағфиратга даъват этувчи ваъзхонлиги сеҳрида қилмишларидан ўзи юракдан тавба қилади ва дин йўлида асл заҳматкашга айланди. Бу ўзгариш охириги эллигинчи “Басра” мақомасида рўй берди ва қахрамонини шу янги ҳаётга босқичга олиб келиб ал-Ҳаририй мантикий нукта қўяди.

Одатда ал-Ҳаририй мақомаларига ракам қўйиб ном берган, аксарият ҳолда улар яратилган жойнинг номини олган. Унинг мақомаларидан намуна сифатида ўттиз саккизинчи “Марв” мақомасини келтирамиз. Унда Абу Зайд Ҳомидга мурожаат қилиб, дарбадар юрган ночор адибларга ёрдам беришга даъват этади ва уларнинг нуткий маҳоратини мактайди. Мақаманинг бошланиши:

حكى الحارث بن همام قال: حبيب الى مذهب قلمي و نفث قلمي ان اتخذ الادب
سرعة و الاقتباس منه نجعت. فكفت انقب عن اخباره، و خزنة اسراره فاذا القيت منهم بقية
الملتص، و جذوة المقتبس شددت يدي بغرضه و استنزلت منه زكات كنهه، على اني لم الق
كاسروحي غزار البسحب و وضع الصاء مواضع النقب.¹

Ал-Ҳорис ибн Ҳаммам ҳикоя қилиб деди:

“Қадам қўйишим ва қаламимни тебратишимдан бошлаб, мен адабиётни ўзим учун ҳаёт қонуни деб билдим. Ундан иқтибосни эса фойда ҳисобладим. Унинг хабарларини, сирларига эга хазиначиларини (яъни муаллифларини) излардим. Қачонки уларни топиб, излаган мақсадимга ва йиғиб борган иқтибосларим алангасига дуч келсам, отимнинг жиливини қаттиқ ушлаб ўша хазинадан зақот олардим. Лекин мен ҳеч қачон Суружийга ўхшаб булутлар орасида учмадим ёки ҳино рангни муносиб бўлмаган жойга сурмадим”.

Ҳорис ибн Ҳаммам ўзининг адабиётга бўлган муҳаббатини ва адибларга бўлган ихтиросини мажозий баён қилмоқда. Сўнг ўзини Суружий билан таққослайди. Суружий бу мақома асосий қахрамони Абу Зайд, у Суруж деган жойда туғилган. Ҳорис ибн Ҳаммам Абу Зайдни таърифлашда давом этиб уни тезликда

¹ الادب و تاريخه في العصرين الاموي و العباسي، ص. ۲۲۶.

“масал-мақолдан таркалишдан” тез, ўзгаришда эса ой ўзгаришдан ўтиб кетади” деб таъриф беради. Ва сўнг давом этади:

و كنت لهوى ملاقاته و استحسان مقاماته اغرب فى اغتراب و استعذب السفر الذى هو قطعة من العذب.

“Лекин у билан мулоқотда бўлишни яхши кўрардим ва у билан у бор жойда учрашиш учун узоқларга кетардим ва сафар азобини тортардим, айтилганку “сафар азобдан бир парча”.

Хорис ибн Ҳаммом “сафар бу – азобининг бир парчаси” иборасини ҳадисдан келтирган. Шундай сафарлардан Мерв сафари бўлиб, у ерда Абу Зайдни қидирди ва узоқ вақт уни кўрмайди, на адиблар мажлисида, на мусофирлар учрашувида топмади. Бир куни Мерв фозиллари ва бойлари ҳозир бўлган жойда Абу Зайд пайдо бўлади. Уни кўриниши Хорис ибн Ҳаммомни ҳайратга солади: “у эски кийимларда бир аҳволда эди. Мажлисга келган валийга мухтожликда қолган инсондек салом бериб, уни авраб хушомад қилади, Муҳаммад Пайғамбар сунналарига асосланиб неъмат тарқатган одам барака топиши тўғрисида узоқ гапирди, жумладан волиятга мурожаат қилиб шундай дейди:

و تنزل المطالب بساحتك. و تتمتع بالراحة من راحتك، و كان فضل الله عليك عظيما و احسانه لذيك عميما ثم انى شيخ ترب بعد الاتراب و عدم الاعشاب حين ساب قصدك من محله نارحه، و حالة رازحة امل من بحرك دفعة و من جاهك رفعة، و التاميل افضل و سائل السائل و نائل النائل فاجوب لى ما يجب عليك و احسن الله اليك.

Сенинг майдонингга толиблар келиб туради, кафтидан эса неъмат-роҳат сўрайди. Аллоҳнинг фазилати сенга сероб бўлган, эҳсони сени тўла ўраган. Мен эса бир ҳокисор чолман. Менда ҳеч нарса йўқ. Оғир аҳволим учун узоқдан сенинг олдинги мақсад қилиб келдим. Денгизингдан бир мавж, юксак мансабингдан бир парча бағишлашингга умид қиламан. Ахир умид сўраб турувчининг энг яхши воситаси ва нафидир. Сен менга нисбатан юкланган вожибни бажар ва Аллоҳ сенга қандай яхшилик қилган бўлса менга шундай яхшилик қил!

Сўнг Абу Зайд бир нечта мақомалар келтиради ва ҳикматли сўзлар билан ҳақлигини таъкидлайди: *ما مجد من جد* – баҳилилик қилган шуҳратга эришмайди. *و لارشء من حشء* – мол тўплашга эҳтиёж қилган тўғри йўлдан бормайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Зайд ниятига етиш учун барча нуткий маҳоратини ишлатади ва ниҳоят мақсадига етади, волий унга инъом қилади.

Агар Бадиуззамон ал-Ҳамданий ва ал-Ҳаририй мақомалари услубини солиштирсак, XII асрга бориб ал-Ҳаририй услубида мажоз, тангмаъно, сўз ўйинлари кўпроқ ишлатилади.

Макомалар мазмунига баҳо берганда унинг қаҳрамонларини канчалик макр, хийла-найрангларини ишлатганини эмас, балки унинг сўзга усталлиги, билимли, адабий истеъдоди ва шеърӣ дидига баҳо бериш мақсад қилиб олинган. Макомада ишлатилган шаклий услуб шу жиҳатларини намоёнш этишга имконият яратади. Макома ёзиш анъанаси араб адабиётида то XX асргача етиб борди ва кўп муаллифлар унга қўл урди. XIX асрда янги араб адабиётида макома услубида машҳур сурия-ливанлик маърифатпарвар Насиф ал-Ҳазийжий фойдаланди. Унинг “Мажмаъу-ал баҳрайни” (Икки денгиз бирлашуви) номли макома тўплами 1855 йилда нашр этилди. Ал-Ҳазийжий макомалар шаклидан фойдаланиб, замонасининг долзарб ижтимоӣ сиёсий ва маданий муаммоларни кўтариб чиқди. У ёзган макомалар нафақат Сурия ва бошқа араб давлатларида, балки Европада ҳам катта шухрат қозонди ва шарқшунослар томонидан таҳлилга тортилди. XX аср бошида машҳур Миср шоири Ҳофиз Иброҳим ҳам насрда “Сатих тунлари” (“Лайли Сатих”) номли билан макомалар тўпламини яратди, 1898 йилда то 1900 йилгача Мисрда “Мисбоҳ аш-Шарқ” рўзномасида ал-Мувайлиҳининг “Фитрат миназ-заман ав ҳадис Исо ибн Ҳишам” (Замондан бир лаҳза ёки Исо ибн Ҳишомининг ҳикоялари) номли макомалар силсиласи нашр этилди. Адиб катта жасорат билан қадимги макома жанри қолипида Мисрнинг янги ижтимоӣ ҳаётидаги иллатларини ошкор ва аниқ очиб ташлади. Ал-Мувайлиҳи қаҳрамонининг исми ал-Ҳамданий мақомаларидек Исо ибн Ҳишом бўлиб, у исқандариялик камбағал сифатида ғорда узок ухлаб уйғонган кекса амирини XIX аср охиридаги Миср кўчаларида олиб юради ва мамлакатни инглизлар ўз мустамлакасига айлантираётганига шохид бўлади. Замонавий араб адабиётида ҳам макома жанри Муҳаммад Юсуф ал-Қуайид ҳикояларида (“Қун харобалари”), Суналлох Иброҳим (“Зот”) романида, Жамол ал-Ғитоний ва бошқа замонавий адиблар ижодида тикланди.

Шундай қилиб, мумтоз араб адабиётида равиқ топган янги жанр макома бизнинг давримизгача етиб келди. Унинг ҳаё-баҳшлиги ва собитлигининг сабаби, араб сўзи ҳазинасидан кенг фойдаланиши, бадиятга алоҳида аҳамият бериши, бадий услубини ҳамма имкониятларидан самарали ишлатганида, деб ҳулоса қилса бўлади.

Хулоса

Қадимги даврлардан арабларда оғзаки ижодиёт ривожланган бўлиб, адабиётда шаклланган жанрларнинг негизи V-VI асрларга бориб такалади. Шу давр шеърляти анча етук ёркин адабий ходиса сифатида танилди, айни унинг энг яхши намуналари — муаллакотларда ўрта асрлар учун собит бўлган ва ҳатто XX асргача етиб борган белгиланган нормалар ва қоидалар ишлаб чиқилди. Исломгача оғзаки ижод сифатида шаклланган қадимги шеърят қабилалар ҳаётини тасвирловчи тарихий ривоятлар ва афсоналар билан бирга бадавий арабларнинг яшаш тарзи ва рухияти тўғрисида қимматли манбадир.

Шеърятнинг тузилиши асосий қасида шаклида бўлиб, у бир нечта қисмларга бўлинар эди. Ҳар бир қисм маълум бир жанр сифатида гавдаланди: “насиб” — қасидага лирик кириш, унда шоир севгилисини эслайди, у турган жойларини зиёрат қилади, сўнг “васф”га ўтади ва бу жанрда сахро табиатини, ундаги яшовчи ҳайвонларни тавсиф қилади, кейин асосий мақсадга — “фахр” (ўзини, келиб чиқишини макташ) ва “мадҳ” (ўз қабиласини, унинг қаҳрамонлари ва шайхларининг мақтови), яна бир жанр — “ҳижо”да шоир душманининг устидан кулади ва қўрқоқлик, бахиллик, номардлик ва бошқа иллатларда айблайди.

VII асрдан Ислом динининг тарқалиши ва ҳалифаликни вужудга келиши, араб шеърлятига катта таъсир кўрсатди. Анъанавий бадавий ахлокий қадриятлар билан бирга янги исломий ахлокий қадриятлар пайдо бўлди. Шоирлар ижодида Қуръоний иқтибослар, ҳадисларга ишоралар ва мурожаатлар кўп учрайди. Халифалик ташкил бўлгандан кейин сиёсий ҳукмронлик учун кураш кучайган вазиятда турли мазҳаблар пайдо бўлиб, ҳар бири ўз манфаатини ҳимоя қилган пайтда мадҳ ва ҳижо жанрлари устун кела бошлади. Васф жанрининг ҳам имкониятлари кенгайди. Шоирлар энди бу тарзда кун кечирувчи бадавийларнинг яшаш муҳитини эмас, балки араблар забот этган бой ерлар манзарасини, қалъа ва қасрлар, сув иншоотлари, боғу бўстонларни васф этдилар.

Умавийлар даврида Дамашқда сарой муҳитида мадҳ жанри раванқ топиб, у сиёсий тус олди. Сарой шоирлари ал-Ахтал, ал-Фараздақ ва ал-Жарирлар Умавийлар сулоласи томонида бўлиб, уларнинг душманлари билан сўз орқали фаол кураш олиб бордилар. Бир томондан, уларни ислом тарғиботчиси, иккинчи томондан, бадавийларга ҳос фазилатларга эга халифалар

сифатида кўрсатдилар ва бу билан қадимги анъаналар ва қадриятлар билан алокани узмадилар.

Сниёсий марказ Арабистондан Сурияга кўчгандан кейин, араблар ватанида бошқача тусдаги шеърят ривожиди – у бадавий (узрий) ва шаҳар ҳижозий (ишкий) лирика сифатида танилди. Ҳар томон ўзининг истеъдодли шоирларига эга бўлиб, уларнинг шеърлари бутун араб-мусулмон дунёсида кенг тарқалди.

VIII асрдан бошлаб араб маданияти, жумладан, адабиёти муштарак ислом маданияти таркибида ривожланди ва бу маданиятни шаклланишида биринчи навбатда, форс, Марказий Осиё, қадимги юнон халқларининг маданий мероси иштирок этди. Аммо янги шароитда шаклланган араб адабиёти Жоҳилия даври адабиётидан узилмади, аксинча, Умавийлар сулоласи ҳукм сурган даврда қадимги шеърят эталон сифатида тақдим этилди. Шунинг билан бирга, эстетик қадриятлар, баҳо бериш мезонлари аста-секин ўзгара бошлади. Жоҳилия даврида рўй берган янги вазиятлар ва жараёнларга англамасдан тасодифий ёндашиш эмас, балки воқеа-ҳодисаларга, атрофдаги муҳитларга, тушунчаларга ёндашишда уларни тўла англаш тамойили пайдо бўлди.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланганидан кейин, араб адабиёти ривожиди сезиларли ўзгариш рўй берди. Энди араб адабиёт ривожиди забот этилган ерлар халқлари фаол иштирок этди, у қабилавий уруғчилик ҳислатларини йўқота бошлади ва кўпроқ ўрта аср шаҳар аҳолисининг мафқурасини ва ҳис-туйғуларини ифода этишга ҳаракат қилди. Шаҳарларда адибларнинг ўқимишли ёш авлоди этилди, адабий доираларда ва саройларда мунтазам равишда баҳслар, мунозара-мулоҳазали мажлислар, шеърхонликлар ўтказиларди. Бу мажлисда турли халқларнинг арабийзабон намояндалари (форс, туркий, юнон ва ҳк.) иштирок этиб, юқори мавқеларга эришди. Араб-мусулмон маданияти ривожланган шаҳарлардаги ўрта аср адабиёти юксалиши ва бу шаҳарларда илмий-адабий муҳит ўрта аср Европа шаҳарларига нисбатан тўлақонлироқ ва етукроқ эканлиги тўғрисида ҳақли равишда ҳулоса қилиш мумкин.

VIII аср иккинчи ярмидан жанрлар юксалиши, баъзида қасида таркибидан чиқиб мустақил жанр сифатида шаклланиш ҳолатлари учрайди. Ҳам қасида таркибида, ҳам алоҳида ишлатиладиган янги жанрлар – “ҳамриёт” (зиёфат, май тараннуми), “тардиёт” (ов васфи), “зуҳдиёт” (тарки дунё кайфияти) пайдо бўлди. Ишкий лирика мустақил маком олиб, “ғазал” жанрини ташкил

этди. Аммо янгиланиш даври шоирларининг канчалик ўзларининг кадимги араб шеъриятидан узоклашганини кўрсатмасин, улар барибир араб шеъриятининг конунлари, анъаналари билан алокаларини уза олмадилар. Бу ришталар арузга тўла амал қилишида, жанрлар тизимини собит анъанавий жанрларда ижод қилишида, қадимги образлар хазиначидан фойдаланишда кўринди.

Шу билан бирга, айни янгиланиш даври адабиёт амалиётида ижоднинг индивидуаллиги ортиб борди. Шу давр шоирлари ҳамма анъанавий жанрларда ёзишса ҳам Башишар ибн Бурд ижодига образларни “соддалаштириш”, аниқ ҳаётний сифат касб этишини, танқидий тамойил кучайишини сезамиз. Абу Нувос ҳаётбахшлик, дўстона зиёфатларни қўллаш билан бирга, асарларида эътикод ва раҳмдил Яратганнинг мағфиратига ишонч борлиги кузатилди. Абу-л-Атахия шеъриятида зуҳд, тарки дунёга берилиш, ваъзхонликка мойиллик, ўткинчи дунёдан воз кечишга даъватларда аниқлик ва равшанликни кўрамиз. Зухдиёт жанри келажакда фалсафий лирикага айланишига дастлабки тамойиллар сезилди. IX асрга бориб адабиётшуносликда илм ал-бадиъ, илм ал-балаға, илм ал-маъани каби илмлар шаклланди.

Араб мумтоз адабиёти ўзида қадимги анъаналарни ва асрлар давомида касб этилган янги тамойилларни уйғунлаштирди. Ҳатто анъана тарафдорлари ўзлари сезмасдан бу анъаналарни ўзгартирдилар ва янгиланиш ютуқларидан истеъфода қилдилар.

VIII асрнинг иккинчи ярмидан араб мумтоз адабиётининг ушбу хислатлари сўнгги етук босқичларда ёрқин намоён бўлди ва ўрта асрлар бадий тафаккурининг асосини ташкил қилди. Бадий асарларга баҳо беришда бу тафаккур ахлоқий ва эстетик мезонлардан келиб чиқиб, сўз санъати мезони жуда юкори қўйиларди. Бу давр адиблари учун сўз шахсни шакллантиришда энг фаол восита, уни ишлатишда ҳис-туйғудан кўра ақл-заковатга таяниш лозим эди. Шу давр жанрлари ҳам бўлиниб баҳоланарди: улар “юкори” ва “паст” жанрларга ажратилди. Юкори жанрлар ўзига қахрамонлик, юксаклик, мисолий муносабатларни ифодаласа, паст жанрларда оддий маиший кундалик ҳаёт алокалари назарда тутилади. Юкори жанрларга – мадхлар, марсиялар кирса, паст жанрлар – ҳижо, ҳамриёт каби жанрларни камраб оларди. Мадх жанри араб мумтоз шеъриятида жиддий тадрижий ривож топди. Дастлабки кўпол очик мактовлардан у нафис, нозик дидли, риторика

ва сўз санъатларига бой, мажоз ва тағмаъно орқали ифодаланган жанрга айланди. “Наст” жанрларга – сўзлашув, кундалик ҳаёт сўзларини киритиш ҳолатлари кўпроқ учрай бошлади.

Мумтоз адабиётининг энг ёрқин намоёндаларидан бўлган ал-Мутанаббий ижодида араб касидаси чуқур ҳиссиётлар ва янги оҳанглар касб қилди. Ижодида анъанадан чиқиш тамойилларини кузатиш мумкин. Шоир касида таркибини ҳам ўзгартирди, мадҳлардан ишқий кириш – насибни олиб ташлади. Қасида композицияси аксарият ҳолда икки қисмдан иборат тузилди. Агар касида уч қисмдан тузилса, насиб ва мадҳни қолдириб, васф ўрнига шоир лирик-фалсафий мулоҳазаларини киритди.

Мумтоз араб адабиётида Абу Ала ал-Маарий ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг асарларида индивидуал муаллифлик ижоди ниҳоят такомиллашди. У яхлит бетакрор асарлар қолдирди. Улар шоирнинг нафақат бадий куввати, балки нодир истеъдодидан ҳам далолат беради. Ал-Маарий умумбашарий қадриятларни тарғибот қилиши биле, унинг ижоди жаҳоншумул аҳамиятга эга.

Мумтоз араб адабиётининг яна бир муҳим самараси бу – янги жанр – мақоманинг шаклланишидир. Мақомалар жуда кўп сўз бойлигини ва гурли услубий изланишларни ўзида мужассамлаштирган жанр. У араб дунёсида кенг тарқалди ва XX асргача етиб келди. Мақомаларда жуғрофий ҳудудлар қаҳрамон фаолияти ва саргузаштлари кенгайган бутун мусулмон дунёсини қамраб олади, унда шунингдек бошқа халқлар адабий мероси таъсири сезилади.

Шундай қилиб, мумтоз араб адабиёти араб маданияти тарихида энг ёрқин саҳифаларни ташкил этади. Унинг энг юксак раўнақи IX-XI асрларга тўғри келади. Бу юксалишда жанрлар тизими ва типологияси фаол қатнашди, баъзи анъаналари ҳатто XX асргача етиб келди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

I. Манбалар

1. خفاجة محمد عبد المنعم، قصة الادب فى مصر، الطباعة المحمدية- درب الانثرا .
لك بالقاهرة، ١٩٥٢.
2. دراسات ادبية و قراء، اعداد نعيمة مراد، القاهرة جامعة "عين شمس"، ١٩٩٦.
3. ديوان الخماسة لآبى تمام، تحقيق د. عيد المنعم احمد صالح، الهيئة العامة لقصور
الثقافة، القاهرة، ١٩٩٦.
4. ديوان الخنساء، دار الماندلس، بيروت- لبنان، ١٩٦٩.
5. الريداوى محمد، تاريخ الادب العربية، دمشق، ١٩٨١.
6. الوزنى، شرح المعلقات السبع، مكتبة المعرفة، بيروت لبنان، ١٩٩٤.
7. العمارى على محمد حسن، زكى على سويلم، الادب و تاريخه فى العصرين
الاموى و العباسى.
8. فنون الادب، اعداد نعيمة مراد، القاهرة، جامعة "عين شمس"، ١٩٩٠.
9. محمد خليفة، الادب و النصوص فى العصرين الجاهلى و صدر الاسلام، القاهرة،
١٩٩٩.

II. Илмий адабиётлар.

Араб тилида:

10. بسيونى ابراهيم، الفكر و الفلسنة الاسلامية، دار المين، القاهرة، ١٩٩٧.
11. ضيف شوقى، تاريخ الادب العربى، العصر الجاهلى، دار المعارف بمصر
القاهرة، ١٩٦٠.
12. عونى حامد، المنهاج الواضح فى البلاغة، ١٩٨٩.
13. معروف الرصافى، الادب الرفيع فى ميزان الشعر و قوافيه، مطبعة المعارف،
بغداد، ١٩٦٩.
14. الوجود ثنا أنس، تحليلات المطبوعة و الحيوان فى الشعر الاموى. مكتبة الشباب،
القاهرة، ١٩٩٠.

Ўзбек тилида:

15. Асатиллаев ва бошқалар. Бадиий санъат жозибаси. — Т.
Янги аср авлоди, 2005.
16. Шарк мумтоз поэтикаси. Манба ва талкинлар/Нашрга
тайёрловчи Х. Болтабоев. — Т.: Ўзбекистон миллий энцик-
лопедияси, 2006.
17. Шарк халқлари адабиёти жанрлар типологияси. Республика
миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. — Т. 2015.
18. Шарк мамлакатлари адабиёти: ривожланиш тамойил-
лари, жанр ва услуб масалалари/Республика миқёсидаги илмий —
амалий анжуман материаллари. — Т., 2012.

19. Ш. Шамусаров. Ўрта Осиё араблари ва араб халклари адабиётини қиёсий ўрганиш. “Ал-Файсал” журнали. № 293., апр-риёд 2001.

20. Ходжаева Р. Мамлуқлар даври араб адабиёти. – Т., 2013.

Рус тилида:

21. Арабская средневековая культура и литература. – М.: Наука, 1978.

22. Арабская старина. Из древней арабской поэзии и прозы. «Восточная редакция», – М.: Наука, 1983.

23. Босворт К.Э. Мусульманские династии. – М.: Наука, 1971.

24. Гибб Х.А.Р. Арабская литература. Классический период. – М.: Наука, восточной литературы, 1960.

25. Грюнебаум Г. Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры. – М.: Наука, 1961.

26. Ибрагимов Н. Познесредневековый арабский книжный эпос. Т. Издательство «Фан», 1994.

27. Крачковский И.Ю. Общие соображения о плане истории арабской литературы. Изб. Соч. Т. II – М. – Л., 1956.

28. Крачковский И.Ю. Энциклопедии мамлюкского периода. Изб. Соч. Т. IV М. – Л. 1957.

29. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. М. 1971.

30. Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983.

31. Мухтаров Т.А., Ходжаева Р.У. Арабская литература. Традиция и современность. – Т. 1999.

32. Проблемы истории литератур народов Востока. – М.: Наука, 1968.

33. Аль-Фахури, Ханна. История арабской литературы. Т. II. – М.: Издательство иностранной литературы. 1961.

34. Фильштинский И.М. История арабской литературы X-XVIII века. Изд. второе. – М.: Издательство «Книжный дом Либроком». М. 2010.

35. Фильштинский И.М., Б.Я.Шифдар. Очерк арабо-мусульманской культуры (VII-XII вв.). – М., 1971.

36. Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. Словесное искусство арабов в древности и раннем средневековье. – М.: Наука, 1977.

37. Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века: арабская литература VIII-IX вв. – М., 1978.
38. Фролов Д.В. Классический арабский стих. – М.: Наука, 1991.
39. Фролова О.Б. Поэтическая лексика арабской лирики. – Ленинград, Издательство Ленинградского университета, 1984.
40. Шамусаров Ш.Г. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. Академкнига/Учебник. М. 2010. – С. 304.
41. Шифдар Б.Я. Образная система арабской классической литературы. – М.: Наука, 1974.
42. Шамусаров Ш. Макамы ал-Хамадани – образец арабской прозы. (В коллект. монографии) СС. 155-129. – Т., Фан, 1992.

Мундарижа

Кириш	3
I боб. Қадимги араб адабиётида жанрлар шаклланиши	7
1.1. Жоҳилия давридаги шеърят ва унинг жанрлари	7
1.2. Жоҳилия даврида оғзаки насрий ижоднинг турлари ...	18
II боб. Илк ислом ва Умавийлар даврларида жанрлар таракқиёти	36
2.1. Қуръони Каримнинг араб адабиёти ривожига таъсири	36
2.2. Умавийлар даврида жанрлар трансформацияси (ўзгариши)	43
2.3. Умавийлар даврида ишқий лирика жанри	54
2.4. Умавийлар даврида насрий жанрлар	59
III боб. Аббосийлар даври адабиётида жанрлар такомиллашуви типологияси	66
3.1. Ўрта аср араб адабиётида янгиланиш ва “анъанага қайтиш” давлари	66
3.2. Мумтоз араб шеърятда шаклланган мотивлар ва жанрлар	84
3.3. Мумтоз араб адабиёти илк босқичида насрнавислик ва унинг жараёнлари	90
IV боб. Мумтоз араб адабиётида индивидуал муаллифлик ижод такомиллашувида жанрлар иштироки	98
4.1. Мумтоз шеърятда шахсий ижод такомиллашуви	98
4.2. Мумтоз араб шеърятда забардаст шоирлари ижодида жанрлар турланиши	102
4.3. XI – XII асрлар араб насрида асосий жанрлар	128
Хулоса	140
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	144

Раъно Ходжаева

МУМТОЗ АРАБ АДАБИЁТИ ЖАНРЛАРИ ТИЗИМИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ

МОНОГРАФИЯ

Масъул мухаррир:

ф.ф.д., проф. А. Маннонов

Такризчилар:

ф.ф.д., проф. С. Ҳасанов

ф.ф.д. Ш. Шомусаров

Мазкур монография Тошкент давлат шарқшунослик
институти Кенгашининг 2015 йил 5 октябрь мажлисининг
2-сонли баённомаси билан нашрга тавсия қилинган.

Босишга рухсат этилди 25.12.15.

Бичими 60x84 ¹/₈

«TimesNewRoman» гарнитураси.

Босма табағи 18,5. Адади 50

Оригинал-макет «Extremum press» МЧЖ

босмахонасида chop этилди.

100053, Тошкент ш., Боғишамол 3.

Тел.:234-44-05

E-mail: Extremum-press@mail.ru